

Ўзбекистон Республикаси
“Ўзпахтасаноат” уюшмаси

“Пахтасаноат илмий маркази”
очиқ акциядорлик жамияти

**ПАХТА ТОЗАЛАШ КОРХОНАЛАРИ
ВА ТАЙЁРЛОВ МАСКАНЛАРИНИНГ
ИШЧИ КАСБЛАРИ, РАҲБАРЛАР,
МУТАХАССИСЛАР ВА
ХИЗМАТЧИЛАР ЛАВОЗИМЛАРИНИ
КЛАССИФИКАЦИЯЛАШ БЎЙИЧА
МЕЪЁРИЙ МАТЕРИАЛЛАР ТЎПЛАМИ**

ТОШКЕНТ
«DAVR PRESS» NMU
2013

65.240-6 - Ҳизматчилар лабораторияси
ишли клаcсификациялар

37.23(59) - Пахта тўчишаси морхона

Пахта тозалаш морхоналари ва тайёров масканларининг ишчи касблари, раҳбарлар, мутахассислар ва хизматчилар лавозимларини классификациялаш бўйича меъёрий материаллар тўплами "Пахтасаноат илмий маркази" ОАЖ иқтисодиёт лабораторияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 20 августдаги 181-сонли қарори билан тасдиқланган "Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификатори" асосида ишлаб чиқилди.

Бош директор, т.ф.н.

Б.Я. Кушакеев

Бош директорнинг илмий
ишлар бўйича муовини, т.ф.н.

Р.А. Гуляев

Иқтисодиёт лабораториясининг
мудири

Ҳ.Б. Азизова

Мазкур классификатор "Ўзпахтасаноат" уюшмаси бошқарма ва бўлимлари бошлиқлари билан келишилган ва "Ўзпахтасаноат" уюшмаси раҳбарияти томонидан тасдиқланган.

Тўплам Ўзбекистон Республикаси пахта тозалаш саноати тизимидағи морхоналарда меҳнатни ташкил этиш ва меҳнат муносабатларини белгилайдиган меъёрий ҳужжат бўлиб, иш фаолиятида қўллаш учун мўлжалланган.

Классификатордан пахта тозалаш морхоналари бўлимлари тўғрисидаги Низомлар ва лавозим йўриқномалари ишлаб чиқиша қўлланма сифатида фойдаланиш тавсия этилади.

42 069
40 291

Барча ҳуқуқлар амалдаги қонунларга асосан ҳимояланган.

"DAVR-PRESS" нашриёт-матбаа уйининг ёзма рухсатисиз ушбу нашрия ҳисман ёки тулиқ ҳолда бопқа оммавий ахборот воситаларида электрон ёки механик формада кўчириб босиш, магнит ташуачи воситаларда гардатиш хотили тақиқланади.

2013/50

A12106

O'zbekiston MK

© "Ўзпахтасаноат" уюшмаси
© "DAVR PRESS" NMU, 2013

МУНДАРИЖА

Пахта тозалаш корхоналари ва тайёрлов масканларининг ишчи касблари, раҳбарлар, мутахассислар ва хизматчилар лавозимларининг тармоқ классификатори	6
Кириш	7
Умумий қоидалар	11
Хизматчилар асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификациясининг жадвали	17
Пахта тозалаш корхоналари ва тайёрлов масканларининг раҳбарлари, мутахассислари ва хизматчиларининг малака тавсифининг маълумотномаси	20
Кириш	21
Умумий қоидалар	21
Раҳбарларнинг мансаблари	25
Корхона раҳбари (Жамият бошқарув раиси)	25
Бош муҳандис	27
Бош ҳисобчи	29
Техника назорати бўлими бошлиги	31
Тайёрлов бўлими бошлиги	33
Тайёр маҳсулот бўлими бошлиги	35
Режа-иқтисод бўлими бошлиги	36
Меҳнатни ташкил қилиш ва иш ҳақи бўлими бошлиги	37
Бош ҳисобчи ўринбосари	39
Бош энергетик	41
Бош механик	42
Бош технолог	45
Тайёрлов маскани мудири	46
Технологик лаборатория мудири	47
Материаллар омбори мудири	48
Хўжалик мудири	49
Ишлаб чиқариш бригадаси устаси	50
Тайёрлов маскани лабораториясининг мудири	51
Мутахассислар мансаблари	52
Ходимлар бўйича нозир	52
Ҳуқуқшунос-маслаҳатчи	53
Тайёр маҳсулот бўйича товаршунос	56
Ҳисобчи	56
Ички аудитор	58

Меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси	
бўйича мутахассис	59
Қурилиш бўйича мутахассис	61
Моддий-техника таъминоти бўйича	
мутахассис (экспедитор)	62
Транспорт бўйича мутахассис	63
Фуқаро муҳофазаси бўйича мутахассис	64
Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва экология	
бўйича мутахассис	66
Меъёрловчи	67
Иқтисодчи	68
Ижро назорати бўйича нозир	69
Хизматчилар	71
Иш юритувчи	71
Котиба	72
Газначи-ҳисобчи (кассир)	73
Компьютер оператори	74
Табелчи-ҳисобчи	75
Пахта тозалаш корхоналари ва тайёров масканларининг	
ишлари ва ишчи касблари тариф-малака маълумотномаси	
Асосий ишлаб чиқариш бўйича ишчиларнинг касблари	76
Умумий касблар	76
Тарозибон	76
Кимёвий зритмалар тайёрловчи	76
Хомашё узатувчи	77
Той тикувчи	80
Технологик ускуналарни (жин ва линтер) созловчи	80
Қуритиш-тозалаш ускуналарини созловчи	82
Прессловчи	83
Чиқиндиларни йигувчи	87
Ғарамларда туннел очувчи	88
Ургуллик чигит қопловчи	88
Ускуналарни тозаловчи	89
Қуритиш ускуналарининг оператори	90
Тозалаш ускуналарининг оператори	94
Иссиқлик генератори оператори	97
Жин ускуналарининг оператори	97
Линтер ускуналарининг оператори	99
Чигит дориловчи	102
Классификатор	104

Лаборант	106
Ёрдамчи ишлаб чиқариш ишчиларининг касблари	108
Автомашина ҳайдовчиси	108
Автокара ҳайдовчиси	108
Газ билан пайвандовчи	110
Тунукасоз	112
Темирччи	115
Бўёқчи	118
Моторист	120
Дурадгор	120
Аррага тиш чиқарувчи	122
Арра чархловчи	122
Арра текисловчи	123
Асбобсоз-чилангар	124
Технологик асбоб-ускуналар чилангари	127
Иссиқлик генераторларини таъмирловчи чилангар	130
Электрик-чилангар	131
Токар	133
Фрезерчи	137
Тракторчи	138
Ёрдамчи ишчи	139
Сувоқчи	140
Электр пайванҷчи	141
Нурчи (электрик)	144
Ёнгиндан сақлаш профессионал хизмати	147
Корхона ёнгиндан сақлаш профессионал отрядининг бошлиги	147
Тайёрлов маскани ёнгиндан сақлаш профессионал бўлиммининг бошлиги	148
Ўт ўчириш машинаси ҳайдовчиси, ўт ўчириш мотопомпасининг мотористи	149
Ўт ўчирувчи	150
Хизмат кўрсатувчи ходимларнинг ишчи касблари	152
Худудни тозаловчи	152
Дам олиш ҳудудини ободонаштирувчи	152
Санузел ишчиси	153
Боғбон	153
Қоровул	154
Хизмат хоналарини йигиштирувчи фаррош	155
Умумий ҳожатхоналарни тозаловчи фаррош	155

**ПАХТА ТОЗАЛАШ КОРХОНАЛАРИ ВА
ТАЙЁРЛОВ МАСКАНЛАРИНИНГ РАҲБАРЛАРИ,
МУТАХАССИСЛАР ВА ХИЗМАТЧИЛАР
ЛАВОЗИМЛАРИНИНГ ҲАМДА ИШЧИ
КАСБЛАРИНИНГ КЛАССИФИКАТОРИ**

КИРИШ

Пахта тозалаш корхоналари ва тайёрлов масканлари ишчи касблари, раҳбарлари, мутахассислари ва хизматчилари мансабларининг классификатори (ИК ва ММРК) касблар ва мансаблар Халқаро Стандартлари Классификацияси талабларини инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 20 августдаги 181-сонли қарори билан тасдиқланган “Хизматчилар асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификатори” асосида ишлаб чиқилади.

Ушбу классификатор пахта тозалаш корхоналари ва тайёрлов масканларида штат жадвали ва меҳнат шартномасини тузишида, меҳнат дафтарчаларига ёзувларни киритишида, меҳнат муносабатлари бўйича бўйруқларни расмийлаштиришида, лавозимлар ва касбларни ходимларнинг (бошқарув, техник, хизмат кўрсатувчи ходимлар, ишлаб чиқариш ходимлари ва бошқа ходимларнинг) тегишли тоифаларига киритишида раҳбарлар, мутахассислар, бошқа хизматчиларнинг лавозимлари ва ишчилар касблари номларини стандартлаштириш ва бирхиллаштириш; кадрлар (мутахассислар)нинг маълумоти даражасини, малака тоифасини ҳисобга олган ҳолда уларни жой-жойига самарали қўйиш; ходимлар персонали тоифалари бўйича меҳнат ҳисоби, таҳлили ва статистикасини юритиш учун мўлжалланган.

Классификаторда:

- хизматчилар лавозимлари ва ишчилар касбларининг номлари;
- касбларнинг миллий стандарт классификаторига мувофиқ хизматчилар лавозимлари ва ишчилар касблари кодлари;
- хизматчиларнинг аниқ лавозимлари ва ишчилар касблари тегишли бўлган ходимлар тоифалари номлари;
- хизматчи лавозимига ёки ишчи касби бўйича ишга қабул қилишда функционал вазифаларни бажариш учун талаб қилинадиган ходим маълумотининг энг кам даражасига қўйиладиган талабларга кўрсатмалар мавжуд.

Классификаторга киритилган лавозимлар, хизматчилар ва ишчилар касблари номлари ва уларнинг идентификацион код рақамлари (кейинги ўринларда “код” деб аталади) касбларнинг миллий стандарт классификаторига мувофиқдир.

Кодлар Халқаро Мәжнат ташкилотининг Касбларнинг халқаро стандарт классификаторига (Касбларнинг халқаро стандарт классификатори-88 ёки ISCO-инглизча) мувофиқдир ва тўртта рақамдан иборат, улардан:

- биринчиси — Касбларнинг миллий стандарт классификаторининг асосий гуруҳи номини ифодалайди;
- иккинчиси — Касбларнинг миллий стандарт классификаторининг кичик гуруҳи номини ифодалайди;
- учинчиси — Касбларнинг миллий стандарт классификаторининг қўйи гуруҳи номини ифодалайди;
- тўртингчиси — Касбларнинг миллий стандарт классификаторининг бошланғич гуруҳи номини ифодалайди.

Ушбу Классификатор мақсадлари учун қўйидаги таъриф ва тушунчалардан фойдаланилади:

- а) лавозим — ходимнинг ташкилий-бошқарув ёки маъмурий-хўжалик функцияларини бажариш билан боғлиқ функционал вазифалари доираси билан боғлиқ хизмат мавқеи;
- б) касб — ходим томонидан касбга ўқиш ёки қўп йиллик амалиёт натижасида эгалланган билимлар ва кўникмаларни ўз ичига олувчи меҳнат фаолияти тури;
- в) хизматчилар — ҳужжатларни тайёрлайдиган ва расмийлаштирадиган, ҳисоб ва назоратни, бошқарув функцияларини, шунингдек хўжалик хизматини амалга оширадиган ходимлар;
- г) мутахассислар — бошқарув функцияларисиз ишлаб чиқариш жараёнларини режалаштирадиган, лойиҳалаштирадиган ва назорат қиласиган; муракқаб техникага хизмат кўрсатадиган; ҳужжатларни ишлаб чиқадиган; ходимларни бошқарадиган; корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар фаолияти жараёнларини тартибга соладиган ходимлар. Мутахассислар бажарадиган функцияларига боғлиқ ҳолда бошқарув ва ишлаб чиқариш ходимларига мансуб бўлиши мумкин;

д) ишчилар — меҳнат қуороли ёрдамида меҳнат жараёнида ишлов берилими керак бўлган материалларга (меҳнат предметига) таъсир кўрсатадиган, асосан жисмоний меҳнат билан шугулланадиган, маҳсулот яратадиган, машиналарни кузатадиган, созлайдиган ва сақтайдиган, меҳнат предметлари жойини ўзгартирадиган, меҳнатнинг нормал шароитларини сақлаб турадиган, товарлар ва хизматларнинг ишлаб чиқариш технологияси билан белгиланадиган бошқа функцияларни бажарадиган ходимлар;

е) ходимлар тоифаси — меҳнат мазмунининг тавсифлари ва кўрсаткичлари тизими;

· **бошқарув ходимлари** – бошқарув функцияларини амалга оширувчи, ходимларга раҳбарлик қилувчи, зарур қарорларни ишлаб чиқувчи ва қабул қилувчи, ташкилот фаолиятини режалаштирувчи, назорат қилувчи ва жараёнларни тартибга солувчи, зарур қарорлар қабул қилиш учун маълумотлар тайёрловчи ходимлар. Бошқарув ходимлари ташкилотнинг ўз олдига қўйган мақсадлар ва вазифаларга эришиши учун зарур ташкилий-техник шартларни, юклangan функциялар ва ишлаб чиқариш дастурлари бажарилишини таъминлайдилар. Бошқарув ходимлари раҳбарларга ва бошқарув ходимлари мутахассисларига бўлинади;

· **ишлаб чиқариш ходимлари** – ташкилотнинг иқтисодий фаолият турлари, шунингдек ишлаб чиқариш дастурида белгиланган тегишли маҳсулотлар (хизматлар) классификациясига мувофиқ бўлган ташкилотнинг асосий маҳсулотлари (хизматлари) ни ишлаб чиқариш жараёнида бевосита қатнашадиган ходимлари. Ишлаб чиқариш ходимлари таркибига бошқарув ходимларига тегишли бўлмаган муҳандис ходимлар ва техниклар, ишчилар, кичик мутахассислар ва ишлаб чиқариш жараёнида бевосита қатнашадиган бошқа ходимлар киради;

· **техник ходимлар** – функциясига бошқарув ходимлари фаолиятига техник хизмат кўрсатиш ҳамда ишлаб чиқариш ва технологик жараёнларни таъминлаш ишларини бажариш (чоп этиш, кўпайтириш ва архив ишларини бажариш, кутубхона иши, ҳужжатларни етказиб бериш, компьютер техникасига хизмат кўрсатиш, идора, котиблик ишларини ва бошқа ишларни бажариш) кирадиган ходимлар;

· **хизмат кўрсатувчи ходимлар** – функциясига бинолар ва ҳудудларга техник хизмат ва хўжалик хизмати кўрсатиш, уларни қўриқлаш, бошқарув ходимларига транспорт хизмати кўрсатиш, ташкилотнинг бошқарув ва ишлаб чиқариш ходимларига хизмат кўрсатиш бўйича бошқа ишлар, шу жумладан, ижтимоий-маиший хизмат кўрсатиш кирадиган ходимлар. Хизмат кўрсатувчи ходимларга мутахассислар ва ишчилар тоифасига мансуб бўлмаган аҳолига майший хизмат кўрсатиш ходимлари ҳам киради;

ж) **ходим маълумотининг энг кам даражасига қўйиладиган талаблар** — "Таълим тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ, хизматчи ёки ишчи касби бўйича ишга

киришда, қоидага күра, бажариладиган ишлар ва функционал вазифаларнинг ўзига хослигидан келиб чиқиб талаб қилинадиган маълумотнинг энг кам даражаси. Ишга қабул қилишда маълумот ихтисослигига қўйиладиган талаблар қонун ҳужжатлари талаблари ҳисобга олинган ҳолда давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари ва ташкилотлар томонидан белгиланиши мумкин.

Классификаторда қўйидаги қисқартмалар қўлланилади:

а) ходимлар тоифаси:

Б — бошқарув ходимлари;

М — мутахассислар;

Т — техник ходимлар;

Х — хизмат кўрсатувчи ходимлар;

И — ишлаб чиқариш ходимлари;

б) ходимнинг маълумоти даражаси:

О/М — олий маълумотли;

ЎМКХТ — ўрта маҳсус, касб-хунар таълими маълумотли;

ТҚ — маълумоти даражасига талаб қўйилмайди.

Хизматчиларнинг айрим лавозимлари ва ишчилар касблари бўйича:

а) Хизматчилар лавозимлари ва ишчи касблари классификаторида кўрсатилмаган:

• ишчилар касблари бўйича: катта, ёрдамчи;

• хизматчилар лавозимлари бўйича: уринбосар, ёрдамчи, биринчи, иккинчи, учинчи, тўртинчи, бешинчи, бош, етакчи, катта, кичик, олий маълумотли, ўрта маҳсус маълумотли, касб-хунар таълими маълумотли, сменали, бригадали, вилоят, туман, участка, кон ва ҳоказо ҳосила лавозимлар ва касблар;

б) олий, биринчи, иккинчи, учинчи малака тоифалари белгиланиши мумкин.

• ҳосила лавозимлар ва касблар, шунингдек мутахассисларнинг айрим лавозимлари бўйича малака тоифалари бир лавозим доирасида ташкилот раҳбари томонидаи белгиланади.

• ҳосила лавозимни, касбни ва малака тоифасини белгилашда лавозим мажбуриятларини бажаришда ходимларнинг мустақиллиги даражаси, қабул қилинадиган қарорларнинг тўғрилиги учун унинг жавобгарлиги, ташаббускорлик, меҳнат самарадорлиги ва сифати, шунингдек амалий фаолият тажрибаси ҳисобга олинади.

Бакалавр ёки магистр даражаси билан олий таълим муассасаларини тамомлаган ходимлар олий маълумотли ходимлар жумласига киритилади.

Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини (техникумлар, касб-ҳунар, техник, тиббиёт, педагогика ва бошқа билим юртларини), 10 (11) йил ўқитиладиган умумтаълим мактабларини тамомлаган ходимлар ўрта маҳсус, касб-ҳунар маълумотли ходимлар жумласига киритилади.

Айрим ҳолларда Классификаторда белгиланган маълумот даражаси ва ихтисослигига эга бўлмаган, шу жумладан, умумтаълим мактабларининг 8-(9-)сининфларини тамомлаган (мажбурий 12 йиллик таълимга ўтилгунгача), бироқ етарли амалий тажрибага эга бўлган ва ўзларига юкланган лавозим мажбуриятларини тўлиқ ҳажмда ва сифатли бажараёттан ходимлар, агар қонун ҳужжатларида ўзгача тартиб назарда тутилмаган бўлса, маълумотнинг юқорироқ даражасини ёхуд бошқа ихтисослигини талаб қиласидиган лавозимга қабул қилиниши мумкин.

Ташкилотларда ходимларни ҳисобга олиш, шунингдек барча ҳужжатлардаги ёзувлар Классификаторда кўрсатилган хизматчилар лавозимлари ва ишчилар касблари номларига қатъий мувофиқ ҳолда амалга оширилиши керак.

УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Пахта тозалаш корхоналари ва тайёрлов масканларининг ишлар ва ишчилари касблари тариф-малака маълумотномаси (РТММ) Ўзбекистон Республикасининг барча пахта тозалаш корхоналарида қўлланиш учун мажбурийдир.

2. РТММ ишларни тарификациялаш, ишчиларга малака разряди бериш учун мўлжалланган.

3. РТММ пахта тозалаш саноати тармоғида банд бўлган ишчилар касбларининг тариф-малака тавсифномаларини ўз ичига олади. Ишчилар касблари тариф-малака тавсифномаси тармоқдаги илмий-техникавий тараққиёт, маълумот даражасининг ўзгариши ва ишчиларни маҳсус тайёрлашни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган.

4. Ишчилар касбларининг тариф-малака тавсифномалари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010

йил 20 августдаги 181-сонли қарори асосида тасдиқланған "Хизматчилар асосий лавозимлари ва ишчилар касблари Классификатори"та мувофиқ ишлаб чиқылған.

Ишларнинг разрядлари уларнинг мураккаблигига қараб, одатда, меҳнат шароитларини ҳисобга олмаган ҳолда белгиланған. Зарур бўлган меҳнат шароитлари (огир, вақтичалик ва бошқа) тегишли органлар томонидан тасдиқланадиган оширилган ставкалар белгилаш йўли билан ҳисобга олинади.

5. Маълумотномада келтирилган тариф-малака тавсифномалари, ишчилар касблари бўйича энг кўп учрайдиган, асосий ишлар баёнини ўз ичига олади. Ҳар бир иш жойида бажариладиган ишларнинг аниқ таркиби, ҳажми ва тартиби, корхоналарда технологик ҳариталар, иш йўриқномалари ёки бошқа ҳужжатлар билан белгиланади.

Тариф-малака тавсифномасида кўзда тутилган ишлардан ташқари ишчилар шунингдек, сменани қабул қилиш ва топшириш, иш жойини ўз вақтида ишлашга тайёрлаш ва йигиштириш, асбоб-ускуналарни, мосламаларни ҳозирлаш ва уларни тегишли ҳолатда сақлаш, белгиланған техникавий ҳужжатларни тутиш билан боғлиқ бўлган ишларни ҳам бажариши лозим.

Тариф-малака тавсифномасининг «Билиши лозим» бўлимларидаги барча касбларда, бажариладиган иш доирасида билимга эга булиши заруриятини назарда тутиш керак.

6. Маълумотномада у ёки бу касб учун бир неча разрядлар кўзда тутилган ҳолларда, демак, тариф-малака тавсифномалари ҳам, юқорироқ малакага эга ишчи, унга разряд берилган тариф-малака тавсифномасида санаб ўтилган ишлардан ташқари, шу касбнинг пастроқ, малакали ишчилари учун тариф-малака тавсифномасида кўзда тутилган ишларни бажариш учун билимга, маҳоратга ва эплай олиш қобилиятига эга бўлиши лозим. Шунинг учун тариф-малака тавсифномаларининг пастроқ разрядлари учун келтирилган ишлар, одатда, юқорироқ разрядлар тавсифномасида кўрсатилмайди.

Айрим касбларнинг энг паст разрядли ишлари тавсифномасида, ишлаб чиқариш шароити ёки бажариладиган ишнинг характеристидан келиб чиқсан ҳолда, технологик жараённи бошқариш ёки айрим ишларни бажариш юқорироқ малакага эга ишчи бошчилигида амалга оширилади деб ёзиб қўйилган. Бундай ҳолларда юқорироқ разрядга эга ишчилар, шу

касбнинг пастроқ разрядига эга ишчиларга бошчилик қилишини билишлари ва бу бошчиликни амалга оширишлари лозим. Технологик жараёнларни бошқаришда банд бўлган энг юқори разрядли ишчилар, бу жараёнларни бошқаришда иштирок эттаётган ишчиларга бошчилик қилишлари лозим.

7. Тариф-малака тавсифномаларида баён этилган, ишчининг тегишли малакасининг назарий ва амалий даражасига қўйилган талаблар билан бир қаторда, қуйидагиларни билиши лозим:

— ўз иш жойида меҳнатни мақсадга мувофиқ ташкил этишини; ёки хизмат кўрсатадиган асбоб-ускуналар, мосламалар ва асбобларни техник жиҳатдан ишлатиш ва қараш қоидаларини, иш бажараётганда келиб чиқадиган оддий носозликларни аниқлаш ва бартараф этишини; ўзи бажарадиган ишларга сарфланадиган ёқилги, энергия, ҳомашё ва материаллар меъерини;

— бажариладиган ишлар сифатига қўйиладиган талабларни, шу жумладан, ўзаро боғланган операциялар ва жараёнларни ҳам; браклар турини, уларни келтириб чиқарувчи сабаблар ва уларнинг олдини олиш ва бартараф этиш усуllibарини;

— ўз иш жойида участкасида хавфсиз меҳнат усуllibари ва санитария-тигиена шароитлари, ёнгинни учирининг асосий воситалари ва ёнгиннинг олдини олиш ва учириш усуllibари, сигнализацияни, юк кўтарадиган-ташибидиган кранларни бошқариш қоидалари, юк илиш ишлари қоидаларини;

— корхона йўриқномасини (касби бўйича) ва ички тартиб-қоидаларни;

— тариф ставкалари, нормалар ва баҳолашларнинг вазифалари ва белгилаш тартибини; ишларни тарифлаштириш, ишчиларга малака разрядлари бериш, нормалар ва баҳолашларни қайта кўриб чиқиш, техник жиҳатдан асосланган нормаларни белгилаш тартибларини;

— корхонада ишчиларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва макаларини оширишнинг асосий қоидалари ва шаклларини;

— иш ҳақи шакллари ва тизимларини, кўп ускуналарга хизмат курсатиш ва касбларни бирга қўшиб олиб борилганда меҳнатта ҳақ тўлаш шартларини.

7-бандда кўрсатиб ўтилган талаблардан ташқари, машина ва механизmlарни бошқаришда ва уларга хизмат кўрсатишда бевосита банд бўлган ишчилар, машинистлар, мотористлар,

ҳайдовчилар, тракторчилар, созловчилар, электриклар ва бошқалар бажарадиган ишлари шароити бўйича улар ускуналар ишлаб турган жараёнда келиб чиқадиган оддий характердаги носозликларни мустақил равишда бартараф эта олишлари учун етарли даражада чилангарлик ишларини билишлари ва уни таъмирашда иштирок этишлари лозим.

8. Ишларни тарифлаштириш, тариф-малака тавсифномалари асосида амалга оширилади. Шунинг билан бирга тарифлаштирилаётган ишлар, тариф-малака тавсифномаларида баён этилган ҳамда маълумотномада босиб чиқарилган ишларнинг намунавий мисоллари билан баён этилган тегишли ишлар билан таққослагб кўрилади.

Иш бригада томонидан бажариладиган ҳолларда, ишларни тарифлаштириш, бу ишлар таркибига, унинг ўртача разрядига кирувчи ҳар бир операция ёки операциялар йигиндиси бўйича табақалаштирилган ҳолда амалга оширилади.

9. Ишчига разряд бериш ёки разряди (тоифаси)ни ошириш масаласи, ўқиши тамомлаган ишчининг аризасига кўра ҳамда тегишли бўлинма раҳбари (уста, смена бошлиги ва ҳоказо) нинг тақдимномасига кўра, корхона (цех) малака белгилаш комиссияси томонидан кўриб чиқилади.

Малака белгилаш имтиҳонларига одатда, тегишли ўқув дастурлари бўйича назарий ва ишлаб чиқариш ўқувининг тўла курсини муваффақиятли ўтган шахслар, назарий билимларини олдиндан текшириб кўрилмай ва синов топширтирмай қўйиладилар. Технологик интизомни қўпол равишда бузганлиги учун, шунингдек тайёрлананаётган маҳсулот сифатининг ёмонлашувига олиб келувчи бошқа жиiddий бузилишларга йўл қўйгани учун, корхона раҳбари уч ойгача бўлган муддатга ишчиларнинг малака разрядлари (тоифалар)ни пасайтириш ҳуқуқига эга. Шунинг билан бирга, разряд (тоифа)ни қайта тиклаш, разрядлар (тоифалар)ни бериш белгиланган тартибда амалга оширилади.

10. Малака белгилаш комиссиясининг раиси этиб корхонанинг бош муҳандиси, раис ўринбосари этиб касаба ўюшмаси ташкилотининг вакили, комиссия атъзолари этиб ходимлар бўйича нозир, меҳнат муҳофазаси (хавфсизлик техникаси) бўйича мутахассис, смена устаси, меъёrlашиб бўйича мутахассис, бригадирлар тайинланадилар.

Зарур бўлган ҳолларда, малака белгилаш комиссияси: разряд бериш ёки разрядни ўзгартириш тўғрисидаги масалани қўриб чиқиш учун, мазкур касбнинг малакали ишчиларини ёки бошқа хизмат мутахассисларини жалб этиши мумкин.

11. Ишчига малака разряди бериш ёки уни ошириш, цехда, участкада мавжуд бажариладиган ишларнинг мураккаблигини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

12. Малака комиссияси томонидан ишчиларнинг назарий билимларини текшириш ва улар томонидан синов топширишни ташкил этиш, смена устасининг ёки тегишли бўлинма раҳбарининг вазифасидир.

13. Малака разряди берилаётган ёки малакаси оширилаётган ишчи, тегишли разряднинг тариф-малака тавсифномасига мувофиқ, «Билиши лозим» бўлимидаги саволларга жавоб берishi ва синов топшириши лозим, яъни мазкур корхонада мавжуд ишлар ичдан белгиланадиган разряднинг «Ишларнинг намуналари» ёки «Ишларнинг тавсифномаси» бўлимларида кўрсатилган айрим ишларни мустақил бажариши лозим. Ундан ташқари, ишчи шунингдек, мазкур умумий қоидаларнинг 7-бандида баён этилган билимлар даражаси талабларидан келиб чиқадиган саволларга жавоб берishi лозим. Синов ишлари бажарилиб бўлмайдиган участкалардаги ишчининг амалий тайёргарлик даражасига баҳони смена устаси беради. Бригада таркибида бўлган ишчига малака разряди бериш ёки уни ошириш, юқорироқ малакага эга ишчи раҳбарлиги остида бажариладиган ишнинг мураккаблик даражасига қараб эмас, балки малака синовини топшириш пайтида у мустақил бажара олиши мумкин бўлган ишларнинг бажарилиш мураккаблигига қараб амалга оширилиши лозим.

14. Касби бўйича асосий иши билан бир қаторда уларга, шунингдек бригадага бошчилик килиш вазифасини бажариш юклатилган ишчиларга малака разрядини бериш, умумий асосларда амалга оширилиши лозим. Ишчини бригадир этиб тайинлаш, унинг разрядини ошириш учун асос бўла олмайди. Бир ва ундан ортиқроқ касбларни бир-бири билан қўшиб бажарилганда ҳам разрядлар бериш тартиби шунга ўхшашдир.

15. Вақтбай ишловчи ишчиларниң разрядларини ошириш тегишли разрядда мавжуд ишларниң мураккаблиги мавжудлигидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилиши мүмкин.

16. Ишчига касбининг номи, аниқ ишлаб чиқаришда аслида бажариладиган ишни ҳисобга олган ҳолда, РТММга мувофиқ равишда қатъий белгиланиши лозим.

Ишчи турли касбнинг ишларини бажарадиган ҳолларда, ишчига касбининг номи, бажариладиган ишларниң энг кўп саломгини ҳисобга олган ҳолда асосий иши бўйича белгиланади.

17. Малака комиссиясининг хуносаси асосида, корхона маъмуряти касаба уюшмаси ташкилоти билан келишилган ҳолда, РТММга мувофиқ ишчига касб номи ва малака разрядини, буни тегишли ҳужжатлар (буйруқ, фармойиш, қабул қилиш ёки ишдан-ишга ўтказиш варақаси ва б.) билан расмийлаштириб, тасдиқлади. Ишчига берилган разряд ва асосий иши бўйича касбининг номи, унинг меҳнат ва ҳисоб-китоб дафтарчасига ёзиб қўйилади.

Ишчиларга бир-бири билан қўшиб бажариладиган касблари бўйича берилган разряд учун гувоҳнома топширилади.

18. Корхоналарда ишчилар касблари таркиби бўйича ҳисобга олиш, шунингдек иш тўғрисидаги барча ҳужжатлардаги ёзувлар, фақатгина мазкур РТММда кўрсатилган ишчилар касблари номлари бўйича ёзилишлари лозим.

**ХИЗМАТЧИЛАР АСОСИЙ ЛАВОЗИМЛАРИ ВА ИШЧИЛАР
КАСБЛАРИ КЛАССИФИКАЦИЯСИННИГ ЖАДВАЛИ**

T/р	Республика Классификатори бўйича тегтиб р.кани	Касб, лавозим коди	Хизматчи лавозими ва ишчи касбининг номи	Касбадарниш милий стандартлар классификатори бўйича коди	Ходимлар тонграси	Талаб килинадиган маддукотининг энг яхон дадаржини
1	2	3	4	5	6	7
1	868	1	Автомашина ҳайдовчиси	8322	И	УМКХТ
2	872	1	Автокара ҳайдовчиси	8333	И	УМКХТ
3	4247	1	Appara тиш чиқарувчи	7224	И	УМКХТ
4	7173	1	Appa чархловчи	7224	И	УМКХТ
5	7562	1	Appa текисловччи	7224	И	УМКХТ
6	6629	1	Асбобсоз чилангар	7222	И	УМКХТ
7	2319	2	Атроф-муҳитни муҳофаза қилиши ва экология бўйича мутахассис	2149	М	О/М
8	1107	2	Бош муҳандис	1222	Б	О/М
9	1141	2	Бош механик	1222	Б	О/М
10	1273	2	Бош энергетик	1229	Б	О/М
11	1246	2	Бош технолог	1229	Б	О/М
12	1068	2	Бош ҳисобчи	1231	Б	О/М
13	1974	2	Бош ҳисобчи ўринбосари	1231	Б	О/М
14	6341	1	Богбон	6112	И	УМКХТ
15	3159	1	Бүёқчи	7133	И	УМКХТ
16	991	1	Газ билан пайвандловчи	7212	И	УМКХТ
17	4659	1	Дам олиш ҳудудини ободонлаштирувчи	6142	И	УМКХТ
18	5391	1	Дурадгор	7124	И	УМКХТ
19	4348	2	Ёнгиндан сақлаш профессионал отрядининг бошлиги	1229	Б	О/М
20	5444	1	Ёрдамчи ишчи	9141	И	ТҚ
21	6617	1	Иссиқлик генераторларини таъмирловчи чилангар	7233	Х	УМКХТ
22	2097	1	Иссиқлик генератори оператори	8231	И	УМКХТ
23	1420	2	Иш юритувчи	115	Т	УМКХТ
24	2500	2	Ижро назорати бўйича нозир	431	М	О/М

2013/14/05	A 12/106	nomidagi
O'zbekiston MK		

25	3255	2	Ишлаб чиқариш бригадаси устаси	1222	Б	ҮМКХТ
26	4744	1	Жин үскуналариңинг оператори	8261	И	ҮМКХТ
27	1902	1	Кимёвий зритмалар тайёрловчы	8229	И	СМКХТ
28	2750	1	Классификатор	2146	Х	ҮМКХТ
29	5579	2	Корхона раҳбари (Жамият бошқарув раиси)	1210	Б	О/М
30	6494	2	Котиба	4115	Т	ҮМКХТ
31	4775	1	Компьютер оператори	4114	Т	ҮМКХТ
32	3048	1	Лаборант	7214	И	ҮМКХТ
33	1773	2	Лаборатория мудири	1229	Б	О/М
34	4808	1	Линтер үскуналарининг оператори	8269	И	ҮМКХТ
35	7643		Моддий-техника таъминоти бўйича мутахассис (экспедитор)	3422	Т	ҮМКХТ
36	4032	1	Моторист	8311	И	ҮМКХТ
37	1828	2	Материаллар омбори мудири	1226	Б	ҮМКХТ
38	4398	2	Меҳнатни ташкил қилиш ва иш ҳақи бўлими бошлиги	1231	Б	О/М
39	2318	2	Меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси бўйича мутахассис	2149	М	О/М
40	4511	2	Меъёрловчи	2149	М	О/М
41	7635	2	Иқтисодчи	2441	М	О/М
42	5624	1	Прессловчи	7431	И	ҮМКХТ
43	4398	2	Режа-иқтисод бўлими бошлиги	1231	Б	О/М
44	7603	1	Сувоқчи	7133	И	ҮМКХТ
45	6647	1	Санузел ишчиси	7136	И	ҮМКХТ
46	2368	2	Транспорт бўйича мутахассис	2145	М	О/М
47	658	2	Ички аудитор	2411	М	О/М
48	7151	2	Тайёр маҳсулот бўйича товаршунос	2419	М	ҮМКХТ
49	1749	2	Тайёрлов маскани мудири	1228	Б	ҮМКХТ
50	4385	2	Тайёрлов бўлими бошлиги	1222	Б	О/М
51	4385	2	Тайёр маҳсулот бўлими бошлиги	1222	Б	О/М
52	6996	2	Табелчи-ҳисобчи	4121	Т	ҮМКХТ
53	7152	1	Токар	7223	И	ҮМКХТ
54	7189	1	Тракторчи	8331	И	ҮМКХТ
55	3033	1	Темирчи	7221	И	ҮМКХТ
56	6613	1	Технологик үскуналар чилалигари	7233	Х	ҮМКХТ

57	4406	2	Техник пазорати бұлими бошлиги	1239	Б	О/М
58	1693	1	Тунукасоз	7233	И	ҮМКХТ
59	2081	1	Той тикувчи	9322	И	ТҚ
60	4189	1	Технологик үскүнәларни сөзловчи	7233	Х	ҮМКХТ
61	852	1	Тарозибон	9322	И	ТҚ
62	5074	1	Тозалаш үскүпшілері оператори	8264	И	ҮМКХТ
63	7254	1	Үргулап чигитни қолловчы	9322	И	ТҚ
64	7498	1	Үскүнәларни тозаловчы	7241	И	ҮМКХТ
65	7228	1	Үмумий қожатхоналарни тозаловчы фаррош	9132	Х	ТҚ
66	2272	2	Фуқаро мұхофазаси бүйіча мутахассис	2149	Б/М	О/М
67	7402	1	Фрезерчи	7223	И	ҮМКХТ
68	1921	1	Хомаше узатувчи	8269	И	ҮМКХТ
69	1335	1	Худудни тозаловчы ишчи	9162	Х	ТҚ
70	7226	1	Хизмат хоналарини ылғыштирувчи фаррош	9132	Х	ТҚ
71	1853	2	Хұжалик мудири	1239	Б	О/М
72	7822	2	Хұқықшынос-маслағатчи	2421	М	О/М
73	2496	2	Ходимлар бұлими бошлиги (нозир)	3423	М	О/М
74	766	2	Хисобчи	3433	М	ҮМКХТ
75	5897	1	Чигит дориловчи	6111	И	ҮМКХТ
76	6394	1	Чиқындилярни йиқевчі	9322	И	ТҚ
77	6660	1	Электрик-чиләнгар	7241	Х	ҮМКХТ
78	7773	1	Электр пайвандчи	7212	И	ҮМКХТ
79	7724	1	Нурчи (электрик)	3114	Т	ҮМКХТ
80	6758	1	Үт үчириш машинасы ҳайдовчысі	1229	И	ҮМКХТ
81	873	1	Үт үчириш машинасы ҳайдовчысі	8324	И	ҮМКХТ
82	6868		Қоровул	9152	И	ТҚ
83	2445	2	Қурилиш бүйінча мутахассис	2142	М	О/М
84	5015	1	Құритиш үскүнәларининг оператори	8261	И	ҮМКХТ
85	4189	1	Құрітіш-тозалаш үскүпшілерини сөзловчи	7233	Х	ҮМКХТ
86	2700	2	Газнави-хисобчи	4212	Т	ҮМКХТ
87	7215	1	Гаралларда туннел очувчи	8269	И	ҮМКХТ

**ПАХТА ТОЗАЛАШ КОРХОНАЛАРИ ВА
ТАЙЁРЛОВ МАСКАНЛАРИНИНГ РАҲБАРЛАРИ,
МУТАХАССИСЛАРИ ВА ХИЗМАТЧИЛАРИНИНГ
МАЛАКА ТАВСИФИНИНГ МАЪЛУМОТНОМАСИ**

КИРИШ

Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришганидан кейин, унинг бозор иқтисоди муносабатларига ўтиши, меҳнатта ҳақ тұлаш тартиблари түбдан ўзгарғанлиги, кадрларниң касб тайёргарлигига ва билим даражасига, улардан кечиктириб бўлмайдиган амалий масалаларни ҳал қилиш учун фойдалана билиш бўйича янги талаблар қўйди.

Раҳбарлар, мутахассислар ва хизматчилардан чуқур билим, юқори малака бўйича янада юқорироқ талаблар қўйилмоқда, чунки кўп укладли иқтисодиёт шароитида ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва унинг самарадорлигини ошириш кўп жиҳатдан уларнинг маҳорати ва билимларига боғлиқдир.

“Ўзпаҳтасаноат” уюшмаси тизимида раҳбарлар, мутахассислар ва хизматчилар ўртасида меҳнатни тақсимлаш масалаларини тўгри ҳал қилиш учун зарур шароитлар, бу тоифадаги ходимларнинг мансаб бурчларини аниқлашда ҳамда уларга қўйиладиган малака талабарининг бирлигини таъминлаш мақсадида, мутахассислар ва хизматчиларниң тармоқ малака мансаблари маълумотномаси тайёрланган.

Ушбу маълумотнома, меҳнатни мақсадга мувофиқ тақсимлаш, юқори даражада ташкил этиш, меҳнат ва ижрочилик интизомини таъминлаш масалалари бўйича амалий ёрдам қилувчи меъёрий ҳужжатdir.

Меҳнат муносабатларини шакллантириш ва ривожлантиришни тартибга солувчи меъёрий база сифатида, у Республиканинг барча пахта тозалаш корхоналарида қўллаш учун мўлжалланган.

УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

Иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш янги иқтисодий тафаккур, ташаббускорлик, удабуронлик ва ишчанликни шакллантиришни, эталик ҳиссини ва билимдонликни оширишни талаб этади.

Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш масалаларини амалга ошириш учун бозор иқтисодиёти принциплари ва усуллари бўйича чуқур билимларга эга бўлиш ва уларни амалга ошира билиш зарур. Шунинг билан бирга, ҳар бир раҳбар, мутахассис ва хизматчи мансаби учун қўйидаги талаблар мажбурийдир:

— корхона раҳбарлари учун Ўзбекистон Республикасининг қонунларини; Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини, мамлакатда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларни ҳаётда рўёбга чиқаришнинг асосий принциплари, йўллари ва усулларини, тармоқни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини ва бозор иқтисодиёти қонунларини чукур билиш;

— корхонанинг йўналишини, ихтисослиги ва структурасини, унинг ривожланиш истиқболларини, маҳсулот ишлаб чиқариш технологиясининг асосларини билиш, ишлаб чиқариш, молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини таҳлил қила олиш, юқори ташкилотларнинг фармойиш, қарор, буйруқ ва бошқа топшириқлари, услубий ва меъёрий ҳужжатларидан хабардор булиш, ташкилотчилик қобилиятига эга бўлиш, ташаббускорлик ва уддабуронликни намоён этиш;

— ҳукумат қарорлари ва юқори ташкилотлардан келган ҳужжатлар ижроси юзасидан ижро интизомини ташкил этиш асосларини ва ҳужжатлар билан ишлаш қоидаларини билиш;

— тузилма бўлимлари раҳбарлари учун — бозор иқтисодиёти асосларини, хўжалик ҳисобини, меҳнатни, ишлаб чиқаришни ва бошқаришни ташкил этиш, меҳнат қонунчилиги асосларини, амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий йўналишлари ва усулларини, бошчилик қилинаётган бўлинмада фан ва техника ривожланишининг асосий тенденцияларини, тузилма бўлимларининг ва корхона ривожланишининг устувор йўналишлари (истиқболларини), корхона раҳбариyatининг меъёрий ҳужжатларини, замонавий компьютер ва ҳисоблаш техникасини ишлатиш қоидаларини билиш;

— иқтисодий вазифаларни амалга оширувчи мутахассислар учун — Ўзбекистоннинг амалдаги қонунчилик асосларини, корхона раҳбариyatининг иқтисодиёт соҳасидаги фармойиш, қарор, буйруқ ва бошқа меъёрий ҳужжатларини, корхона йўналиши ва ихтисослигини, бошқарувнинг ташкилий тузилмасини, ишлаб чиқариш технологияси асосларини, хўжалик ҳисобини жорий этиш йўлларини билиш ва юқори даражали касб эгаси бўлиш, корхона ишлаб чиқариш фаолияти кўрсаткичларини таҳлил қила олиш ва истиқболи йўлларини

белгилаб, ривожланиш дастур ва режаларини туза олиш, замонавий компьютер ва ҳисоблаш техникасини ишлатиш қоидаларини билиш;

— саноатга муҳандислик-техник хизмати кўрсатувчи мутахассислар учун — қасб вазифаларига оид корхона раҳбарининг бўйруқлари, фармойишлари ва бошқа меъёрий ҳужжатларни, бозор иқтисодиёти, ҳўжалик ҳисоби асосларини билиш; меҳнатни, ишлаб чиқаришни ва бошқаришни ташкил этишини, амалдати меҳнатта ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш қоидаларини ҳамда замонавий компьютер ва ҳисоблаш техникасини ишлатиш қоидаларини билиш;

— ҳисоб-китоб, назорат, ҳужжатларни расмийлаштириш, ҳўжалик ишларида банд бўлган хизматчилар учун — қонунчилик асосларини; юқори ташкилотларнинг меъёрий ва услубий кўрсатмаларини, меҳнатни, ишлаб чиқаришни ва бошқаришни ташкил этиш асосларини, корхонанинг маҳсулот ишлаб чиқариш технологияси асосларини ҳамда замонавий компьютер ва ҳисоблаш техникасини ишлатиш қоидаларини билиш.

Ишлаб чиқилган маълумотномада ҳар бир мансабнинг малака тавсифномаси уч асосий йўналишга эга:

«Хизмат бурчлари» — бунда мазкур мансабни эгаллаб турган ходимга бутунлай ёки қисман топширилиши мумкин бўладиган вазифалар санаб ўтилади;

«Билиши лозим» — бу бўлимда ходим томонидан хизмат бурчларини бажариш пайтида қўлланиладиган усуслар ва воситалар, ходимнинг маҳсус билимларига нисбатан қўйиладиган асосий ва қўшимча талаблар келтирилади;

«Малака талаблари» — бунда ходимга унга юклangan вазифаларни бажариш учун зарур бўлган, уни маҳсус тайёрлаш даражасига ва йўналишга қўйиладиган талаблар, шунингдек иш стажига қўйиладиган талаблар келтирилади ва белгиланади.

«Малака талаблари» йўналишида ҳар бир тавсифланувчи мансаб учун Узбекистон Республикасининг олий ва ўрта маҳсус таълим мини битириб чиқувчилар учун қўйиладиган умумий талаблар ҳисобга олинган, унинг концепциясини шакллантириш пайтида уч билим даражаси белгиланган: тўлиқсиз олий маълумот (кичик мутахассис); олий базали маълумот (бакалавр) ва тўлиқ олий маълумот (дипломли мутахассис ёки магистр).

Ходимлар томонидан амалда бажариладиган вазифалар ва уларнинг малакалари мансаб тавсифномалари талабларига мос келиш-келмаслиги раҳбарлар, мутахассислар ва хизматчиларни аттестациялаш бўйича маҳсус аттестация комиссияси томонидан тест синовларидан ўтказиш йўли билан аниқланади.

Аттестация комиссиясининг тавсиясига кўра, мустасно тартибида, маҳсус тайёргарликниң етарли даражасига эга бўлмаган, лекин катта амалий тажрибага эга ва ўзларига юклатилган вазифаларни сифатли ва тўла ҳажмда бажарувчи шахслар, маҳсус тайёргарликка ва иш стажига эга шахслар каби тегишли мансабга тайинланишлари мумкин.

РАҲБАРЛАРНИНГ МАНСАБЛАРИ

КОРХОНА РАҲБАРИ (ЖАМИЯТ БОШҚАРУВ РАИСИ)

ХАЛ ва ИКК бўйича тартиб рақами	5579
КМСК бўйича код	1210
Ходимлар тоифаси	Бошқарув ходими

Лавозим вазифалари. Корхонанинг барча турдаги фаолиятига Узбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамияти ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунига мувофиқ равишда раҳбарлик қилади. Ишлаб чиқариш бўлимлари, цехлар ва бошқа тузилма бўлинмаларининг ишларини ва ўзаро самарали ҳаракат қилишларини ташкил этади, улар фаолиятларини ривожланишининг юқори суръатини эгаллашта ва ишлаб чиқаришни такомиллаштиришга, ишлаб чиқариладиган маҳсулот сифатининг жаҳон андозаларига мос келишига, меҳнат унумдорлигини ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга, янги техника ва замонавий технологияни кенг жорий этиш асосида корхонада модернизация жараёнларини узлуксиз давом эттириш орқали асосий маҳсулотлар чиқишини кўпайтириш ва унинг сифатини яхшилашта, сарф-харажатларни қисқартириш ва даромадни опиришга йўналтиради. Корхона ишлаб чиқариш фаолиятини илмий асосланган режалаштиришни, моддий, иқтисодий ва меҳнат сарфларининг меъёrlарини қўллаш, шунингдек юқори техникавий-иктисодий кўрсаткичларга эришиб, маҳсулотнинг техникавий даражаси ва сифатини барча чоралар билан ошириб, барча турдаги ресурсларни мақсадга мувофиқ ва тежамкорлик билан сарфлашни ташкил қилади. Корхонанинг ривожланиш истиқболларини амалга ошириш йўлларини белгилайди.

Корхонани малакали қадрлар билан таъминлаш, ходимлар билимлари ва тажрибаларидан самарали фойдаланиш, уларга бехатар ва қулади меҳнат шароитларини яратиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун талабларига риоя қилишни таъминлаш бўйича чоралар кўради. Жамоанинг ижтимоий ривожланиш чораларини амалга оширади, жамоа шартномаларини ишлаб чиқиши, тузишни ва унинг бажарилишини таъминлайди.

Ишчи ва хизматчиларнинг ижодий ташаббусларини ва меҳнатдаги фаолликларини ривожлантиришга имконият яратади. Ижтимоий адолат принципларини тўғри қўллашни, иқтисодий ва маъмурий раҳбарлик усулларини бирга қўшиб олиб боришни, масалаларни муҳокама қилишда ва ҳал қилишда яккабошлиликни ва ҳамкорликни, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишни моддий ва маънавий рагбатлантиришни, шунингдек ҳар бир ходимнингунгатопширилганишучун вожамоанингишнатижалари учун масъулиятини оширишни таъминлайди. Ўзига берилган ҳукуқ доирасида барча масалаларни ҳал қиласди ва айрим ишлаб чиқариш-хўжалик вазифаларини бажаришни бошқа мансабдор шахсларга — Корхона раҳбари (жамият бошқарув раиси) ўринбосарларига, корхона бўлимлари раҳбарларига топширади. Корхона фаолиятида қонунчиликка риоя қилишни, бошқаришни такомиллаштирипни, шартнома интизомини мустаҳкамлашни таъминлайди. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати қарорларини, юқори ташкилотлар буйруқ ва топшириқларини изчиллик билан ҳаётта жорий этади.

Билиши лозим: Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексини, Ўзбекистоннинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишининг асосий йўналишларини белгиловчи ҳукумат қарорлари, фармонлари ва ечимларини; пахта тозалаш саноати соҳасига оид ҳукумат қарор ва фармойишларини, юқори ташкилотларнинг корхона фаолиятига тегишли қарорлари, фармойиш, буйруқ ва бошқа ўйл-ўюриқ кўрсатувчи ҳужжатларини; пахта тозалаш корхоналарининг ихтисослашганлигини ва ички тузилишининг ўзига хос хусусиятларини; тармоқнинг ва корхонанинг техники-кавий, иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан ривожланиш истиқ-болларини, унинг ишлаб чиқариш қувватини; пахта толаси ишлаб чиқариш технологиясини; ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолияти режаларини ишлаб чиқиш ҳамда тасдиқлаш тартибини; пахта хомашёсига дастлабки ишлов бериш соҳасидаги фан ва техника ютуқларини; иқтисодиётни, ишлаб чиқаришни, меҳнатни ва бошқаришни ташкил этишини.

Ўзбекистон Республикасининг қонунлари асосларини ва бозор муносабатларини; меҳнат муҳофазаси, техника хавф-сизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси ва ёнгинга қарши ҳимоя қоидалари ва меъёрларини.

Малака талаблари: олий маълумот ва пахта тозалаш саноатида раҳбарлик лавозимларида 5 йилдан кам бўлмаган иш стажи замонавий компьютер ва ҳисоблаш техникасида ишлай олиш.

БОШ МУҲАНДИС

ХАЛ ва ИКК бўйича тартиб рақами	1107
КМСК бўйича код	1222
Ходимлар тоифаси	Бошқарув ходими

Лавозим вазифалари. Ҳукумат томонидан илмий-техникавий тараққиёт ва ишлаб чиқариш ўсишининг юқори суръатига эришиш учун қўйилган вазифаларга мувофиқ ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, реконструкция қилиш, техникавий жиҳатдан қайта жиҳозлаш комплекс дастурларини ишлаб чиқиш, уни ихтисослаштириш ва кооперация асосида бирлаштиришнинг техникавий сиёсатини амалга оширади. Ишлаб чиқаришни техникавий жиҳатдан тайёрлаш даражасининг доимий ўсишини, унинг самарадорлайгини, маҳсулот ишлаб чиқариш учун моддий, молиявий ва меҳнат сарфларини камайтиришни, давлат стандартлари, техникавий шартларга мувофиқ юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни, ишлаб чиқариш фонdlари ва барча турдаги ресурслардан мақсадга мувофиқ фойдаланишни таъминлайди. Корхонанинг маҳсулот ишлаб чиқариш режалари бажарилишини таъминлайди. Ишлаб чиқаришнинг атроф-муҳитга зарарли таъсирининг олдини олиш бўйича тадбирларни ишлаб чиқишга, қулай ва хавфсиз меҳнат шароитлари яратишга раҳбарлик қиласи. Янги техника ва технологияни жорий қилиш, ташкилий-техникавий тадбирлар дастурлари ишлаб чиқилишини ва уларнинг бажарилишини ташкил этади. Лойиҳа ечимларининг самарафорлайгини, ишлаб чиқаришни ўз вақтида ва сифатли тайёрлашни, асбоб-ускуналарни техник жиҳатдан ишлатилишини, таъмирланишини ва янтиланишини, маҳсулотни такомиллаштириш ва ишлаб чиқариш жараёнида юксак сифат даражасига эришишни таъминлайди. Ҳозирги замон фани ва техникаси ютуклари, патент тадқиқотлари натижалари, шунингдек илгор тажриба асосида пахта маҳсулотларининг сифатини яхшилаш ишларини ташкил этади. Ишлаб чиқаришга

технологик жараёнларни комплекс автоматлаштириш восита-
ларини жорий этишни, лойиҳа ва технология интизомлари,
мехнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги, ишлаб чиқариш сан-
нитарияси ва ёнгинга қарши ҳимоя қоидалари ва меъёрларига,
техника назорати, санитария талабларига риоя қилиш юзасидан
назорат олиб боради. Техникавий ҳужжатлар ўз вақтида
тайёрланишини таъминлайди. Патент-ихтирочилик фаолияти,
стандартлаштириш, метрологик жиҳатдан таъминлаш, механик-
энергетик хизмат кўрсатиш бўйича ишларни мувофиқлаштиради.
Ишлаб чиқаришни, меҳнатни ва бошқаришнинг ташкил эти-
лишини такомиллаштириш бўйича чоралар кўради. Муҳандис-
техник кадрларни тайёрлаш ва малакасини оширишни узлуксиз
такомиллаштиришни таъминлайди. Корхонанинг техника хиз-
матлари фаолиятига раҳбарлик қиласи, ўзига бўйсунувчи
бўлимларнинг иш якунларини, меҳнат ва ишлаб чиқариш
интизоми ҳолатини назорат қиласи. Корхона раҳбарининг
биринчи ўринбосари ҳисобланади.

Билиши лозим: республика пахта тозалаш саноати тар-
моғидаги иқтисодий ва ижтимоий ривожланишининг
асосий йўналишларини белгиловчи ҳукумат қарорлари ва
корхона фаолиятига тегишли юқори органларнинг қарор,
фармойиш, буйруқларини ва бошقا кўрсатма берувчи ва
меъёрий материалларини, корхонанинг йўналишини, ихти-
сослаштирганини ва тузилишининг ўзига хос ҳусусиятларини,
тармоқ ва корхонанинг техникавий иқтисодий ва ижтимоий
жиҳатдан ривожланиш истиқболларини, корхонанинг ишлаб
чиқариш қувватини, пахта маҳсулотларини ишлаб чиқариш
технологиясини, хўжалик шартномаларини тузиш ва бажариш
тартибини, пахта тозалаш саноати тармоқларидағи фан ва
техника соҳасидаги ютуқларни, иқтисодиётни ҳамда ишлаб
чиқаришни, меҳнатни ва -бошқаришни ташкил этишни,
Ўзбекистон Республикасининг бозор муносабатлари ва қонун-
лари асосларини, меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги,
ишлаб чиқариш санитарияси ва ёнгинга қарши ҳимоя қоидалари
ва меъёрларини.

Малака талаблари: олий маълумотли (муҳандис-техник)
ҳамда пахта тозалаш саноатида раҳбар лавозимлардаги 5 йилдан
кам бўлмаган иш стажи, замонавий компьютер ва ҳисоблаш
техникасида ишлай олиш.

БОШ ҲИСОБЧИ

ХАЛ ва ИКК бўйича тартиб рақами	1068
КМСК бўйича код	1231
Ходимлар тоифаси	Бошқарув ходими

Лавозим вазифалари. Бош ҳисобчи тўғрисидаги Низомдан келиб чиқсан ҳолда, пахта тозалаш саноати корхоналарининг молиявий ҳужалик фаолиятидаги бухгалтерия ҳисоби ишларини ташкил қиласди ва моддий, меҳнат, молиявий ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланишини назорат қиласди. Корхонада ва унинг бўлимларида ҳисобот ва ҳисоб-китоб ишларини юқори даражада марказлаштириш ва компьютерлаш, бухгалтерлик ҳисоби ва назоратининг илгор шакллари ва усуллари асосида ҳисоб ва ҳисоботни мақсадга мувофиқ ташкил қилишини таъминлайди. Пул маблаглари, товар-моддий бойликлар ва асосий маблагларни, уларнинг ҳаракати билан боғлиқ бўлган операцияларни бухгалтерлик ҳисоби рақамларида ўз вақтида акс эттиришни, ишлаб чиқариш ва муомала харажатларини ҳисобга олишни, смета харажатларининг бажарилишини, маҳсулот сотишни, ишлар бажариш (хизмат кўрсатиш)ни, корхона молия-хужалик фаолияти натижаларини, шунингдек молиявий, ҳисоб-китоб ва кредит операцияларини, уларни расмийлаштиришнинг қонунийлигини, ўз вақтида ва тўғрилигини, маҳсулотнинг, ишларнинг (хизматларнинг) иқтисодий жиҳатдан асосланган ҳисобот таннахи калькуляциясини тузишни, корхона ишчилари билан иш ҳақи ҳисоб-китобларини, давлат бюджетига тўловларни тўгри ҳисоблашни ва ўтказишни таъминлайди. Муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзларига йўл қўймаслик чораларини кўради. Корхонада ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби амал қилаётгани, ҳисоб-китоблар ва тўлов мажбуриятларини, иш ҳақи фондларининг сарфланишини, мансаб маошларини белгилашни, пул маблагларини, товар-моддий бойликлар ва асосий фондларни инвентаризациядан ўтказишни, бухгалтерлик ҳисоби ва ҳисоботини ташкил этишни, шунингдек корхона бўлимларида ҳужжатлар бўйича тафтиш ўтказишнинг тартибига риоя этилишни назорат қиласди.

Корхонанинг ички резервларини аниқлаш, нобудгарчиликларни ва ортиқча сарфларни бартараф этиш мақсадида бухгалтерлик ҳисоби маълумотлари бўйича молиявий хўжалик фаолиятни иқтисодий жиҳатдан таҳлил қилишда қатнашади. Пул маблаглари ва моддий-товар бойликларнинг камомадига, уларнинг ноқонуний сарфланишига, республика молиявий ва хўжалик қонунларининг бузилишига йўл қўймаслик чораларини кўради. Пул маблагларининг ва товар-моддий бойликларнинг камомади ва ўғирланганлиги тўгрисидаги материалларини расмийлаштиришда қатнашади, зарур бўлган ҳолларда материалларни тергов ва суд органларига оширишни назорат қилади. Молия ва касса интизоми, харажатлар сметаларининг, бухгалтерлик балансларидан кам чиқишларини, дебиторлик қарзларни ва бошқа сарфларни ҳисобдан чиқарилиши қонунийлигини, бухгалтерлик ҳужжатларининг бут сақланиб қолганини, уларни белгиланган тартибда расмийлаштирилганини ва архивга топширилишини қатъий амалга ошириш ишларини олиб боради. Бошлангич ҳужжатлар маълумотлари ва бухгалтерлик ёзувлари асосида бухгалтерлик ҳисботи ўз вақтида тузилишини, уларни белгиланган тартибда тегишли ташкилотларга топширилишини таъминлайди. Бухгалтерлик ҳисоби, ҳисботи, назорати ва иқтисодий таҳлили масалалари бўйича корхона бўлимлари ходимларига услубий ёрдам кўрсатади. Корхона бухгалтерияси ходимларига бошчилик қилади.

Билиши лозим: бухгалтерия тўгрисидаги қонунни, бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларини, юқори ташкилотларнинг фармойиш, қарор ҳамда буйруқларини, молия ва назораттафтиш органларининг бухгалтерлик ҳисоби ва ҳисботларини тузишни ташкил этиш бўйича, шунингдек корхонанинг молиявий хўжалик фаолиятига тегишли услубий, меъёрий ва бошқа йўриқномавий материалларни, корхонанинг ички тузилишини ва унинг ривожланиш истиқболларини, пахта тозалаш саноати технологиясининг асосларини, бухгалтерлик ҳисобини ташкил этиш бўйича низомлар ва йўриқномаларни, уни олиб бориш қоидаларини, ҳисоб-китоб олиб бориш участкалари бўйича операцияларни расмийлаштириш ва ҳужжатларайланнишни ташкил этиш тартибини, хўжалик-молия фаолиятини иқтисодий жиҳатдан таҳлил қилиш усулларини,

хўжаликнинг ички резервларини аниқдашни, дебиторлар ва кредиторларни қисқартириш, бухгалтерлик балансларидан камомадни, дебиторлик қарзларини ва бошқа ортиқча харажатларни ҳисобдан чиқариш тартибини, пул маблагларини, товар-моддий бойликларни, ҳисоб-китобларни ва тўлов мажбуриятларини инвентаризациядан ўтказиш қоидаларини, бухгалтерлик баланслари ва ҳисоботларини тузиш тартибини, текширувларни ўтказиш ва ҳужжатлар бўйича тафтишлар ўтказиш қоидаларини, хўжалик ҳисобини ташкил этишни, ҳисоблаш техникаси воситаларини, корхонанинг хўжалик ва молия фаолиятини такомиллаштириш, мамлакат ва хорижий илгор тажрибаларини, иқтисодиётни, ишлаб чиқаришни, меҳнатни ва бошқарувни ташкил этишни, фуқаролик-муомала ҳуқуқларини, меҳнат молия ва хўжалик қонунларини, бозор муносабатлари асосларини, меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси ва ёнгинга қарши ҳимоя қоидалари ва меъёрларини.

Малака талаблари: иқтисодиёт бўйича олий маълумот, молия-бухгалтерлик вазифаларида 5 йилдан кам бўлмаган иш стажи, замонавий компьютер ва ҳисоблаш техникасида ишлай олиш.

ТЕХНИКА НАЗОРАТИ БЎЛИМИ БОШЛИГИ

ХАЛ ва ИКК бўйича тартиб раҳами	4406
КМСК бўйича код	1239
Ходимлар тоифаси	Бошқарув ходими

Лавозим вазифалари. Стандартлар ва техникавий шартлар талабларига, тасдиқланган намуналар ва техникавий ҳужжатларга, етказиб бериш шартлари ва шартномаларга, маҳсулотни юқори техникавий даражада таъминлаш талабларига мувофиқ ишлаб чиқариладиган маҳсулот (пахта толаси, момик, чигит)нинг сифатини назорат қилиш бўйича ишларнинг бажарилишини ташкил қиласи. Жаҳон андозалари талабларига жавоб бера оладиган маҳсулот сифатини режалаштирища қатнашади. Корхонага қабул қилинадиган пахта хомашёси сифати стандартларга ва техникавий шартларга мувофиқ

келишини назорат қиласы, ишлаб чиқариш жараёнининг барча босқычыда сифат назоратини таъминлады. Тола сифатини ошириш бўйича тадбирлар ишлаб чиқишга ва уларни амалга оширишга, сифатни бошқариш тизимларини (ИСО-9001 стандарти), стандартларни ва тола сифатини регламентга солувчи кўрсаткичлар меъёрларини, назорат жараёнларини автоматлаштиришни кўзда тутувчи тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга раҳбарлик қиласы. Ўлчанадиган параметрлар (тола узунлиги ва бошқа нуқсонлар) номенклатурасини аниқлаш бўйича ишларни амалга оширишда қатнашади. Толани синаб кўриш ва маҳсулот сифатини тасдиқловчи тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш, пахта хомашёсини етказиб берувчилар томонидан унинг сифатига қўйиладиган талаблар бузилганда эътирозномалар тайёрлаш устидан назорат олиб боришни таъминлады. Назорат-ўлчов асбобларининг ҳолати ва уларни ўз вақтида давлат текширувидан ўтказиш учун кўрсатиши, сифат назорати хизматини зарур техникавий ҳужжатлар билан таъминлашни текшириб туради. Эътирозномаларни таҳдил қилиш ишларига, сифатсиз маҳсулот чиқиши ва ишлаб чиқариш технологиясининг бузилиши, паст нағли маҳсулотлар ишлаб чиқариш сабабларини ўрганиб чиқишга бошчилик қиласы. Назорат операцияларининг натижаларини расмийлаштириш ишларини, тола сифати кўрсаткичларининг ҳисоб-китобини олиб боришга бошчилик қиласы. Қабул қилинган пахта хомашёсига профилактик тадбирларни ўз вақтида ўтказиб бориш ва сифатли сақданишини назорат қилиб боради. Бўлим ходимларига раҳбарлик қиласы.

Билиши лозим: маҳсулот сифатини бошқариш бўйича юқори органларнинг қарорларини, меъёрий ҳужжатларини, фармойишлари ва буйруқларини ҳамда бошқа кўрсатма берувчи материалларни, маҳсулот сифати бўйича давлат назорати тизимини, идора назоратини, техникавий назорат тизимлари, усуллари ва воситаларини, тола ишлаб чиқариш технологиясини, пахта тозалаш саноатида ва корхонада амал қилувчи стандартларни ва техникавий шартларни, тола сифатини аттестациядан ўтказиш тартибини; келиб тушаётган пахта сифати бўйича эътирозномаларни кўриб чиқиш ва эътирознома талаблари қўйиш тартибини, толани қабул қилиб олиш ва синаб кўриш қоидаларини, маҳсулот сифати тўгрисида

ҳисоб-китобни ташкил этишни, ҳисобот тузиш тартиби ва муддатларини, иқтисодиётни, меҳнатни, ишлаб чиқаришни ва бошқаришни ташкил этиш асосларини, бозор иқтисодиёти ва меҳнат қонунлари асосларини, меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси ва ёнгинга қарши ҳимоя қоидалари ва меъёрларини.

Малака талаблари: олий маълумотли мутахассис ҳамда мутахассислиги бўйича раҳбар лавозимларда 5 йилдан кам бўлмаган иш стажи, замонавий компютер ва ҳисоблаш техникасида ишлай олиш.

ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИ БОШЛИГИ

ХАЛ ва ИКК бўйича тартиб рақами	4385
КМСК бўйича код	1222
Ходимлар тоифаси	Бошқарув ходими

Ишларнинг тавсифномаси. Пахта етиштирувчи хўжаликлар билан улар томонидан пахта етказиш учун контрактация шартномалари тузишни ташкил этади, қабул қилиб олинган пахта учун ҳисоб-китоблар тартиби тўғрилигини назорат қиласди, тайёрлов масканларининг дислокациясини тузади ва уни юқори ташкилотга топширади, хўжаликлардан пахтани қабул қилиш учун корхона пахта тайёрлов масканларининг тайёргарлити билан боғлиқ бўлган тадбирларни тайёрлайди ва корхона раҳбарига топширади, бу ишнинг бажарилишини назорат қиласди, хомашёни қабул қилиб олиш воситалари ва сақлаш воситаларининг ўз вақтида таъмирдан чиқарилишини ва янги ҳосил пахта хомашёсини ўз вақтида қабул қилиб олишга тайёр ҳолга келтирилишини ташкил қиласди, тайёрлов масканларида хомашёни қабул қилиш ва сақлаш воситалари ва анжомларига бўлган эҳтиёжнинг асосланган ҳисоб-китобини тузишни ташкил қиласди, тайёрлов масканларида хомашёни тайёрлаш ва унинг сифатли сақланиши бўйича назоратни ва раҳбарликни амалга оширади, барча сақлаш анжомларини инвентаризациядан ўтказишни ва сифатли сақланишини назорат қиласди, хомашёни қабул қилиб олиш қоидаларига риоя этилаётганини назорат қиласди, давлат стандартларнинг, амалдаги

йўриқномаларнинг талаблари бажарилишини, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва юқори ташкилотлар қарор ва фармойишларининг ижро этилиши устидан назорат ўрнатади, хомашё тайёрлашни ҳисобга олиб боришини назорат қиласди, тайёрланган хомашёнинг ассортименти ва сифати тўғрисида маълумотлар беради, саноат ва селекция навлари нуқтаи назаридан ҳисобот олиб борилишини назорат қиласди, ургулук пахта ва чигит тайёрлаш бўйича белгиланган ҳукумат қарорлари ва топшириқлари, юқори ташкилотлар буйруқ ва кўрсатмаларининг бажарилишини таъминлайди, янги навлар яратиш бўйича олиб борилаётган ишларда иштирок этади, тайёрлов масканларида кадрлар тайёрлаш ва жойжойига қўйилишини ташкил қиласди, брезент, арқон ва бошқа инвентарларни тежаш режимини ва ҳисоб-китобини, ёнгинга қарши тадбирлар бажарилишини назорат қиласди, хомашёни қабул қилиб олиш чорига ва топширилган хомашё учун ўзаро ҳисоб-китоблар олиб бориша давлат стандартларининг ва бошқа меъёрий ҳужжатларнинг тўгри қўлланилишини текширади, хомашёни сақлаш ҳолати устидан доимий равишда назорат олиб боради, корхонадан ташқарида жойлашган тайёрлов масканларидан корхонага хомашё ташиб келтиришни ташкил этади, бўлим ходимларига раҳбарлик қиласди.

Билиши лозим: пахта тайёрлаш, сақлаш, ургулук пахта ва чигит тайёрлаш ва етказиб бериш бўйича ҳукумат қарор ва фармойишлари, юқори ташкилотларнинг буйруқлари, услубий, меъёрий ва бошқа кўрсатма берувчи ҳужжатларни, хўжаликлар билан контрактация шартномалари тузиш тартибини ва уларнинг бажарилишини назорат қилишни, корхонанинг техникавий жиҳатдан ривожланиш истиқболларини, унинг ишлаб чиқариш қувватини, хомашё ва уни сақлаш воситаларига ҳамда ташиш воситаларига қўйиладиган техникавий талабларни, иқтисодиёт ҳамда бозор муносабатлари асосларини, ИСО-9001 стандартини, меҳнат қонунлари асосларини, меҳнат муҳофазаси, техника ҳавфсизлиги ва ёнгинга қарши ҳимоя қоидалари ва меъёrlарини.

Малака талаблари: олий маълумотли мутахассис ҳамда муҳандис-техник ва раҳбар лавозимларда З ийлдан кам бўлмаган иш стажи, замонавий компьютер ва ҳисоблаш техникасида ишлай олиш.

ТАЙЁР МАҲСУЛОТ БҮЛИМИ БОШЛИГИ

ХАЛ ва ИКК бўйича тартиб рақами	4385
КМСК бўйича код	1222
Ходимлар тоифаси	Бошқарув ходими

Лавозим вазифалари. Пахта хомашёсини қайта ишлаш натижасида ишлаб чиқарилган пахта маҳсулотларини терминаллар ва истеъмолчиларга шартномаларда белгиланган муддатларда ва ҳажмларда жўнатишни ташкил этади. Маҳсулот етказиш режасини бажариш бўйича чоралар кўради. Маҳсулотнинг ташқи кўринишини стандарт талаблари даражасида бўлишини назорат қиласди. Маҳсулотни корхона бўлимларидан омборхоналарга қабул қилишни, мақсадга мувофиқ сақлашни ва истеъмолчиларга жўнатиш учун тайёрлашни, тайёр маҳсулотни жўнатиш учун транспорт воситаларига, механизациялаштирилган ортиш воситаларига, тарага, ишчи кучига бўлган эҳтиёжни аниқлашни ташкил қиласди. Етказилган маҳсулот учун маблаглар ўз вақтида кёлиб тушишини таъминлаш бўйича чоралар кўради. Корхонага истеъмолчилар томонидан келиб тушаётган даъволарни кўриб чиқиша ва жавоб тайёрлашда, шунингдек истеъмолчилар томонидан шартнома талаблари бузилган ҳолда уларга даъволар тайёрлашда қатнашади. Тайёр маҳсулотлар омборхоналари фаолиятини мувофиқлаштиради, бўлим ходимларига раҳбарлик қиласди.

Билиши лозим: тайёр маҳсулотни сотиш ва етказиб беришни ташкил этиш бўйича ҳукумат қарор, фармойиш ва юқори ташкилотлар буйруқ ва кўрсатмаларини, услубий, меъёрий ва бошқа кўрсатма берувчи ҳужжатларни, корхона маҳсулотига тегишли улгуржи ва чакана нархлар прейскурантини, корхона маҳсулотига бўлган талабни ўрганиб чиқиш усулларини, маҳсулотни етказиб бериш, сақлаш ва ташиш шартлари ва шароитларини, истеъмолчиларга даъволар тайёрлаш ва келиб тушаётган даъволарга жавоблар тайёрлаш тартибини, пахта ва пахта маҳсулотларига оид стандартлар ва техникавий шартларни, омборхона хўжалигини ташкил этишни, бозор иқтисодиёти ва меҳнат қонунлари асосларини, меҳнат муҳофазаси, техника

хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси ва ёнгинга қарши ҳимоя қоидалари ва меъёрларини.

Малака талаблари: олий маълумотли мутахассис ҳамда мутахассислиги бўйича маҳсулот етказиш соҳасидаги 5 йилдан кам бўлмаган иш стажи, замонавий компьютер ва ҳисоблаш техникасида ишлай олиш.

РЕЖА-ИҚТИСОД БҮЛИМИ БОШЛИГИ

ХАЛ ва ИКК бўйича тартиб рақами	4398
КМСК бўйича код	1231
Ходимлар тоифаси	Бошқарув ходими

Лавозим вазифалари. Корхонада юқори иқтисодий самарага эришиш мақсадида истиқболини белгилашга, хўжалик фаолиятини ташкил этишга, корхонанинг резервларини аниқлашга ва фойдаланишга йўналтирилган иқтисодий режалаштириш ишларига раҳбарлик қиласди. Корхона бўлимларига барча фаолият турлари бўйича йиллик, чорак ва ойлик истиқболли режаларини ишлаб чиқишига бошлилик қиласди. Бизнес-режани тузишига раҳбарлик қиласди. Пахта маҳсулотлари (тола, чигит, момиқ) ишлаб чиқариш бўйича моддий ва меҳнат сарфларининг техникавий иқтисодий меъёрларини таъминланишини назорат қиласди. Ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш, маҳсулот таннархини камайтириш ва фойданинг ортишини, маҳсулотни сотиш ва фойда олиш режаси бажарилиши устидан назорат ўрнатишни таъминлайди. Иқтисодий кўрсаткичларни таҳлил қилиб боради ва тегишли таклифларни киритади, рағбатлантириш фондларини сарфлаш сметаси лойиҳасини ишлаб чиқишини таъминлайди. Бўлимларда иқтисодий ишларни ташкил этишга услубий раҳбарлик қиласди. Бизнес-режа кўрсаткичларининг бажарилишини назорат қилиб боради. Қайта ишлашга бериладиган пахта хомашёсига ишлаб чиқариш топшириқларини ўз вақтида ва тўрги расмийлаштириб боришни таъминлайди. Бўлим ходимларига раҳбарлик қиласди.

Билиши лозим: иқтисодиёт бўйича Ҳукумат қарорларини, фармойишиларини, юқори ташкилотларининг буйруқларини ва кўрсатмаларини, услубий, меъёрий ва бошқа кўрсатма

берувчи ҳужжатларни, корхона фаолиятини ҳисоб-китоб ва таҳлил қилишни, унинг ривожланиш истиқболларини, режалаштириш ишларини ташкил этишни, корхонанинг ишлаб чиқариш-хўжалик фаолияти ва ижтимоий ривожланишининг истиқболдаги ва ҳар йиллик бизнес режаларини ишлаб чиқиш тартибини, статистик ҳисоб-китобни ташкил этишини, ҳисобот тузиш муддати ва тартибини; миқдор ва сифат кўрсаткичларини иқтисодий жиҳатдан таҳлил қилиш усулларини, товар маҳсулотларининг таннархини аниқлаш, материаллар ва меҳнат сарфларининг меъёrlарини, улгуржи ва чакана нархларни ишлаб чиқиш тартибини, корхона иқтисодий фаолиятини ташкил этиш ва такомиллаштиришдаги маҳаллий ва хориж илгор тажрибасини, иқтисодиётни ҳамда ишлаб чиқаришни, меҳнатни ва бошқаришни ташкил этишини, ишлаб чиқариш технологияси асосларини, замонавий ташкилий ва ҳисоблаш техникасидан фойдаланиш имкониятларини, бозор иқтисодиёти ва меҳнат қонунлари асосларини, меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси ва ёнгинга қарши ҳимоя қоидалари ва меъёrlарини.

Малака талаблари: олий маълумотли мутахассис ҳамда мутахассислиги бўйича техник-иқтисодий соҳада 5 йилдан кам бўлмаган иш стажи, замонавий компьютер ва ҳисоблаш техникасида ишлай олиш.

МЕҲНАТНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ВА ИШ ҲАҚИ БЎЛИМИ БОШЛИГИ

ХАЛ ва ИКК бўйича тартиб рақами	4398
КМСК бўйича код	1231
Ходимлар тоифаси	Бошқарув ходими

Лавозим вазифалари. Меҳнатни ташкиллаштириш, ишлаб чиқаришни бошқариш, иш ҳақи шакллари ва тизимларини, корхона ходимларини моддий ва маънавий рағбатлантириш ишларини такомиллаштиради. Меҳнат ва иш ҳақи бўйича истиқболли ва йиллик режаларни тайёрлаш, бизнес-режанинг меҳнатни илмий асосда ташкиллаштириш бўлимини тузishi,

маҳсулот ишлаб чиқаришда меҳнат унумдорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқади. Меҳнат сарфи бўйича меъёрларни куриб чиқади. Меҳнатни илмий асосда ташкиллаштириш бўйича чора-тадбирларни тадбиқ этилишидан олинадиган иқтисодий самараదорликни аниқлайди. Иш ҳақининг амалдаги шакл ва тизимларини, моддий ва маънавий рагбатлантириш чораларини қўллашнинг самараదорлигини таҳлил қиласи. Уларни такомиалаштириш бўйича таклифлар, шунингдек корхона ходимларини мукофотлаш ҳақида Низом лойиҳаларини ишлаб чиқади. Корхонадаги иш жараёнларини, меҳнатни ташкиллаштириш ва унинг шароитларини ўрганиш ҳамда меҳнат унумдорлигини ошириш омилларини аниқлаш, иш вақтидан фойдаланишни яхшилаш, иш жойларини аттестация ва рационализация қилиш, иш усул ва услублари, жисмоний меҳнатни камайтириш, муқобил меҳнат шароитларини яратиш ва меҳнатни илмий асосда ташкил қилишнинг бошқа йўналишлари бўйича олиб бориладиган ишларга бошчилик қиласи. Меҳнатни меъёrlashi, ўз вақтида меъёrlarни қайта кўриб чиқиш, техник асосланган меъёrlarни жорий этиш, меҳнат бўйича тармоқлараро, тармоқ ва бошқа прогрессив меъёrlarни қўллаш асосида меъёrlashтириш, вақтбай ишчилар ва хизматчиларнинг меҳнатларини меъёrlashтириш доирасини кенгайтириш каби ишларни ташкиллаштиради.

Иш ҳақи фондининг ишлатилишини назорат қиласи. Иш ҳақи шакл ва тизимларининг қўлланилиши, тариф ставкалари, мансаб окладлари, ишчилар разрядлари ва мутахассислар тоифаларининг белгиланишининг тўғрилигини таъминлайди. Иш ҳақи харажатларининг белгиланган меъёrdan ошиб кетмаслигини назорат қиласи. Корхонанинг тааллуқли бўлимлари, касаба уюшмаси ташкилоти ва меҳнат жамоаси билан биргалиқда ижтимоий-мадданий тадбирларни утказишга йўналтирилган харажатлар сметаси, жамоа шартномаси лойиҳаларини тузади. Уларнинг бажарилишини назорат қиласи. Корхонада меҳнат қонунчилигига, юқори ташкилотларнинг қарор, фармойиш ва меҳнатни ташкиллаштириш масалалари бўйича бошқа меъёрий ҳужжатларига риоя этилишнинг назоратини ташкиллаштиради.

Билиши лозим: меҳнат қонунчилигини, меҳнатни ташкиллаштириш, иш ҳақи ва ишлаб чиқарипни бошқариш бўйича

юқори ташкилотларнинг қарорларини, фармойишларини, буйруқларини, услугий, мөъерий ва бошқа кўрсатма берувчи материалларни, меҳнат ва иш ҳақи, меҳнатни илмий асосда ташкиллаштириш, иш унумдорлигини ошириш юзасидан ташкилий-техникадабирлар бўйича истиқболливайиллик режаларни тузиш тартибини, мөъёрларни қайта кўриб чиқиш календарь режаларини, моддий рагбатлантириш жамғармаларидан фойдаланиш сметаларини тузишни, иш ҳақининг шакл ва тизимларини, моддий ва маънавий рагбатлантиришни самарали қўллашни, меҳнатни мөъёrlаштириш услубларини, мукофотлаш тўғрисидаги низомларни, иш ва ишчиларни тарификациялаш тартибини, меҳнатни мөъёrlаштириш бўйича мөъерий ҳужжатларни, меҳнат ҳамда иш ҳақи кўрсаткичларини таҳмил қилишни, бўлимлар тўғрисида низомларни, ходимларнинг мансаб йўриқномаларини ишлаб чиқиш ва уни тасдиқлашни, иш вақтидан қандай фойдаланилганликни ўрганиш усулларини, меҳнатни ташкиллаштириш, ҳақ тўлаш ва ишлаб чиқаришни бошқариш бўйича маҳаллий ва хорижий ташкилотларнинг илгор тажрибаларини, меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси ва ёнгинга қарши ҳимоя қоидалари ва мөъёrlарини.

Малака талаблари: олий маълумотли мутахассис ҳамда мутахассислиги бўйича 5 йилдан кам бўлмаган иш стажи, замонавий компьютер ва ҳисоблаш техникасида ишлай олиш.

БОШ ҲИСОБЧИ ЎРИНБОСАРИ

ХАЛ ва ИКК бўйича тартиб рақами	1974
КМСК бўйича код	1231
Ходимлар тоифаси	Бошқарув ходими

Лавозим вазифалари. Корхонанинг бухгалтерлик ҳисобини, молиявий ҳўжалик фаолиятини ташкил этишини ва барча турдаги моддий ва молиявий ресурслардан фойдаланишини назорат қилишни амалга оширади. Пул маблагларини, товар-моддий бойликларни ва асосий воситаларни, уларнинг ҳаракати билан боғлиқ бўлган операцияларни ўз вақтида бухгалтерлик ҳисоби

ёзувларида акс эттиришни, ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олишни, смета харажатларининг бажарилишини, маҳсулот сотишни, молиявий хўжалик фаолият натижаларини, шунингдек молиявий, ҳисоб-китоб ва кредит операцияларини, уларни расмийлаштиришнинг қонунийлигини назорат қилишни ва уларнинг тўгри расмийлаштирилишини, маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг таннархи калькуляциясини тузишни, корхона ишчилари билан иш ҳақи ҳисоб-китобларини, давлат бюджетига тўловларни тўгри ҳисоблаш ва ўтказишни ташкил этади. Дастлабки ва ҳисобот ҳужжатларини расмийлаштириш тартибининг амал қиласиганини, ҳисоб-китоблар ва тўлов балансларининг, иш ҳақи фондининг сарфланишини, мансаб маошларини белгилапни, инвентаризация ўтказишни назорат қиласди. Камомад ва ўғирликлар бўйича материалларни расмийлаштиришда қатнашади. Штат, молия ва касса интизоми, харажатлар сметаси ва бошқа ишларни олиб боради. Бухгалтерия балансларини уз вақтида тўгри тузиш ва юқори ташкилотларга топширади. Бош ҳисобчи йўқлигида унинг вазифаларини бажаради. Уз вазифаси ва ҳуқуқ доирасида бухгалтерлик ишига раҳбарлик қиласди.

Билишилозим: бухгалтерият тўгрисидаги қонунни, бухгалтерия ҳисоби миллий стандартини, юқори ташкилотларнинг фармойиш, қарор ҳамда буйруқларини, молия ва назораттафтиш органларининг бухгалтерлик ҳисоб-китоби ва ҳисоботлар тузишни ташкил этиш бўйича услубий, меъёрий ва бошқа материалларини, операцияларни расмийлаштириш тартибини ва ҳисоб-китоб участкалари бўйича ҳужжатлар айланишини ташкил этишни, текширишлар ўтказиш ва ҳужжатлар бўйича тафтиш ўтказиш қоидаларини, замонавий компьютер воситаларини ва уларни қўллаш имкониятларини, иқтисодиёт, ишлаб чиқариш, меҳнат ва бошқаришни ташкил этишни, бозор муносабатлари асосларини, меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси ва ёнгинга қарши ҳимоя қоидалари ва меъёрларини.

Малака талаблари: олий маълумотли ва молия-бухгалтерлик ишидаги стажи 5 йилдан кам бўлмаслиги лозим, замонавий компьютер ва ҳисоблаш техникасида ишлай олиш.

БОШ ЭНЕРГЕТИК

ХАЛ ва ИКК бўйича тартиб рақами	1273
КМСК бўйича код	1229
Ходимлар тоифаси	Бошқарув ходими

Лавозим вазифалари. Энергетика асбоб-ускуналарини ва энергия тизимини техникавий жиҳатдан тўғри ишлатишни, ишлаб чиқаришни электр энергияси, газ, қўёш ва бошқа хил энергия билан узлуксиз таъминлашни, энергетика ресурслари мақсадга мувофиқ сарфланиши устидан назорат ўрнатишни, тежамкорлик режими изчил риоя этилишини ташкил қиласи. Энергетика участкаларининг режалаштириш, энергетик асбоб-ускуналарни ва энергия тармоқларини таъмирилаш графикларини, барча турдаги энергияни сарфлаш ва истеъмол қилиш меъёрларининг бажарилишини таъминлайди. Электр қурилмаларининг пухтароқ, тежамлироқ ва хавфсизроқ ишлашига имконият яратади. Ер ости иншоотлари ва коммуникацияларини ҳимоя қилиш ишларини бажаришини таъминлайди, алоқа воситаларини, сигнализацияни, ҳимоя қилишини ва автоматикани текширишни, шунингдек босим остида ишловчи қозонларни Давлат техника назоратига ўз вақтида кўрсатишни ташкил этади. Ёқилғи-энергетика ресурсларидан фойдаланишининг самарадорлигини ошириш, энергетика қурилмаларидан ишончли ва тежамли фойдаланиш, электр энергияни тежайдиган ускуна ва асбобларни ўрнатиш, электр энергияни тежовчи замонавий технологияларни жорий этиш, фалокатларнинг олдини олиш, уларни ишлатиш пайтида хавфсиз ва қулай меҳнат шароитларини яратиш бўйича тадбирлар ишлаб чиқишни ташкил қиласи. Меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги қоидаларига, электр қурилмалари ва тармоқларини ишлатиш бўйича ўюриқномаларга риоя этиш устидан назорат ўрнатади. Корхонада мавжуд электр асбоб-ускуналарини саклашни, шунингдек фойдаланилган электр қуввати ва ёқилғини ҳисобга олиш ҳамда таҳлил қилишини ташкил қиласи. Электр асбоб-ускуналарини, электр таъминотини такомиллаштиришга оид рационализаторлик таклифларига

ва ихтириоларга хулоса беради. Ишлаб чиқаришта энергетика хизмати күрсатувчи бўлим ҳодимларига раҳбарлик қилади.

Билиши лозим: ишлаб чиқаришта энергетика хизмати күрсатиш бўйича юқори ташкилотларнинг қарор, фармойиш ва буйруқларини, шунингдек бошқа кўрсатма берувчи, услубий ва меъёрий материалларни, корхонанинг йўналишини, ихтиносслигини ва структурасининг ўзига хослигини, унинг ривожланиш истиқболларини, тола ишлаб чиқариш технологиясининг асосларини, ишлаб чиқаришта энергетика хизмати кўрсатишнинг ташкил этилишини, режа бўйича — жорий таъмираш ишлари ва асбоб-ускуналарни мақсадга мувофиқ ишлатишнинг ягона тизимини, энергетика асбоб-ускуналарининг, энергиядан фойдаланувчи қурилмаларнинг ишлаб чиқариш қувватини, техникавий тавсифномасини, конструктив хусусиятларини ва ишлаш режимларини, уларни ишлатиш қоидаларини, асбоб-ускуналарнинг ишлашини ва таъмираш ишларини бажаришни режалаштириш тартиби ва усулларини, техникавий ҳужжатларни ишлаб чиқини ва расмийлаштириш бўйича қоидаларни, йўриқномаларни ва бошқа кўрсатма берувчи материалларни, асбоб-ускуналарни монтаж қилинган ва таъмирангандан сўнг қабул қилиб олиш ва топшириш қоидаларини ҳамда меъёрларини, иқтисодиётни, ишлаб чиқариши, меҳнатни ва бошқариши ташкил этишининг асосларини, меҳнат қонувлари асосларини, меҳнат муҳофазаси, техника ҳавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси ва ёнгинга қарши ҳимоя қоидалари ва меъёрларини.

Малака талаблари: олий маълумотли мутахассис ва мутахассислиги бўйича муҳандис-энергетик ва энергетика йўналиши бўйича раҳбар лавозимлардаги 4 йилдан кам булмаган иш стажи, замонавий компьютер ва ҳисоблаш техникасида ишлай олиш.

БОШ МЕХАНИК

ХАЛ ва ИКК бўйича тартиб рақами	1141
КМСК бўйича код	1222
Ходимлар тоифаси	Бошқарув ходими

Лавозим вазифалари. Технологик ва ёрдамчи асбоб-ускуналарнинг бетўхтов ва техник жиҳатдан тутри ва пухта ишланини, улардан фойдаланиш муддатини узайтириш, талаб этиладиган даражада ишлашга қобилиятли ҳолда сақлаш, ишлаб чиқариш, бино ва иншоотларнинг мақсадга мувофиқ ишлатилишини таъминлайди. Асбоб-ускуналарни жорий ва капитал таъмиrlаш учун сарфланадиган эҳтиёт қисмларнинг белгиланган меъёрлардан ошиб кетмаслигини таъминлайди. Асбоб-ускуналарни кўриқдан ўтказиш, жорий ва капитал таъмиrlаш режаларини ишлаб чиқаришни ташкил қиласди, бу режаларни тасдиқлайди ва уларнинг бажарилишини назорат қиласди, ишлаб чиқаришни техник жиҳатдан тайёрлашни таъминлайди. Капитал таъмиrlаш ишларининг рўйхатини тузишда қатнашади. Асбоб-ускуналарнинг мавжудлигини ва ҳаракатини ҳисобга олиш, техникавий ҳужжатларни тузип ва расмийлаштириш ишларини ташкил қиласди. Асбоб-ускуналарни таъмиrlаш, таъмиrlаш-ишлатиш эҳтиёjlари учун материаллар сарфи бўйича меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқишга, улардан фойдаланиш кўрсаткичларини таҳдил қилишга, асбоб-ускуналарни ишлатиш ва таъмиrlаш пайтида зарур материаллар ва эҳтиёт қисмлар сотиб олиш учун талабномаларни расмийлаштиришга раҳбарлик қиласди. Асбоб-ускуналарга таъмиrlашлар орасида хизмат кўrsatiшни, уларни ўз вақтида ва сифатли таъмиrlашни ва янгилашни (шу жумладан ҳар йилги), унинг пухталиги ва купга чидаши бўйича ишларни, бино ва иншоотларнинг ҳолати, сақланиш ва таъмиrlаниши устидан техникавий назорат ўрнатилишини ташкил қиласди, таъмиrlаш ишларини бажариш учун материаллар мақсадга мувофиқ ишлатилишини таъминлайди. Асбоб-ускуналарни янгилаш, корхонани техник қайта жиҳозлаш, янги замонавий асбоб-ускуналар билан қуроллантириш, технологик жараёнларга комплекс автоматизация воситаларини жорий этиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича таклифлар тайёрлашда қатнашади. Асосий ишлаб чиқариш фондларини инвентаризациядан ўтказишни ташкил қиласди, маънавий ва жисмоний жиҳатдан эскириб қолган асбоб-ускуналарни, капитал таъмиrlашни талаб қилган объектларни аниқлайди ҳамда таъмиrlаш ишларини бажариш навбатини белгилайди. Янги техникани жорий этиш ва ўзлаштириш бўйича тажрибаларни

оммалаштиради, созлаш ва бошқа ишларда, асбоб-ускуналарни синааб кўришда, янги вататъмирлашдан чиқсан асбоб-ускуналарни қабул қилиб олишда қатнашади. Асбоб-ускуналар, айрим узел ва деталларнинг ишлари шароитларини ўрганиб чиқади, асбоб-ускуналарнинг режадан ташқари тұхтаб қолишининг олдини олиш, узел ва деталларнинг хизмат муддатларини узайтириш, таъмирлашлараро муддатларини узайтириш, асбоб-ускуналарнинг сақданишини яхшилаш, уни ишлатиш пайтида ишончлигини ошириш бүйича тадбирлар ишлаб чиқади ва амалга оширади, корхонада (имкони бұлғанда) ихтисослаштирилган таъмирлаш ишларини, әхтиёт қисмларни марказлаштирилган ҳолда тайёрлашни ташкил қилади. Асбоб-ускуналарнинг ортиқча ишдан чиқиш, уларнинг бекор туриб қолиш сабабларини ўрганиб чиқиша, фалокатларни текширишда, уларни бартараф этиш ва олдини олиш бүйича тадбирлар ишлаб чиқиша ва жорий этишда иштирок этади. Таъмирлаш ишларини бажариш пайтида меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги талабларига риоя этилишини таъминлади. Корхона асбоб-ускуналарига, биноларига ва иншоотларига таъмирлаш хизмати күрсатувчи бўлим ва қисмларининг ишчиларига раҳбарлик қилади.

Билиши лозим: юқори органларнинг қарор, фармойишиш ва бўйруқларини, саноат хизматига молик асбоб-ускуналарни, бино ва иншоотларни таъмирлашни ташкил этиш бўйича услубий, меъёрий ва бошқа кўрсатма берувчи материалларни, пахта толаси ишлаб чиқариш технологиясининг асосларини, корхонада таъмирлаш хизмати ташкил қилишни, асбоб-ускуналарнинг ишлашини ва таъмирлаш ишларини бажаришни режалаштириш тартиби ва қоидаларини, асбоб-ускуналарни режали-жорий таъмирлаш ишлари ва мақсадга мувофиқ ишлатишнинг ягона тизимини, корхона асбоб-ускуналарининг техникавий тавсифномасини, конструктив хусусиятларини, вазифасини ва ишлаш режимини, уларни ишлатиш қоидаларини, асбоб-ускуналарни монтаж қилиш ва таъмирлаш усулларини, таъмирлаш ишларини ташкил этишини ва технологиясини, нуқсонлар рўйхатини, паспортларни, әхтиёт қисмлар чизмалари альбомларини, асбоб-ускуналарни ишлатиш бўйича йўриқномаларни ва бошқа ҳужжатларни тузиш тартибини, асбоб-ускуналарни таъмирлангандан сўнг қабул қилиб олиш ва топшириш қоидаларини, таъмирлаш бўйича

хизмат кўрсатишининг илгор тажрибасини, меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси ва ёнгинга қарши ҳимоя қоидалари ва меъёрларини.

Малака талаблари: олий маълумотли муҳандис-техник ҳамда пахта тозалаш саноатида асбоб-ускуналарни таъмирлаш ва ишлатиш бўйича муҳандис-техник лавозимларида мутахассислиги бўйича 5 йиллик иш стажи ҳамда замонавий компьютер ва ҳисоблаш техникасида ишлай олиш.

БОШ ТЕХНОЛОГ

ХАЛ ва ИКК бўйича тартиб рақами	1246
КМСК бўйича код	1229
Ходимлар тоифаси	Бошқарув ходими

Лавозим вазифалари. Корхона асосий ва ёрдамчи цехларининг ишлаб чиқариш технологик тайёргарлигини таъминлайди. Ишлаб чиқариш бўйича ишлаб чиқилган технологик жараёнларни жорий қилишга раҳбарлик қилади. Меҳнат унумдорлигини ошириш, қайта ишланадиган хомашёга меҳнат сарфини камайтириш, материалларни тежаш, иш жойларини ташкил этишни яхшилаш, сифатсиз маҳсулот чиқишининг олдини олиш мақсадида амал қилаётган технологик жараёнларни таҳдил қилади ва такомиллаштиради. Ишлаб чиқариш участкаларини зарур техниковий ҳужжатлар билан ўз вақтида таъминлашни ташкил қилади. Цехларда технологик жараёнлар ва ишлаб чиқариш режимига қатъий риоя этилишини кўздан кечириб туради. Ишлаб чиқаришга берилаётган хомашёнинг сифатини, материаллар сарфланиши тўғри бажарилишини назорат қилади. Сермеҳнат ва қўл билан бажариладиган жараёнларни механизациялаш ва автоматлаштириш тадбирларини жорий этиш бўйича чоралар кўради. Цехдаги асбоб-ускуналарни жой-жойига қўйиш, иш жойларини ташкил этиш, уларни аттестациядан утказиш ва мақсадга мувофиқлаштириш, ишлаб чиқариш қувватларини ва асбоб-ускуналарни иш билан банд қилиш ҳисоб-китобларини бажариш ишларига раҳбарлик қилади. Маҳсулот сифатини яхшилаш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга оширишда қатнашади.

Билиши лозим: ишлаб чиқаришни технологик жиҳатдан тайёрлаш бўйича юқори ташкилотларнинг қарор, фармойиш ва буйруқларини; услугбий, меъерий ва бошқа кўрсатма берувчи материалларни; корхонанингтехникавий жиҳатдан ривожланиши истиқболларини; тола ишлаб чиқариш технологиясини; цехнинг технологик асбоб-ускуналарини ва уларнинг ишлаш принципини; хомашёга, материалларга ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга қўйиладиган техникавий талабларни; стандартларни ва техникавий шартларни; техникавий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва расмийлаптириш тартибини; хомашё, материаллар, ёқилги, энергия сарфлаш меъёrlарини; сифатсиз маҳсулот чиқишининг олдини олиш усуllарини; пахтани қайта ишлаш соҳасидаги маҳаллий ва хориж корхоналарининг илгор тажрибаларини; иқтисодиётни, меҳнатни, ишлаб чиқаришни ва бошқаришни ташкил этиш асосларини; меҳнат муҳофазаси, техника ҳавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси ва ёнғинга қарши ҳимоя қоидлари ва меъёrlарини.

Малака талаблари: олий маълумотли мутахассис ва мутахассислиги бўйича З йилдан кам бўлмаган иш стажи, замонавий компьютер ва ҳисоблаш техникасида ишлай олиш.

ТАЙЁРЛОВ МАСКАНИ МУДИРИ

ХАЛ ва ИКК бўйича тартиб рақами	1749
КМСК бўйича код	1226
Ходимлар тоифаси	Бошқарув ходими

Лавозим вазифалари. Тайёрлов маскани ишларига раҳбарлик қилади. Намлиги ва ифлослиги бўйича тасдиқланган техникавий шартлар ва стандартларга мувофиқ ҳўжаликлардан пахтани қабул қилиб олиш, сақлаш ва уни қайта ишлаш учун пахта тозалаш корхоналарига ўз вақтида етказиб беришни ташкил қилади. Тарози ҳўжалиги ва назорат-ўлчов техникасининг ишчи ҳолатини кўздан кечириб туради. Пахта хомашёсини тўғри гарамлаш ва сақлашни назорат қилади. Юқори даражадаги, намлик ва ифлосликга эга пахтани гарамлашга йўл қўймайди, аввал уни қуритиш-тозалаш цеҳидан ўтказади. Гарам ва омборларда пахтани сифатли сақлаш учун профилактик

тадбирларни ўз вақтида ўтказиш ишларини ташкил қилади. Туннел ва вентиляция шохобчаларини ўтказишни, усти ёпилмаган майдончаларда жойлашган гараларни маҳсус брезентлар билан ёпиш ишларини ташкил қилади. Пахта хомашёсини стандарт талаблар асосида ва товар-моддий бойликларнинг сақланиши ҳамда тайёрлов масканининг барча молия-хўжалик фаолияти учун тӯла жавобгардир. Ёнгинга қарши ҳимоя ишларини ташкил қилади.

Билиши лозим: Тайёрлов масканларида пахтани қабул қилиш ва сақлаш бўйича юқори ташкилотларнинг қарор, бўйруқ ва фармойишларини, давлат ва тармоқ стандартларини, техникавий ва бошқа меъёрий ҳужжатларни ҳамда уни сақлаш қоидаларини, хомашёни қуритиш ва тозалаш технологияси асосларини, қабул қиливчи-узатиб берувчи механизация восьиталарининг, гараларнинг ишланини, меҳнатни, ишлаб чиқаришни ва бошқаришни ташкил этиш асосларини, пахтани қабул қилиб олиш ва сақлаш, жўнаташ (ишлаб чиқаришга бериш) ҳужжатларини юритиш қоидаларини, меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси ва ёнгинга қарши ҳимоя қоидалари ва меъёrlарини.

Малака талаблари: олий маълумотли мутахассис ҳамда пахта тозалаш саноати тармогида иш стажи 3 йилдан кам бўлмаслиги ёки ўрта маҳсус маълумотли ва 5 йилдан кам бўлмаган иш стажига эга мутахассис.

ТЕХНОЛОГИК ЛАБОРАТОРИЯ МУДИРИ

ХАЛ ва ИКК бўйича тартиб рақами	1773
KMCK бўйича код	1229
Ходимлар тоифаси	Бошқарув ходими

Лавозим вазифалари. Пахтани қайта ишлаш технологиясининг меъёрий ҳужжатларини, стандартларини, техникавий шартларини такомиллаштириш бўйича ишларни бажаришга ёрдам беради. Корхонада янги стандартларни ва техникавий шартларни жорий этишни, тежамлироқ ва самаралироқ назорат қилиш усулларини қидириб топади. Корхонага келиб тушаётган хомашё ва материалларнинг шунингдек тайёр

маҳсулотни, уларнинг амалдаги стандартлар ва техникавий шартлар талабларига мос келишини аниқлаш мақсадида технологик жараёнларнинг кечиши юзасидан, лаборатория таҳдилларини ўз вақтида ва сифатли ўтказилишини назорат қилиш усулларини таъминлайди. Тайёр маҳсулотнинг сифатини текширишни, технологик асбоб-ускуналарнинг ва иш қуролларининг сифатини ва ҳолатини текширипни, маҳсулот ишлаб чиқариш шароитларини, упаковка қилиш, сақлаш, ортиш, ташиш, тушириш ва тахлашни ташкил қиласди. Паст сифатли маҳсулот чиқаришнинг олдини олиш мақсадида ишлаб чиқаришнинг бутун цикли бўйича тасдиқланган технологик жараёнларнинг тўғрилигини ва уларга риоя этилишини доимий равища текшириб туради.

Билиши лозим: тармоқнинг ва корхонанинг ривожланишига тааллукли меъерий, услубий ва кўрсатма берувчи материалларни, тайёр маҳсулот ва хомашё сифатига, синааб куриш усулларига оид давлат ҳамда тармоқ стандартларини ва техникавий шартларни, ишлаб чиқариш технологиясини, технологик асбоб-ускуналарни, шунингдек лаборатория асбоб-ускуналарини ҳамда уларни ишлатиш усулларини, лаборатория тадқиқотлари натижалари бўйича техникавий ҳужжатларни расмийлаштириш қоидаларини, пахтани қайта ишлаш технологияси соҳасидаги хорижий тажрибаларни.

Малака талаблари: олий муҳандис-техник маълумотли мутахассис ва мутахассислиги бўйича З йилдан кам бўлмаган иш стажи, замонавий компютер ва ҳисоблаш техникасида ишлай олиш.

МАТЕРИАЛЛАР ОМБОРИ МУДИРИ

ХАЛ ва ИКК бўйича тартиб рақами	1828
КМСК бўйича код	1226
Ходимлар тоифаси	Бошқарув ходими

Лавозим вазифалари. Омборда товар-моддий бойликларни қабул қилиб олиш, жўнатиш ва уларни жойлаштириш ишларига бошчиллик қиласди. Омборларга жойланадиган товар-моддий бойликларнинг бут сақланишини, сақлаш тартибига амал

қилишни таъминлайди, омборда бажариладиган операцияларнинг ҳисоб-китобини олиб боради. Кирим-чиқум ҳужжатларини расмийлаштириш ва топшириш қоидаларига амал қилишни таъминлайди, белгиланган ҳисботни тузади. Омборда юқ ортиш-тушириш ишларини ташкил қиласди. Товар-моддий бойликларни инвентаризациядан ўтказишда қатнашади.

Билиши лозим: омборхона ҳўжалигини ташкил этиш бўйича қоидаларни, йўриқномаларни ва бошқа кўрсатма ва меъёрий ҳужжатларни; товар-моддий бойликларига оид стандартларни ва техникавий шартларни, мулкни сақланиш қоидалари ва тартибини, меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги ва ёнгинга қарши ҳимоя қоидалари ва меъёрларини.

Малака талаблари: Урта маҳсус маълумотли ва ҳисоб-китоб ҳамда назорат бўйича 2 йилдан кам бўлмаган иш стажи.

ХЎЖАЛИК МУДИРИ

ҲАЛ ва ИҚҚ бўйича тартиб рақами	1853
КМСК бўйича код	1239
Ходимлар тоифаси	Бошқарув ходими

Лавозим вазифалари. Корхона ва унинг бўлимларига ҳўжалик хизмати кўрсатиш бўйича ишларни амалга оширади. Ҳўжалик ашё ва анжомларининг бут сақданишини, уларни тиклашни ва тўлдириб туришни, шунингдек биноларда ва унга ёндашган ҳудудларда тозаликка риоя этишни таъминлайди. Биноларнинг ҳолатини кўздан кечириб турари ва уларни ўз вақтида таъмирлаш чораларини кўради. Ходимларни канцелярия жиҳозлари, буюлари ва ҳўжалик ашё-анжомлари билан таъминлайди. Фаррошларнинг, ҳовли супурувчи ишчиларнинг, бобонларнинг ва бошқаларнинг ишларига бошчилик киласди.

Билиши лозим: ҳўжалик хизмати кўрсатиш бўйича ишларнинг бажарилишини ташкил этишни, меҳнатни механизациялаш виситаларини, бинолардан фойдаланиш қоидаларини, ички меҳнат тартиби қоидаларини, меҳнат қонунлари асосларини, меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси ва ёнгинга қарши ҳимоя қоидалари ва меъёрларини.

Малака талаблари: ўрта махсус маълумот ва хўжалик таъминоти бўйича 1 йилдан кам бўлмаган иш стажи ёки умумий ўрта маълумот ҳамда хўжалик таъминоти бўйича 2 йилдан кам бўлмаган иш стажи.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БРИГАДАСИ УСТАСИ

ХАЛ ва ИКК бўйича тартиб рақами	3255
КМСК бўйича код	1222
Ходимлар тоифаси	Бошқарув ходими

Лавозим вазифалари. Ўзи бошчилик қиласиган бригада ишини ташкил қиласи ва унга раҳбарлик қиласи. Белгиланган номенклатура бўйича юқори сифатли маҳсулотни белгиланган ҳажм ва муддатларда ишлаб чиқаришни таъминлайди. Ишлаб чиқаришни ўз вақтида тайёрлайди, бригадада ишчиларни иш жойларига жойлаштиришни таъминлайди, тола ишлаб чиқариш режасининг бажарилишини таъминлайди, технологик ва ишлаб чиқариш интизомига риоя этилишини назорат қиласи. Ишлаб чиқариладигантола сифатини текширади. Тайёр маҳсулотни қабул қилиб олишда иштирок этади. Ишлаб чиқариш топшириқларини белгилайди ва ўз вақтида бажарувчиларга маълум қиласи. Ишчиларга ишлаб чиқаришга оид йўриқномаларни етказади. Ишларни тарификация қилишда иштирок этади. Ишчиларнинг малакасини ошириш ишларини ташкил этади.

Билиши лозим: бригада ишлаб чиқариш фаолиятига оид юқори ташкилотларнинг қарор, фармойиш, буйруқларини, услугубий ва меъёрий кўрсатма берувчи материалларни, толанинг техникавий тавсифномаси ва толага қўйиладиган талабларни, унинг ишлаб чиқариш технологиясини, маҳсулот ишлаб чиқариш режасини, участкадаги асбоб-ускуналарни ва уларни техникавий жиҳатдан ишлатиш қоидаларини, меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси ва ёнгинга қарши ҳимоя қоидалари ва меъёrlарини.

Малака талаблари: ўрта махсус маълумотли мутахассис ҳамда пахта тозалаш корхонасида ишлаб чиқаришда 2 йилдан кам бўлмаган иш стажи. Махсус маълумоти бўлмаганда — корхонадаги иш стажи 5 йилдан кам бўлмаслиги лозим.

ТАЙЁРЛОВ МАСКАНИ ЛАБОРАТОРИЯСИННИГ МУДИРИ (КАТТА ЛАБОРАНТ)

ХАЛ ва ИКК бўйича тартиб рақами	1773
КМСК бўйича код	1229
Ходимлар тоифаси	Бошқарув ходими

Ишларнинг тавсифномаси. Пахта хомашё тайёрлов масканига келиб тушган пайтда ва уни корхонага жўнатиш пайтида хомашёни лаборатория таҳлиларини тўгри ўтказишини таъминлайди. Гарамлардаги пахта хомашёсининг сақланиш ҳолатини текшириб боради ва профилактик тадбирларнинг ўз вақтида ўтказиб борилишини таъминлайди. Дастреб ёвосурғич ўрнатиладиган жойни белгилаб олиб, унга ёвосурғичнинг қўйилишини ҳамда I зона классификаторининг ишини назорат қилиш ва III зона классификаторидан гарамларга жойланётган хомашёнинг тўгри жойланиши ва сақланишини талаб қиласди. Лаборатория жиҳозларининг бутлигини таъминлайди. Пахтанинг гарамларда сифатли сақланаётганини доимий равища да назорат қиласди.

Билиши лозим: пахта хомашёсининг ифлослиги, намлиги, нави, синфи, типи ва уларни таҳлил қилиш қоидаларини, келиб тушаётган пахта хомашёсидан таҳлил ўтказиш учун танлаб олиш жойи ва миқдорини, таҳлил ўтказиш учун меъёрий ҳужжатлар, стандартлар ва техниковий шартларни, қабул қилиб олиш таҳлилий ҳужжатларини расмийлаштиришни, меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси ва ёнгинга қарши ҳимоя қоидалари ва меъёrlарини.

Малака талаблари. Олий маълумотли мутахассис ва мутахассислиги бўйича З йилдан кам бўлмаган иш стажи.

МУТАХАССИСЛАР МАНСАБЛАРИ

ХОДИМЛАР БҮЙИЧА НОЗИР

ХАЛ ва ИКК бўйича тартиб рақами	2496
КМСК бўйича код	3423
Ходимлар тоифаси	Мутахассис

Лавозим вазифалари: Корхонанинг, унинг бўлимларининг шахсий таркибини ҳамда кадрлар бўйича белгиланган ҳужжатларниң ҳисобини олиб боради. Меҳнат қонунларига, қоидаларига, йўриқномаларига ҳамда корхона раҳбарининг буйруқларига мувофиқ ходимларни ишга олишни, ишдан ишга ўтказишни ва ишдан бўшатишни расмийлаштиради. Ходимларниң шахсий ҳужжатлар йигмажилдини ташкил қиласди ва компютер маълумотини олиб боради, уларга меҳнат фаолияти билан bogliq bўlgan ўзгартиришларни киритади. Меҳнат ва кадрлар бўйича истиқболдаги ва йиллик режаларни ишлаб чиқишида қатнашади. Малака ва аттестация комиссиясига зарур ҳужжатларни ҳамда ишчи ва мутахассисларни мукофотлаш учун зарур материалларни тайёрлади. Меҳнат дафтарчаларини тўлдиради, ҳисобга олади ва сақлайди, меҳнат стажларини ҳисоблаб чиқади, ходимларниң ҳозирги ва ўтган даврдаги меҳнат фаолиятлари тўғрисида маълумотномалар беради. Ходимлар малакасини ошириш, тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ишлари билан шугулланади. Ходимларга таътиллар беришнинг ҳисобини олиб боради, навбатдаги таътиллар жадвали тузилишини ва унга амал қилинишини назорат қиласди. Ходимларга нафақа белгилаш учун зарур ҳужжатларни расмийлаштиради. Ходимларниң ишдан ишга сурилиш ва қўнимизлиги сабабларини ўрганиб туради. Шахсий ҳужжатлар йигмажилди архивини олиб боради ҳамда ҳужжатларни давлат сақловига топшириш учун тайёрлади. Бўлимларда меҳнат интизоми аҳволини назорат қиласди. Меҳнат интизоми бузилишларини ҳисобга олиб боради. Кадрлар тайёрлаш дастурининг бажарилишини таъминлайди. Корхонада раҳбар лавозимларга захира кадрларни тайёрлаб боради ва ёш кадрлар билан ишлашни ташкил қиласди. Корхонада кадрлар

құнимсизлигига йүл құймаслик бүйича доимий равища иш олиб боради ва мутахассис кадрлар билан үз вақтида таъминлаш чораларини күради. Кадрлар билан ишлаш тұғрисида белгиланған ҳисоботни тузади.

Билиши лозим: меңнат қонунлари асосларини, кадрлар тайёрлаш бүйича юқори ташкилоттар буйруқ, фармойиш ва күрсатмаларини, шахсий таркибни ҳисобга олиш, нафақаларни расмийлаштириш, ходимларнинг меңнат дафтарчаларини ва шахсий ҳужжатлар йигмажилдини тутиш ва сақлашни ҳисобга олиш бүйича қоидаларни, низомларни, йүриқномаларни ва бошқа күрсатма берувчи ҳамда мөттеги ҳужжатларни, ходимларни ишга қабул қилиш, ишдан-ишга үтказиш ва ишдан бұшатиш тұғрисидағы амалдаги қонунларни, кадрларнинг ишдан ишга сурилишини ҳисобга олиш тартибини ва меңнат интизоми ақволи тұғрисида ҳисобот түзиши, ишчилар касбларининг ва хизматчилар лавозимларининг номларини белгилаш тартибини, муайян ишларнинг умумий ва узлуксиз стажини белгилаш тартибини, ички меңнат тартиби қоидаларини, меңнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси ва ёнгинга қарши ҳимоя қоидалари ва мөттегілерини.

Малака талаблари: олий мағлұмот ҳамда ходимлар бүйича мутахассис лавозимида З ыйдан кам бұлмаган иш стажи, замонавий компьютер ва ҳисоблаш техникасида ишлай олиш.

ХУҚУҚШУНОС-МАСЛАҲАТЧИ

ХАЛ ва ИКК бүйича тартиб рақами	7822
КМСК бүйича код	2421
Ходимлар тоифаси	Мутахассис

Лавозим вазифалари. Бошқа бұлымлар билан биргалиқда қонунларни тұғри құллашта қаратылған табдирларни ишлаб чиқади ва амалға оширади, ҳуқуқий характерға зәғ ҳужжатларни ишлаб чиқышда қатнашади ҳамда амалдаги қонунларға хилоф ҳолда чиқарылған ҳужжатларини бекор қилиш чораларини күради. Корхонада ҳуқуқ бүйича ишларға услугий раҳбарлық қылади ва юридик хизмат фаолиятини такомиллаштириш бүйича таклифлар киригади, тузилма бұлымларига ҳуқуқий

ёрдам кўрсатади, корхонада хўжалик ичидағи ўзаро даъво қилиш ва уни кўриб чиқишининг белгиланган тартибига риоя этилишини назорат қиласди, қилинган даъволар рад этилганда асосланган жавоблар тайёрлашда қатнашади. Ўғирликлар, талон-тарожликлар, камомадлар ва бошқа қонунбузарликлар тўғрисидаги материалларни суд-тергов органларига топшириш учун расмийлаштиради, кўриб чиқиш босқичидаги ва кўриб чиқилиши тугалланган суд ва хўжалик ишларини ҳисобга олади ва сақлайди. Эътиroz ва даъво ишларининг ҳолатини ва унинг амалий тажрибасини таҳлил қиласди ва умумлаштиради, хўжалик судлари томонидан низомларни кўриб чиқиш бўйича корхоналар фаолиятида аниқланган камчиликларни бартараф этиш чораларини кўради. Белгиланган тартибиға мувофиқ ҳодимларни интизомий ва моддий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги ҳужжатларни расмийлаштиради. Бошқа корхоналар билан хўжалик шартномаларини тузиш ишларини тайёрлашда ва хўжалик шартномаларининг бажарилишини назорат қилишда, шунингдек хорижий компаниялар ва фирмалар билан контракт тузишда иштирок этади, лойиҳалар, шартномалар ва контрактларга, жўнатиш учун бериладиган нарядларга қонунийлиги бўйича виза қўяди, жамоа шартномаларини тайёрлашда ва тузишда қатнашади, жамоа меҳнат кенгашига, касаба уюшмаси қўмитасига ва бошқаларга ўзларининг фаолиятларини амалга оширишда ёрдам кўрсатади. Бошқа бўлимлар билан биргаликда корхонада чиқарилган амалдаги буйруқларга ва бошқа меъёрий ҳужжатларга ўзгартишлар киритиш ёки ўз кучини йўқотган буйруқларни ва бошқа меъёрий ҳужжатларни бекор қилиш тўғрисидаги таклифларни тайёрлайди. Ҳозирги замон техникавий воситаларидан фойдаланиб, қонунлар бўйича маълумот-ахборот ишларини олиб боради, корхонани янги амалга киритилган ҳуқуқий ҳужжатлар, Адлия Вазирлиги кўрсатмалари ва Хўжалик судларининг амалий тажрибалари тўғрисида зудлик билан хабардор қиласди, раҳбариятга қонунлар бўйича маълумот ва материаллар тайёрлайди, корхона фаолиятидан келиб чиқадиган ҳуқуқий масалалар бўйича хulosалар тайёрлайди. Қонунларни тушунтириш, корхонадаги мансабдор шахсларга уларнинг фаолиятига тааллуқли меъёрий ҳужжатлар билан таништириш ишларини олиб боради, ҳуқуқий масалалар бўйича

корхона ходимларига маълумотлар ва маслаҳатлар (шунингдек ташкилий-ҳуқуқий ва бошқа юридик масалалар бўйича) беради, мулкий-ҳуқуқий характерга эга бўлган ҳужжатлар ва далолатномаларни расмийлаштириша ёрдан беради. Иқтисод, молия, ҳисобчилик хизмати ва бошқа бўлимлар билан биргаликда корхона хўжалик фаолияти натижаларини иқтисодий-ҳуқуқий жиҳатдан таҳдил қиласди, самарасиз харажатлар пайдо бўлиши сабабларини, дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ҳолатини ўрганади, белгиланган муддатларда дебитор қарздорликни ундириш юзасидан эътиroz билдириш-даъво ишларини олиб боради, ҳуқуқий масалалар судда, хўжалик судида, шунингдек бошқа органларда кўрилаётган пайтда корхона манфаатларига белгиланган тартибда вакиллик қиласди. Агар эътиroz билдириш ишлари бошқа бўлимлар томонидан олиб борилаётган бўлса, у ҳолда бу ишларга раҳбарлик қиласди. Моддий бойликларни ҳисобдан чиқариш ҳужжатлари, тафтиш ва инвентаризация ўтказиш пайтида аниқланган ҳуқуқий бузилишлар бўйича тузилган далолатномаларга ҳуқуқий жиҳатдан хуносалар беради. Раҳбариятта имзо қўйиш учун берилаётган лойиҳалар, буйруқлар ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларга имзо қўяди, уларнинг қонунларга тўғри келиши учун жавоб беради. Хўжалик шартномаларининг ролини ошириш ва уларнинг бажарилиши учун жавобгарликни ошириш учун ҳуқуқ воситалари тизимидан фойдаланишини яхшилаш бўйича чоралар кўради.

Билиши лозим: амалдаги қонунларни, фуқаролик-муомала, меҳнат, молия, матъмурий ҳуқуқларни, корхонанинг ҳуқуқий фаолияти бўйича қарорларни, фармойишларни, буйруқларни, услубий, меъёрий ва бошқа кўрсатма берувчи материалларни, ҳисоб олиб бориш ва ҳисобот тузиш тартибини, хўжалик шартномаларини тузиш ва расмийлаштириш тартибини, иқтисодиёт асосларини, меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси ва ёнгинга қарши ҳимоя қоидалари ва меъёрларини.

Малака талаблари: олий юридик маълумот ҳамда ҳуқуқий маслаҳатчи лавозимида иш стажига эга бўлган шахс ёки юридик бўлими бошлиги лавозимини згаллаш учун — 5 йилдан кам бўлмаган иш стажи, замонавий компьютер ва ҳисоблаш техникасида ишлай олиш.

ТАЙЁР МАҲСУЛОТ БҮЙИЧА ТОВАРШУНОС

ХАЛ ва ИКК бүйича тартиб рақами	7151
КМСК бүйича код	2419
Ходимлар тоифаси	Мутахассис

Лавозим вазифалари. Ҳар бир сменадан маркасига мувофиқ радиша тайёр маҳсулот (тола ва бошқа тойланадиган маҳсулотлар)ни қабул қилиб олиш ишларини амалга оширади. Маҳсулотни сақлаш учун маълум жойга жўнатади. Тайёр маҳсулотларни қабул қилиб олиш ва ортиб жўнатиш бўйича бирламчи ҳужжатларни расмийлаштиради.

Билиши лозим: тайёр маҳсулотни қабул қилиш ва ҳисобга олиш шакллари ва усусларини, маркалаш усувлари ва принципларини, тайёр маҳсулотни сақлаш жойларини, тайёр маҳсулотни қабул қилиб олишни ва жўнатишни ҳужжатлар билан расмийлаштиришни.

Малака талаблари: ўрта маҳсус касб-ҳунар маълумотли ва мутахассислиги бўйича 2 йилдан кам бўлмаган иш стажи.

ҲИСОБЧИ

ХАЛ ва ИКК бүйича тартиб рақами	766
КМСК бүйича код	3433
Ходимлар тоифаси	Мутахассис

Лавозим вазифалари. Бухгалтерлик ҳисоб-китобининг турли участкалари (асосий воситаларни, айланма маблагларни, ишлаб чиқариш товар-моддий бойликларини, ишлаб чиқаришга сарфланадиган харажатларни, маҳсулот сотишни, молияхўжалик фаолияти натижаларини, мол етказиб берувчилар ва буюртмачилар билан ҳисоб-китобларни, шунингдек кўрсатилган хизматлар ва ҳоказоларни ҳисобга олишдаги) ишларини бажаради. Меҳнат интизомига амал қилишга ва корхона ҳисобкитоби тизимини такомиллаштиришга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқишида ва амалга оширишида иштирок этади. Ҳисобкитобга тегишли участкалари бўйича дастлабки ҳужжатларни

қабул қилиб олади ва назорат қиласи ҳамда уларни ҳисоб-китоб қилиш учун тайёрлайди. Пул маблаглари ва товар моддий бойликларнинг ўтиб юриши билан боғлиқ бўлган операцияларни бухгалтерлик ҳисобида акс эттиради. Маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг ҳисобот таннархи калькуляциясини тузади, ишчи ва хизматчилар иш ҳақларини, солиқларни ва бошқа тўловларни ҳисоблаб чиқади ва ўтказади. Ҳўжаликнинг ички резервларини аниқлаш мақсадида бухгалтерлик ҳисоб-китоби ва ҳисоботи маълумотлари бўйича корхонанинг ҳўжалик-молиявий фаолиятини иқтисодий жиҳатдан таҳлил қилишда, тежамкорлик тартибини амалга оширишда ва ҳужжатлар айланишини такомиллаштириш бўйича тадбирларни амалга оширишда, ҳисоблаштехникасини қўллашасосида бухгалтерлик ҳисоб-китобининг илгор шакл ва усулларини ишлаб чиқиша ва жорий этишда, шунингдек пул маблагларини, товар-моддий бойликларни инвентаризациядан ўтказишда, ҳисоб-китобларни ва тўлов мажбуриятларини бажаришда қатнашади. Ҳисобот тузиш учун ҳисоб-китобнинг тегишли участкалари бўйича маълумотлар тайёрлайди, бухгалтерлик ҳужжатлари бутсақланишини назорат қиласи, белгиланган тартибга мувофиқ уларни архивга топшириш учун расмийлаштиради.

Билиши лозим: бухгалтерия тўгрисида қонунларни, бухгалтерия ҳисоби миллий стандартини, пахта тозалаш корхоналарида бухгалтерлик ҳисоб-китобини ташкил этиш бўйича юқори ташкилотнинг қарор, фармойиш, буйруқларини, услубий, меъёрий ва бошқа кўрсатма берувчи материалларни, ҳисоб режасини ва счёт хат-хабарларини, бирютириб қўйилган ҳисоб-китоб участкаси бўйича ҳужжатлар айланишини ташкил этишни, бухгалтерлик ҳисоб-китоби тизимида ҳўжалик воситаларини ҳужжатлар бўйича расмийлаштириш ва акс эттириш тартибини ва уларнинг ҳаракатини, корхонанинг молиявий ҳўжалик фаолиятини иқтисодий жиҳатдан таҳлил қилиш усулларини, замонавий компьютер ва ҳисоблаш техникасини ишлатиш қоидаларини, иқтисодиётни ҳамда меҳнат ва бошқаришни ташкил этиш асосларини, ички меҳнат тартиби қоидаларини, бозор муносабатлари ва меҳнат қонунлари асосларини, меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси ва ёнгинга қарши ҳимоя қоидалари ва меъёрларини.

Малака талаблари:

- I тоифадаги ҳисобчи: урта маҳсус маълумот ва II тоифадаги ҳисобчи лавозимида З йилдан кам бўлмаган иш стажи;
- II тоифадаги ҳисобчи: иш стажига талаблар қўйилмайдиган урта маҳсус (иктисодий) маълумот ҳамда ҳисобчи лавозимида З йилдан кам бўлмаган иш стажи;
- Ҳисобчи: иш стажига талаблар қўйилмайдиган белгиланган дастур бўйича маҳсус тайёргарлик ва ҳисоб-китоб ҳамда назорат бўйича З йилдан кам бўлмаган иш стажи.

ИЧКИ АУДИТОР

ХАЛ ва ИКК бўйича тартиб раҳами	658
КМСК бўйича код	2411
Ходимлар тоифаси	Мутахассис

Лавозим вазифалари. Корхона хўжалик-молия фаолиятини, шунингдек уларнинг мустақил балансга эга бўлимларида амалдаги йўриқномаларга ва қоидаларга мувофиқ режа бўйича ва маҳсус топшириқлар асосида ҳужжатлар бўйича тафтишлар ўтказади. Тафтиш қилинаётган корхоналарнинг раҳбарларига текшириш давомида бухгалтерлик ҳисоб-китобини юритиш бўйича аниқданган қонунлар ва белгиланган талаблар бузилиши фактларини бартараф этиш тўғрисида ҳамда тегишлича молия ҳисоботи бўйича бажарилган ишларни назоратдан ўтказища тезкор маълумот кўрсатмалар беради. Келиб тушаётган пул маблагларининг ҳисоб-китоби тўғрилигини, товар-моддий бойликлар ва асосий фондларнинг тўғрилигини, уларнинг ҳаракати билан боғлиқ бўлган операцияларнинг бухгалтерлик ҳисоб-китобида ўз вақтида акс эттирилишини, материаллар, ёқилги, электр энергияси, пул маблагларининг тўғри сарфланишини, ҳаражатлар сметасига риоя этилишини, дастлабки ҳужжатлар асосида ҳисбот тузиш тартибини, шунингдек корхона бўлимларида инвентаризация ўтказиш ва бухгалтерлик ҳисоб-китоби олиб борилишининг ташкил этилишини назорат қиласи. Маблаглардан фойдаланишнинг самарадорлигини оширишга қаратилган, уларни ҳар тарафлама тежашга, корхона хўжалик-молия фаолиятини назорат қилишни кучайтиришга, мулкнинг яхши сақланишини таъминлашига, бухгалтерлик ҳисоб-китобини

тўгри ташкил этишга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқишида ҳамда уларни амалга оширишда иштирок этади. Корхона ходимларининг бухгалтерлик ҳисоб-китоби ва ҳисоботини олиб бориш масалаларини ташкил этишларини назорат қиласди.

Билиши лозим: бухгалтерия тўгрисида қонунларни, бухгалтерия ҳисоби миллий стандартини, Узбекистон Республикасининг аудиторлик фаолияти тўгрисидаги қонунларини, бухгалтерлик ҳисоб-китоби ва ҳисоботи тузишни ташкил этиш бўйича юқори ташкилотларнинг қарор, фармойиш, бўйруқларини, услугбий, меъёрий ва бошқа кўрсатма берувчи материалларни, бухгалтерлик ҳисоб-китобини ва корхона хўжалик фаолиятини таҳдил қилиш шакллари ва усулларини, бозор иқтисодиёти муносабатларини, ҳозирги замон талабларини ҳисобга олган ҳолда ҳужжатлар асосида тафтишлар ва текширувлар ўtkазиш тартибини, ҳужжатлар айланишини ва хўжалик воситаларини ҳамда унинг ҳаракатини бухгалтерлик ҳисоб-китобида ҳужжатлар асосида расмийлаштириш ва акс эттириш тартибини, режаларни ва ҳисоб рақами корреспонденциясини, молия ва хўжалик қонунларини, иқтисодиётни ҳамда ишлаб чиқаришни, меҳнатни ва бошқарувни ташкил этишнинг асосларини, иқтисодий ахборотни механизациялашган усулда ишлаб чиқиши ташкил этиш асосларини, ҳисоблаш техникасини ишлатиш қоидаларини, ички меҳнат тартиби қоидаларини, бозор муносабатлари ва меҳнат қонунлари асосларини, меҳнат муҳофазаси, техника ҳавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси ва ёнгинга қарши ҳимоя қоидалари ва меъёrlарини.

Малака талаблари: олий маълумотли мутахассис ҳамда бухгалтерлик ҳисоб-китоби соҳасида ва молия-назорат фаолиятида 5 йилдан кам бўлмаган иш стажи, замонавий компьютер ва ҳисоблаш техникасида ишлай олиш.

МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ ВА ҲАВФСИЗЛИК ТЕХНИКАСИ БЎЙИЧА МУТАХАССИС

ХАЛ ва ИКК бўйича тартиб рақами	2318
КМСК бўйича код	2149
Ходимлар тоифаси	Мутахассис

Лавозим вазифалари. Меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси тўғрисидаги йўриқномаларга, қоидаларга ва меъёrlарга риоя этилишини, меҳнат шароитлари бўйича белгиланган имтиёzlар берилшини ва товоонлар тўланишини назорат қиласи. Ходимларнинг меҳнат шароитларини ва меҳнат муҳофазасини яхшилаш, соглиқларини мустаҳкамлаш бўйича истиқболдаги ва йиллик режаларининг лойиҳаларини ишлаб чиқишида қатнашади. Иш жойларида меҳнат шароитларини ўрганади, тўсиқ мосламаларининг ва бошқа ҳимоя воситаларининг янада такомиллашган конструкцияларини, хавфсиз меҳнат шароитлари яратиш бўйича тадбирлар ишлаб чиқишида ва жорий этишида қатнашади. Асбоб-ускуналарнинг техникавий ҳолатини текширишда, уларнинг ишларни хавфсиз олиб бориш талабларига тўгри келишини аниқлашда қатнашади. Вентиляция ва аспирация тизимларининг самарали ишларини, эҳтиётлаш мосламалари ва ҳимоя қурилмаларининг ҳолатини назорат қиласи. Ишлаб чиқариш жараёнидаги меҳнат муҳофазаси бўйича амалдаги қоидалар ва меҳнат хавфсизлиги стандартларига риоя этилиши тўғрисидаги давлат, тармоқлароро ва идора назоратларининг ёзма кўрсатмаларини бажаради. Корхона бўлимларига меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги бўйича йўриқномалар ишлаб чиқишида услубий ёрдам кўрсатади. Ишчиларга кириш йўриқномалари беради. Жамоа шартномасининг меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги бўлимими тузишида иштирок этади. Ишлаб чиқаришдаги жароҳатланиш, касб касаллиги ҳодисаларини текширишда иштирок этади, уларнинг олдини олиш бўйича ўтказилаётган тадбирларнинг самарадорлигини ўрганади ва таҳлил қиласи. Maxsus иш кийимига, maxsus овқатларга, ҳимоя мосламаларига ва бошқаларга талабномалар тузилишини назорат қиласи. Меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги қоидаларини корхона ишчи-хизматчиларига тушунтириб беради, белгиланган муддатларда ва белгиланган шакл бўйича ҳисбот тузади.

Билиши лозим: меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги ва ишлаб чиқариш санитарияси бўйича юқори ташкилотларнинг қарор, фармойиш, бўйруқларини, услубий, меъёрий ва бошқа кўрсатма берувчи материалларни, пахта толаси ишлаб чиқаришнинг асосий технологик жараёнларини, иш жойларида меҳнат шароитларини ўрганиш усулларини, меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги ва ишлаб чиқарип санитарияси бўйича

ишлиарни ташкил этишни, меңнат хавфсизлиги стандартлари тизимини, құлланиладиган асбоб-ускуналарни ишлатишнинг үзига хос хусусиятларини, асбоб-ускуналарнинг техникавий ҳолати мослигини, ишлиарни хавфсиз бажаришнинг қоидаларини ва назорат воситаларини, ҳисобот тузиш тартиби ва муддатларини, иқтисодиёт, ишлаб чиқариш ва бошқаришни ташкил этишни; меңнат қонунлари асосларини.

Малака талаблари: олий маълумотли мутахассис ҳамда меңнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги бўйича мутахассис лавозимида ёки кичик мутахассислар лавозимларида камидан 3 йиллик иш стажи, замонавий компютер ва ҳисоблаш техникасида ишлай олиш.

ҚУРИЛИШ БЎЙИЧА МУТАХАССИС

ХАЛ ва ИКК бўйича тартиб рақами	2445
КМСК бўйича код	2142
Ходимлар тоифаси	Мутахассис

Лавозим вазифалари. Қурилиш-монтаж ишиларининг бажарилиши устидан техникавий назорат олиб боради ва пудратчи қурилиш ташкилотлари томонидан қурилиб битказилган объектларни қабул қилиб олади. Капитал қурилиш ишилари бажарилиши ҳамда бино ва иншоотлар таъмирланиши суръатини назорат қиласи. Харажатлар сметасини кўриб чиқишида ва келишиб олишда иштирок этади. Қурилиши туталланган қурилиш-монтаж ишилари ва объектларни техникавий жиҳатдан қабул қилиб олади, зарур техникавий ҳужжатларни расмийлаштиради. Туталланган қурилиш-монтаж ва таъмирлаш ишиларининг ҳисоб-китобини олиб боради ҳамда капитал ва таъмирлаш қурилиши режаларининг бажарилиши тўгрисида ҳисобот тузиш учун зарур маълумотларни тайёрлайди.

Билиши дозим: қурилиш-монтаж ва таъмирлаш ишиларини бажариш бўйича юқори ташкилотларнинг қарор, фармойиши ҳамда буйруқларини, услугубий, меъёрий ва бошқа кўрсатма берувчи материалларни, корхонанинг техникавий жиҳатдан ривожланиш истиқболларини, ишлаб чиқариш технологияси асосларини ва қурилиш-монтаж ва таъмирлаш ишиларини олиб бориш усуllibарини, қурилиши туталланган объектларни қабул

қилиб олиш тартибини, бозор иқтисодиётини, ишлаб чиқаришни ва бошқаришни ташкил этиш асосларини, меңнат қонуулари асосларини, меңнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси ва ёнгинга қарши ҳимоя қойдалари ва мөттөрларини.

Малака талаблари: олий маълумотли мутахассис ҳамда қурилиш мутахассиси лавозимида ёки бошқа техникавий лавозимда камида З йиллик иш стажи, замонавий компьютер ва ҳисоблаш техникасида ишлай олиш.

МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ БҮЙИЧА МУТАХАССИС (ЭКСПЕДИТОР)

ХАЛ ва ИКК бўйича тартиб рақами	7643
КМСК бўйича код	3422
Ходимлар тоифаси	Мутахассис

Лавозим вазифалари. Корхона моддий-техникатоъминотининг истиқболдаги ва йил режалари лойиҳасини ишлаб чиқади, уларга ҳисоб-китоблар ва асослар тайёрлайди, тасдиқланган режаларни корхона бўлимларига ахборот учун етказиб беради. Бўлимларнинг ва бутун корхонанинг моддий ресурсларга мавжуд эҳтиёжини аниқлайди, моддий-техника таъминоти балансларини, хомашё, материаллар турлари бўйича йигма жадваллар тузади, уларни қоплаш имкониятларини қидириб топади. Бўлимларга моддий ресурслар бериш лимитларини ишлаб чиқади, улардан тўғри фойдаланишни назорат қиласи, белгиланган лимитларга риоя этилмаслик сабабларини аниқлайди. Мол етказиб берувчилар билан шартномалар лойиҳасини тайёрлайди, шартнома мажбуриятлари бузилган ҳолларда мол етказиб берувчиларга нисбатан эътиrozлар бўйича материаллар тайёрлайди. Мол етказиб берувчилар томонидан шартнома мажбуриятлари бажарилиши устидан, келиб тушаётган материалларнинг ва бошқа моддий ресурсларнинг миқдори ва сифати юзасидан назорат олиб боради. Моддий ресурсларнинг бир бўлимдан бошқаларига ўтишининг тезкор ҳисоб-китобини олиб боради. Ресурсларни тежаш бўйича ишларда қатнашади. Белгиланган ҳисоботни тузади.

Билиши лозим: моддий-техника таъминоти бўйича юқори ташкилотларнинг қарор, фармойиш ҳамда буйруқларини, услубий, меъёрий ва бошқа кўрсатма берувчи материалларни; ишлаб чиқариш иқтисодиётини, моддий-техникига таъминотининг истиқболдаги режаларини ишлаб чиқиш усулларини ва тартибини, амалдаги стандартларини, моддий-техникига таъминоти бўйича техникавий шартларни, истеъмол қилинадиган материаллар ва эҳтиёт қисмлар номенклатураси бўйича улгуржи нархлар прейскурентини, таъминот операцияларини тезкор ҳисобга олишни ташкил этишни ва ҳисббот тузиш тартибини, пахтага дастлабки ишлов бериш технологияси асосларини, ишлаб чиқаришни ва бошқаришни ташкил этиш асосларини, омборхона хўжалигини ташкил этишни, бозор иқтисодиёти ва меҳнат қонунлари асосларини, меҳнат муҳофазаси, техника ҳавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси ва ёнгинга қарши ҳимоя қоидалари ва меъёрларини.

Малака талаблари: олий маълумотли мутахассис ҳамда моддий техникига таъминоти бўйича техник лавозимида З йилдан кам бўлмаган иш стажи, замонавий компьютер ва ҳисоблапи техникасида ишлай олиш.

ТРАНСПОРТ БЎЙИЧА МУТАХАССИС

ХАЛ ва ИКК бўйича тартиб рақами	2368
КМСК бўйича код	2145
Ходимлар тоифаси	Мутахассис

Лавозим вазифалари. Ҳаракатланувчи таркиблар (автомобиллар, тракторлар, юклагичлар)нинг агрегатлари ва шиналарини, эҳтиёт қисмлар ва деталларини тайёрлаш ҳамда тиклашда техникавий хизмат кўрсатиш ва таъмирлашни бажаришга раҳбарлик қиласи. Транспортнинг техникавий ҳолатини назорат қиласи ва уни гараждан ишга чиқишини ташкил этади. Ҳайдовчиларнинг (трактор ҳайдовчиларининг) ишини назорат қиласи, зарур бўлган ҳолларда транспортга техникавий ёрдам кўрсатишни таъминлайди. Автомобилларни белгиланган муддатларга мувофиқ техникавий хизмат кўрсатиш учун жўнатилишини назорат қиласи. Ишлатиш учун келадиган транспорт воситаларини қабул қилиб олишни ташкил этади.

Ҳайдовчиларга (трактор ҳайдовчиларига) корхона йўриқномаси ўтказади, улар томонидан ишлаб чиқариш ва меҳнат интизомига риоя этилишини, йўл ҳаракати, меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги қоидаларининг риоя этилишини назорат қиласди.

Билиши лозим: ҳаракатланувчи таркибнинг тузилишини, вазифасини, конструкциясининг ўзига хос хусусиятларини, техник жиҳатдан ишлатиш кўрсаткичларини, бозор иқтисоди шароитида автотранспортнинг ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятига тегишли қоидаларни, йўриқномаларни, меъёрий ҳужжатларни ва бошқа кўрсатма берувчи материалларни; юкларни ташиш қоидаларини; меҳнат қонунлари асосларини, меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги ва ёнгинга қарши ҳимоя қоидалари ва меъёrlарини.

Малака талаблари: олий маълумот ҳамда транспорт соҳасида 2 йиллик иш стажи, замонавий компьютер ва ҳисоблаш техникасида ишлай олиш.

ФУҚАРО МУҲОФАЗАСИ БЎЙИЧА МУТАХАССИС

ХАЛ ва ИКК бўйича тартиб рақами	2272
КМСК бўйича код	2149
Ходимлар тоифаси	Бошқарув ва мутахассис

Лавозим вазифалари: Корхонанинг фуқароларни муҳофaza қилиш бўйича режаси ҳамда буйруқ, фармойиш, йўриқнома ва фуқароларнинг муҳофазаси билан bogliq бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқади. Корхона ходимларини фуқаролар муҳофазаси масаласи бўйича тайёрлашни ташкиллаштиради. Корхона обьектларида фуқаролар муҳофазаси ҳолатини мунтазам равища назорат қиласди. Корхона омборидаги шахсий ҳимоя, разведка ва дозиметрик назорат асбобларининг мавжудлигини ҳисобга олади. Корхонанинг таркибий бўлимларида фуқаролар муҳофазасининг тузилиши, гуруҳланиши ва тайёргарчиликни ташкиллаштиради. Корхона бўлимларида фуқаролар муҳофазаси ҳимоя қурилмаларининг сақланишини назорат қиласди, фуқаролар муҳофазаси масалалари бўйича янги ҳужжатлар, талаб ва кўрсатмалар билан корхона ходимларини ўз вақтида таништиради. Табиий ёки техноген тавсифдаги фавқулоддаги

вазият хавфи ҳақида сигнал олинганда раҳбариятни огоҳлантиради ва фуқаролар муҳофазаси ҳимоя қурилмаларини корхона шахсий таркибининг беркиниши учун тайёр ҳолатда туришини назорат қиласди. Корхона объектларида сақланаётган портловчи-ёнувчи моддаларнинг ҳолати устидан назоратни ташкиллаштиради. Фавқулодда вазият юзага келган шароитларда, маъмурий таълим доирасида фуқаролар муҳофазаси бўйича ўқишилар олиб борилганда:

- корхона комиссияси ишида қатнашади;
- комиссия ва ҳодимларни керакли ҳужжатлар билан таъминлади;
- объект ва корхона бўлимларидағи аҳвол ҳақида маълумот йигишини ташкиллаштиради;
- кутқарув ва тиклаш ишларини олиб бориш ҳақида қарор тайёрлайди;
- фуқаролар муҳофазаси бошқармасига аҳборот ва маълумотларни тақдим этади.

Фуқаролар муҳофазаси ва ёнгин хавфсизлиги бўйича команда-штаб ўқув машқларининг ўтказилишини режалаштиради ва ташкиллаштиради. Фуқаролар муҳофазаси ва фавқулодда вазиятлар масалалари бўйича илгор тажрибаларни тўплаш ва тарқатишни ташкиллаштиради. Корхонанинг ёнгин хавфсизлиги бўйича мутахассисининг иш фаолиятининг услугубини назорат қиласди. Ҳудуднинг радиоактив ва кимёвий зарарланиш ҳолати, фавқулодда вазиятларни бартараф этиш бўйича йўналтирилаётган куч ва воситалар тўгрисида фуқаролар муҳофазаси ва фавқулодда вазиятлар раҳбариятига бошқарув қарорини қабул қилиш учун маълумот йигиши ва умумлаштиришни ташкиллаштиради. Корхона ҳодимлари томонидан меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси, ёнгинга қарши муҳофаза қоидалари, маҳфийлик тартиби, хизмат, коммерция ва давлат сирларини сақлашни, конфиденциал характердаги маълумотларни фош этмаслик тартиб қоидаларининг бажарилишини таъминлади.

Билиши лозим: Фуқаролар муҳофазаси ва фавқулодда вазиятлар масаласи билан bogliq қарор, фармойиш, буйруқ ва бошқа кўрсатма берувчи услубий ҳамда меъёрий ҳужжатларни, корхонанинг фуқаролар муҳофазаси режаларини ва корхонанинг фаолият кўрсатишини мустаҳкамлигини

ошириш бўйича талабларни, ички меҳнат тартибини, корхона раҳбарияти, фуқаролар муҳофазаси ва фавқулодда вазиятлар тизимидағи фуқаролар ташкилоти ва бошқа ходимларни ўқитиши ташкиллаштиришни ва тайёrlаш услубиятини, меҳнат муҳофазаси, техника ҳавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси, ёнгинга қарши муҳофаза қоидалари, махфийлик тартиби, хизмат, коммерция ва давлат сирларини сақлашни, конфиденциал характердаги маълумотларни фош этмаслик тартиб қоидаларини.

Малака талаблари: олий маълумотли муҳандис-техник, махсус дастур бўйича тайёргарлиқдан ўтган бўлиши ва замонавий компьютер ва ҳисоблаш техникасида ишлай олишни билиши.

АТРОФ-МУХИТИН МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВА ЭКОЛОГИЯ БЎЙИЧА МУТАХАССИС

ХАЛ ва ИКК бўйича тартиб рақами	2319
КМСК бўйича код	2149
Ходимлар тоифаси	Мутахассис

Лавозим вазифалари. Корхонада ва унинг тузилма бўлимларида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича амалдаги қонунлар, йўриқномалар, қоидалар ва меъёрларнинг риоя этилишини назорат қиласди. Атроф-муҳит экологиясига зарар етказувчи оқова сувлар ва ишлаб чиқариш чиқинчиларининг зарарли ҳолда чиқарип ташланишининг олдини олиш ва ифлосланишига йўл қўймаслик бўйича тадбирлар ишлаб чиқади. Табиатни муҳофаза қилиш обьектларининг технологик режимларига амал қилинишини назорат қиласди, уларнинг ишлапини таҳлил қиласди, корхона атрофида табиатни муҳофаза қилиш қоидаларига амал қилинишини, атроф-муҳит экологияси ҳолатини назорат қилиб туради. Технологик регламентлар, таҳлилий назорат графиклари, паспортлар, йўриқномалар ва бошқа техникавий ҳужжатлар тузади. Асбоб-ускуналарнинг ҳолати атроф-муҳитни муҳофаза қилиш талабларига тўғри келишини текширишда иштирок этади. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича тадбирларнинг бажарилиши тўғрисида белгиланган ҳисботни тузади, корхонанинг бу соҳадаги фаолиятини текшириш бўйича тузилган комиссия ишида қатнашади.

Билиши лозим: атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунларини, юқори ташкилотларнинг қарор, фармойиш ҳамда бўйруқларини, услубий, меъёрий ва бошқа кўрсатма берувчи материалларни, корхонанинг ишлаб чиқариш ва ташкилий жиҳатдан тузилишини ва унинг ривожланиш истиқболларини, корхонанинг маҳсулот ишлаб чиқариш технологик жараёнларини ва тартибларини, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича белгиланган талабларга амал қилинишини назорат қилиш тартиби ва усулларини, корхона асбоб-ускуналарининг техник ҳолати атроф-муҳитни муҳофаза қилиш талабларига тўғри келишини назорат қилиш воситаларини, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланилишининг амалдаги меъёрлари ва қоидаларини; атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги хориж тажрибасини, меҳнат муҳофазаси, техника ҳавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси ва ёнгинга қарши ҳимоя қоидалари ва меъёрларини.

Малака талаблари: олий маълумотли мутахассис (олий техникавий маълумот) ҳамда мутахассислиги бўйича З йилдан кам бўлмаган иш стажи, замонавий компьютер ва ҳисоблаш техникасида ишлай олиш.

МЕЪЁРЛОВЧИ

ХАЛ ва ИКК бўйича тартиб рақами	4511
КМСК бўйича код	2149
Ходимлар тоифаси	Мутахассис

Лавозим вазифалари. Меҳнатни ташкил этишини ва меъёrlашни такомиллаштириш бўйича комплекс ишларни бажаради, меҳнатни ташкил этиш ва меъёrlаш ҳолатини ўрганади. Меҳнат бўйича тармоқлараро ва бошқа меъёrlардан фойдаланиш асосида корхонада бажариладиган турли хил ишлар бўйича, меҳнат сарфлари меъёrlарини ишлаб чиқади ва жорий этади. Технологик жараёнлардан четта чиқиш билан боғлиқ бўлган бир марталик ва қўшимча ишлар учун вақт (ишлаб чиқариш) меъёrlарини белгилайди. Аслида сарфланган вақтнинг меъёrdа кўзда тутилган вақтга тўғри келмаслиги даражаси ва сабабларини ўрганади. Амалдаги меҳнат сарфлари

меъёрларини таҳлил қиласи. Ишлаб чиқаришнинг ташкилий-техникавий шароитлари ўзгартган ҳолларда меҳнат сарфлари меъёрларини тўғрилаб туради.

Билиши лозим: меҳнатни ташкил этиш, меъёрлаш ва меҳнатга ҳақ тұлаш бүйича күрсатма берувчи ва меъёрий материалларни, иқтисодиётни ҳамда меҳнатни, ишлаб чиқариш ва бошқаришни ташкил этишни, тола ишлаб чиқариш технологияси асосларини, меҳнат жараёнларини лойиҳалашни, иш вақтидан фойдаланишини ўрганиш усулларини, ташкилий ва ҳисоблаш техникаси воситаларини, меҳнат қонунлари ва бозор иқтисодиёти асосларини, меҳнат мұхофазаси ва техника хавфсизлиги қоидалари ва меъёрларини.

Малака талаблари: олий маълумот ҳамда меҳнатни ташкил этиш ва меъёрлаш соҳасида 1 йилдан кам бўлмаган якка тартибда ўқиб-ўрганиш ишлари.

ИҚТИСОДЧИ

ХАЛ ва ИКК бўйича тартиб рақами	7635
КМСК бўйича код	2441
Ходимлар тоифаси	Мутахассис

Лавозим вазифалари. Ишлаб чиқаришнинг самараадорлигини оширишга қаратилган молия-иқтисодий фаолиятини ташкил қиласи. Корхонада пахта хомашёсини тайёрлаш, қайта ишлаш ҳужжатларини расмийлаштириш ишларида қатнашади. Ўзига қарашли ташкилий ишларни бажаради ва мувофиқлаштиради. Истиқболни белгилаш бўйича иқтисодий ҳисоб-китобларни амалга оширади, молия-иқтисод фаолиятини, ҳисоб-китоб ва таҳлил қилиш учун замонавий техника воситалардан фойдаланиш бўйича мақсадга мувофиқ ҳисоб-китоб ва ҳисобот ҳужжатлари шаклларини ишлаб чиқишини ташкил қиласи. Иш ҳақи фондини ва ишчилар сонини ҳисоблаб чиқади, иш кучига эктиёжни аниқлашади. Иш ҳақи ва моддий рагбатлантириш тизимлари ва шаклларини қўллашнинг самараадорлигини ўрганади. Корхонада иқтисодий курсаткичларни ҳисобга олишни ва таҳлил қилишни таъминлади. Ходимларнинг иқтисодий билимлари даражасини ошириш бўйича ишларни ташкил этади. Штатларни ҳисоблаб чиқади, штат жадвалини

тузади. Мукофот бериш тўгрисида низомнинг бажарилишини тъминлайди, мукофотларни қўшиб ҳисоблаш учун буйруқлар лойиҳасини тузиб чиқади. Меҳнатга ҳақ тўлашни, моддий ва маънавий рағбатлантириши таомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади. Барча иқтисодий кўрсаткичлар бўйича таҳдиллар сифатли ва ўз вақтида бажарилиши учун жавоб беради, буйруқларни ўз вақтида ва сифатли тузади.

Билиши лозим: меҳнатни ташкил этиш, иш ҳақи ва молия ишлари бўйича юқори ташкилотларнинг қарор, фармойиши ва буйруқларини, услубий, меъёрий ҳужжатларни, ишлаб чиқариш иқтисодиётини, ҳисоботлар тузиш тартибини, айланма маблагларни меъёрга солишини, ишларни ва ишчиларни тарификациядан ўtkазиш ва уларга ягона тариф сеткаси (ЯТС) бўйича тегишли разрядлар белгилаш, қўшимча тўловлар ва устама ҳақ тўлаш тартибини, меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси ва ёнгинга қарши ҳимоя қоидалари ва меъёrlарини.

Малака талаблари. Олий иқтисодий ёки муҳандислик-иқтисодиёти маълумотига эга мутахассис ҳамда мутахассислиги бўйича З йилдан кам бўлмаган иш стажи.

ИЖРО НАЗОРАТИ БЎЙИЧА НОЗИР

ХАЛ ва ИКК бўйича тартиб рақами	2500
КМСК бўйича код	3431
Ходимлар тоифаси	Мутахассис

Лавозим вазифалари. Корхонага кирим қилинган Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари, фармойишлари топшириқлари, ҳукумат қарор, баён ва топшириқлари, соҳа юқори органлари қарор ва буйруқлари ва бошқа корхона ташкилотларнинг хатларини ўрганиб чиқиб, раҳбар топшириқномаси (резолюцияси) лойиҳасини тайёрлайди ва ҳужжатларни раҳбарга тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган (2009 йил 30 августдаги 11-10-сонли) Тартибга асосан Президент қарор ва фармойишларига (1б-назорат карточкаси) ва Вазирлар Маҳкамасининг қарор, баён ва топшириқларига 2б-назорат карточкаларини тайёрлаб, қарор ва

фармойишларга асосан бошқарув қарори ёки буйрганинг белгиланган муддатларда ишлаб чиқилишини назоратта олади;

Хукумат қарорлари ижроси бўйича чиқарилган жамият бошқаруви раисининг буйруқлари, чора-тадбирлар ёки бошқарув қарорларига Зб-назорат карточкасини тузади ва уларни юритиш орқали ижросини назоратга олади;

Президент фармон ва қарорлари, хукумат қарор ва баён қарорлари ижроси юзасидан мониторинг юритади. Корхона раҳбар, мутахассис-ходимлари томонидан Президент қарор ва фармойишлари, топшириқлари, ҳукумат қарор, баён ва топшириқлари, бошқарув қарорлари ва буйруқларининг бажарилишини, бажарилиши таъминланган буйруқларнинг билдиришномалар киритилиб, назоратдан чиқарилишини назорат қиласди.

Юқори ташкилотлар ("Ўзпахтасаноат" уюшмаси ва бирлашма) қарор, буйруқ ва топшириқларининг бажарилишини, талаб этилган ҳолларда ўз вақтида жавоблар юборилишини назорат қиласди.

Жамиятта фуқаролардан тушган мурожаатлар, ариза ва шикоятларнинг кўриб чиқилиши ва қонунда белгиланган муддатларда ариза муаллифига жавоб қайтарилишини ташкил ва назорат қиласди;

Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 28 августдаги 11-10-сонли топшириғига асосан жамиятда ҳукумат қарорларининг бажарилиши ва ижро интизомининг ҳолати тўгрисида 1- ва 2-жадвалларга асосан ҳар ойлик ҳисботларни тайёрлайди, жамият раисига ва бирлашмага тақдим қиласди;

Ҳар йили, йил бошида девонхонада сақланадиган ҳужжатлар йигма жилди номенклатурасини тузади, иш юритувчи томонидан ҳужжатларнинг журналда қайд этилиши ва белгиланган тартибда жилдларга тикилиб борилиши ва сақланишини назорат қиласди.

Билиши лозим: Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукуматининг ижро интизомига оид қарор ва кўрсатмаларини, ҳужжатлар билан ишлаш, ижро интизомини юритиш бўйича тартиб-қоидаларни, иш юритиш услублари, қоида ва йўриқномаларини.

Малака талаблари. Олий маълумот, иш юритиш бўйича камидан 1 йилдан кам бўлмаган иш стажи, компьютерда ҳамда "Девонхона" компьютер дастурида ва электрон ҳужжат айланиси тизимида ишлай олиш.

ХИЗМАТЧИЛАР

ИШ ЮРИТУВЧИ

ХАЛ ва ИКК бўйича тартиб рақами	2441
КМСК бўйича код	4115
Ходимлар тоифаси	Техник

Лавозим вазифалари. Канцелярия ишларини олиб боради. Келиб тушаётган хат ва аризаларни қабул қилиб олади, шунингдек журналда ва компьютер дастурида рўйхатдан ўтказади, раҳбар резолюциясига мувофиқ уларни тузилма бўлимларига йўллайди. Корхона раҳбарининг қарорига асосан ҳужжатларни ижро этиш учун топширади, рўйхатга олиш картасини расмийлаштиради, ҳужжатлар бир бўлимдан иккинчи бўлимга ўтишини ҳисобга олиш карточкасини юритади, уларнинг бажарилиши устидан назорат олиб боради, рўйхатга олинган ҳужжатлар бўйича маълумотлар беради. Ижро этилган, ҳужжатларни тегишли манзилгоҳларга жўнатади. Келиб тушаётган ва жўнатилаётган хат-хабарларнинг ҳисобини олиб боради, тартибга солади ва жорий архив ҳужжатларини сақладайди. Иш юритилиши тутгалланган ҳужжат материалларини ва рўйхатга олиш картотекасини тайёрлайди ва корхона архивига топширади. Бўлимдан бўлимга ўтадиган ҳужжатларнинг бут сақланиб қолишини таъминлади.

Билиши лозим: иш юритиш бўйича ҳукumat қарорлари, қоидалар ва давлат ятона иш юритиш тизимининг асосий қоидаларини, ташкилий-фармойиш берувчи ҳужжатлар тизимининг унификация қилинган стандартларини, корхона ва унинг бўлимлари тузилмаларини, хизмат ҳужжатларнинг бир бўлимдан бошқасига ўтишини назорат қилиш тартибини, меҳнат муҳофазаси, техника ҳаёфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси ва ёнгинга қарши ҳимоя қоидалари ва меъёrlарини.

Малака талаблари: ўрта маҳсус маълумот ҳамда 5 ойдан кам бўлмаган якка тартибда ўқиб ўрганиш ишлари, компьютерда ишлай олиш.

КОТИБА

ХАЛ ва ИКК бўйича тартиб рақами	6494
КМСК бўйича код	4115
Ходимлар тоифаси	Техник

Лавозим вазифалари: Корхона ёки унинг бўлимлари раҳбарларининг ишларини таъминлаш ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича техник функцияларни бажаради. Раҳбар учун бўлим ёки ижрочилардан маълумотлар йигади, раҳбарнинг топшириги бўйича ходимларни ҷақиради. Раҳбарнинг телефон орқали сўзлашувини ташкиллаштиради, телефонограммаларни жунатади ва қабул қилиб олади. Раҳбар йўқлигига тушган хабарларни қабул қилиб олади ва уларнинг мазмунини раҳбарга етказади. Раҳбар томонидан ўтказиладиган мажлис ва йигилишларга тайёргарлик кўради (керакли материалларни йигиш, қатнашчиларни мажлис ўтказиладиган жой, вақти ва кун тартиби ҳақида хабардор қиласи, рўйхатдан ўтказади). Корхона раҳбарини канцелярия моллари билан таъминлайди, унинг самарали ишлаши учун қулай шароит яратади. Раҳбарнинг топшириги бўйича турли материалларни чоп этади. Раҳбар юномига келган корреспонденцияларни қабул қиласи ва корхона тартибига мувофиқ равишда уларни тизимлаштиради, раҳбар томонидан кўриб чиқилган ҳужжат ва материалларни иш юритувчига топширади. Раҳбар имзолаши керак бўлган ҳужжатлар ва ходимларнинг шахсий аризаларини қабул қиласи. Ташириф буюрувчилар қабулини хушмуомалалик ва сергаклик билан ташкиллаштиради. Ходимларнинг илтимослари ва таклифларини тезкор ҳал этилишида ҳамкорлик қиласи.

Билиши лозим: иш юритиш бўйича низом ва йўриқномаларни, корхонанинг бошқарув таркиби ва бўлимларини, замонавий компьютер техникаси билан ишлашни, имло қоидаларини, расмий шаклларда ҳужжатларни чоп этиш қоидаларини, овоз ёзиш қурилмаларидан фойдаланишини, қабул қилиш-сўзлашув аппаратларидан фойдаланиш қоидаларини, ички меҳнат тартиби қоидаларини, меҳнатни илмий ташкиллаштириш асосларини, меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси ва ёнгинга қарши муҳофаза қоидалари ва меъёrlарини.

Малака талаблари: ўрта маҳсус маълумот ва белгиланган дастур бўйича маҳсус тайёргарлик, замонавий компьютер ва ҳисоблаш техникасида ишлай олиш.

ГАЗНАЧИ-ҲИСОБЧИ (КАССИР)

ХАЛ ва ИКК бўйича тартиб рақами	2700
КМСК бўйича код	4212
Ходимлар тоифаси	Техник

Лавозим вазифалари. Пул маблаглари ва қимматбаҳо қоғозларни қабул қилиб олиш, ҳисобга олиш, бериш ва сақлаш бўйича операцияларни қоидаларга албатта риоя эттан ҳолда, уларнинг сақланишини таъминлаб бажаради. Белгиланган тартибга мувофиқ расмийлаштирилган ҳужжатлар бўйича ишчи ва хизматчиларга иш ҳақи, мукофотлар бериш, сафар, меҳнат таътили ва бошқа ҳарожатларни тулаш учун банк муассасаларидан пул маблаглари ва қимматбаҳо қоғозлар олади. Кирим ва чиқим ҳужжатлари асосида касса дафтарини юритади, пул маблаглари суммаси ва қимматбаҳо қоғозларнинг ҳақиқий жиҳатдан мавжудлигини дафтардаги қолдиқлар билан солиштириб кўради, касса ҳисботини тузади.

Билиши лозим: касса операцияларини бажариш бўйича қоидаларни, йўриқномаларни, кўрсатма берувчи ва бошқа меъёрий ҳужжатларни, касса ва банк ҳужжатлари шаклларини, пул маблагларини ва қимматбаҳо қоғозларни қабул қилиб олиш, бериш, қабул қилиш ва сақлаш қоидаларини, кирим ва чиқим ҳужжатларини расмийлаштириш тартибини, банк томонидан корхоналар учун белгиланган кассадаги нақд қолдиқлар лимитини, уларни бут сақлаш қоидаларини, касса дафтарини тутиш, касса ҳисботини тузиш тартибини, пластик карточкалар билан ишлаш тартибини, ҳисоблаш техникасини ишлатиш қоидаларини, меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси ва ёнгинга қарши ҳимоя қоидалари ва меъёрларини.

Малака талаблари: ўрта маҳсус маълумот ҳамда 5 ойдан кам бўлмаган муддатда якка тартибда ўқиб ўрганиш ишлари, замонавий компьютер ва ҳисоблаш техникасида ишлай олиш.

КОМПЬЮТЕР ОПЕРАТОРИ

ХАЛ ва ИКК бўйича тартиб раками	4775
КМСК бўйича код	4114
Ходимлар тоифаси	Техник

Ишларнинг тавсифномаси. Корхонанинг иш жараёнида зарур буладиган ҳужжатларни компьютерда техник жиҳатдан тайёрлаб беради. Ксерокса ҳужжат ва материаллардан нусха кўчиради. Орфография ва имло тартибларига, шунингдек ташкилий-тарқатма ҳужжатларни расмийлаштириш стандартларига риоя қилган ҳолда турли матнларни теради. Электрон почта билан боғлиқ ишларни бажаради, корхонага келадиган электрон хатларни қабул қиласди ва жўнатиладиган хат ва маълумотларнинг ўз вақтида амалга оширилишини назорат қиласди. Керакли материалларни чоп қиласди ва тизимлаштиради. Компьютер базасига корхона учун керакли турли ахборот ва маълумотларни киритади. Компьютер ва нусха кўчириш техникасининг ҳолатини назорат қиласди. Ишлаб чиқариш жараёнига бевосита зарур материалларни сотиб олиш ҳақида раҳбариятни ўз вақтида огоҳлантиради. Ўзининг касбий йўналиши бўйича корхона ходимларига компьютерда ишлаш, компьютер дастурларидан фойдаланиш бўйича ёрдам беради, уларнинг сўровларига уз вақтида жавоб беради, талаб қилинаётган маълумотни тўла ҳажмда тақдим этади. Электрон ахборот тизимини ташкил этиш бўйича ҳукумат қарорлари, раҳбарият буйруқ ва топшириқларини бажаришни таъминлайди. Топшириқ ва вазифаларни белгиланган муддатларда бажарилишига қатъий амал қиласди. Хизмат сирларини сақлайди.

Билиши лозим. ЭҲМ операторининг ишини мувофиқлаштирувчи буйруқ, фармойиш, йўриқнома ва бошқа меъёрий ҳамда кўрсатма берувчи материалларни, ЭҲМ ва ксерокси ишлатиш ҳамда хизмат кўрсатишни, ҳужжатларни, шунингдек расмий шакллардан фойдаланилган ҳолда иш ҳужжатларини ёзиш ва тўлдириш қоидаларини, орфография ва имло қоидаларини, иш юритиш тартибларини, дастурлашни таъминлашни (Windows, Microsoft Office ва бошқалар билан ишлаш), ҳисоблаштехникаси, коммуникация ва алоқа воситаларини, меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси ва ёнгинга қарши ҳимоя қоидаларини.

Малака талаблари: маҳсус олий ёки ўрта маҳсус маълумот, компьютерлаштириш бўйича алоҳида тайёргарликдан ўтган бўлиши лозим.

ТАБЕЛЧИ-ҲИСОБЧИ

ХАЛ ва ИКК бўйича тартиб рақами	6996
КМСК бўйича код	4121
Ходимлар тоифаси	Техник

Лавозим вазифалари. Ишчи ва хизматчиларнинг корхонада бўлишининг ҳақиқий вақтини аниқлаш мақсадида табел ҳисобкитоби олиб боради, уларнинг ўз вақтида ишга келишини ва ишдан кетишини, иш жойида бўлишини назорат қилади. Табеда тегишли белгилар қўйиб чиқади ва ҳар куни ишга келишлар, кечикишлар ва келмаганликлар тўғрисида уларнинг сабаблари кўрсатилган ҳолда билдирги (маълумот)лар тузади, ишловчиларнинг рўйхатдаги таркибининг ҳисоб-китобини олиб боради, корхона ходимларининг ишга қабул қилинишини расмийлаштириш, ишдан ишга кўчириш, бўшатиш, меҳнат таътили бериш ва ҳоказо билан боғлиқ бўлган ўзгартишларни мунтазам равишда киритиб боради. Ходимлар томонидан вақтингачалик ишга қобилиятсизлик тўғрисидаги варақаларни, уларнинг ишда бўлмаслик ҳукуқларини тасдиқловчи касалга қараб туриш тўғрисидаги маълумотлар ва бошқа ҳужжатлар ўз вақтида топширилишини назорат қилади. Белгиланган тартибда ишланган вақт, хизмат вақтидан ташқари иш вақти, меҳнат интизоми бузилганлиги тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олувчи табелни тузади.

Билиши лозим: табел ҳисоб-китобини олиб бориш ва қоидаларни, йўриқномаларни ва бошқа кўрсатма берувчи материалларни ҳамда меъёрий ҳужжатларни, корхонадаги ва унинг бўлимларидағи ишнинг смена графигини ва иш вақти тартибини, иш юритишни ташкил этишни, ички меҳнат тартиби қоидаларини, меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси ва ёнгинга қарши ҳимоя қоидалари ва меъёрларини.

Малака талаблари: ўрта маҳсус маълумот, 1 сайдан кам бўлмаган муддатда якка тартибда ўқиб ўрганиш ишлари.

**ПАХТА ТОЗАЛАШ КОРХОНАЛАРИ ВА ТАЙЁРЛОВ
МАСКАНЛАРИНИНГ ИШЛАРИ ВА ИШЧИ КАСБЛАРИ
ТАРИФ-МАЛАКА МАЪЛУМОТНОМАСИ
АСОСИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БЎЙИЧА
ИШЧИЛАРНИНГ КАСБЛАРИ**

УМУМИЙ КАСБЛАР

ТАРОЗИБОН

ХАЛ ва ИКК бўйича тартиб рақами	852
КМСК бўйича код	9322
Ходимлар тоифаси	Ишлаб чиқариш

З-разрядли

Ишларнинг тавсифномаси.

Пахта толаси тойи ва бошқа пахта маҳсулотларини, ҳамда турли юкларни юқ, электрон, автомат ва автомобил тарозиларида тортиш натижасида аниқланган маълумотларни қайд қилиш дафтарига ёзиб қўйиш, илова қилинадиган ҳужжатларни белгиланган тартибга мувофик, расмийлаштириш.

Билиши лозим: турли маркадаги ва турли вазифалар учун мўлжалланган тарозиларнинг тузилиши ва фойдаланиш қоидаларини, тарозиларни созланиш ва ростлаш асосларини, тарозиларни тўғрилашни ва тарозиларни давлат текширувига топшириш ва қабул қилиш қоидаларини.

Малака талаблари: иш стажи талаб этилмайди ва ўрта умумий маълумот.

КИМЁВИЙ ЭРИТМАЛАР ТАЙЁРЛОВЧИ

ХАЛ ва ИКК бўйича тартиб рақами	1902
КМСК бўйича код	8229
Ходимлар тоифаси	Ишлаб чиқариш

Ишларнинг тавсифномаси. Уруглик пахта чигитини дорилаш учун берилган рецепталрга (хусусиятларга) ва

техникавий шартларга мувофиқ кимёвий эритмалар тайёрлаш. Эритмаларнинг сифатини текшириб кўриш. Эритмаларнинг берилган меъёрда ишлатилишини кузатиб туриш. Эритмаларнинг зарур ҳароратини, сатжини ва концентрациясини сақлаб туриш. Аппаратлар, асбоблар, идишлар, тўкиши қурилмаларининг ҳолатини назорат қилиш. Эритмалар ва чигитларни кимёвий таҳдил қилиш учун намуна ажратиб олиш ва уларни лабораторияга топшириш. Эритмалар тайёрлаш учун омборхонадан кимёвий препаратлар олиш ҳамда уларнинг тўгри сақланиши ва ҳисобга олинишини таъминлаш. Идишларни вақти-вақти билан ювиб тозалаб туриш ва алоҳида хоналарда сақлаш.

Билиши лозим: эритмалар тайёрлаш учун ишлатиладиган кимёвий материалларнинг вазифалари ва уларнинг сифатига қўйиладиган талабларни, кимёвий эритмалар тайёрлашнинг рецептурасини ва техникавий шароитларини, кимёвий моддалар сарфлаш меъёrlарини, кимёвий эритмалар тайёрлаш учун зарур механизм ва мосламаларнинг тузилишини, эритманинг техникавий шартлар ва рецептурага мос келишини таҳдил қилиш учун намуналар олиш қоидалари ва меъёrlарини, кимёвий материалларни сақлаш ва ҳисобга олиш тартибини, меҳнат мухофазаси, техника хавфсизлиги, корхона ишлаб чиқариш санитарияси ва ёнгинга қарши ҳимоя қоидалари ва меъёrlарини, шахсий ҳимоя воситаларини.

Малака талаблари. Мутахассислиги бўйича ўрта маҳсус маълумот, иш стажи камида 2 йил бўлиши лозим.

ХОМАШЁ УЗАТУВЧИ

ХАЛ ва ИКК бўйича тартиб рақами	1921
КМСК бўйича код	8269
Ходимлар тоифаси	Ишлаб чиқариш

2-разрядли

Ишларнинг тавсифномаси. Паҳтани қўл билан пневмотранспортёр қувурига ёки бункернинг хомашё камераларидан транспортёрга, таъминлагичга юклаш (узатиш). Ускунанинг технологик жараён билан берилган иш унумини таъминлайдиган

миқдорда пахтани пневмотранспортёр қувурига бир меъёрда бериш. Қувур, транспортёр ва таъминлагич-бункерларнинг тиқилиб қолган жойларини кераклигicha бартараф этиш. Қувур, транспортёр, таъминлагич-бункер, сепаратор ва бошқа ускуналарни профилактик артиб тозалаш ишларида қатнашиш.

Билиши лозим: пневмотранспортёрнинг вазифаси ва тузилишини, пневмотранспортёр ёки транспортёрга хомашё бериш тартибини, пахта билан муомалада бўлиш қоидаларини, пневмотранспортёрнинг ёки пахта етказиб берувчи транспортёрнинг вазифаси ва ишлаш принципини, ўрнатилган сигнализациянинг ишланини, меҳнат муҳофазаси, техника ҳафсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси ва ёнгинга қарши муҳофаза қоидалари ва меъёrlарини.

Малака талаблари. Ўрта маҳсус маълумот. Иш стажи талаб этилмайди.

ХОМАШЁ УЗАТУВЧИ

ҲАЛ ва ИКК бўйича тартиб рақами	1921
КМСК бўйича код	8269
Ходимлар тоифаси	Ишлаб чиқариш

3-разрядли

Ишларнинг тавсифномаси. Пахтани дастлабки титиши, ифлосланган пахта ва бегона нарсаларни чиқариб ташлаш, пахтани омборлардан, гарамлардан, бостирмалардан пневмотранспорт ёки транспортёрга юклаш. Ортиқча намлик ва ифлосликка эга хомашёни ажратиб олиш ва четлатиш орқали хомашёни машина ва механизmlарга бир текис, узлуксиз ва баб-баравар берилишини бетўхтов шакллантиришни таъминлаш. Хом-ашёни тақсимлаш ёки таъминлагич транспортларида бир текис қилиб тақсимлаш. Пневмотранспорт қувурларини узайтириш ва ўринларини алмаштириш. Таъминлагичнинг ишланини кузатиб туриш, юк ортиши ва тушириш агрегати ва транспортёрга хизмат кўрсатиши. Ускуналарнинг ишлашида сезилган нуқсонларни бартараф этиш. Хизмат кўрсатилаётган ускуналарда тиқилиб қолишларни бартараф этишда қатнашиш.

Билиши лозим: Пахтани машина ва механизмларга узатиши қоидаларини, хомашёнинг асосий сифат белгиларини, ишлаб чиқариладиган маҳсулот сифатига қўйиладиган талабларни, турли хоссага эга хомашёга ишлов беришнинг технологик тартибини, хизмат кўрсатиладиган машина ва механизмларнинг тузилиши ва ишлатиш қоидаларини, меҳнат муҳофазаси, техника ҳавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси ва ёнгинга қарши ҳимоя қоидаларини.

Малака талаблари. Ўрта маҳсус маълумот. Иш стажи талаб этилмайди.

ХОМАШЁ УЗАТУВЧИ

ХАЛ ва ИКК бўйича тартиб рақами	1921
КМСК бўйича код	8269
Ходимлар тоифаси	Ишлаб чиқариш

4-разрядли

Ишларнинг тавсифномаси. Технологик жараённи мустақил бошқариш. Пахтани пневмотранспортга ёки лентали кўчма транспортёрга бузгич-таъминлагич ёрдамида юклаш. Хомашё қатлами қалинлигини, ишлов берилаётган хомашёнинг сифатини ҳисобга олган ҳолда, унинг технологик хусусиятлари, бузгич-таъминлагич ва кучма транспортёрининг ишлаш тартибига боғлиқ ҳолда ростлаб туриш. Хизмат кўрсатилаётган асбоб-ускуналарнинг ишлашини кузатиб туриш ва тиқилиб қолишларни бартараф этиш. Ўзидан пастроқ малакага эга юкловчиларнинг ишларига бошчилик қилиш.

Билиши лозим: Машина ва механизмларга пахта юклаш қоидаларини, бузгич-таъминлагичнинг тузилишини, пахтани тақсимловчи қурилманинг тузилишини ва пахта узатувчи ускуналарни созлаш ва ростлаш қоидаларини. Меҳнат муҳофазаси, техника ҳавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси ва ёнгинга қарши ҳимоя қоидаларини.

Малака талаблари. Ўрта маҳсус маълумот. Иш стажи талаб этилмайди.

ТОЙ ТИКУВЧИ

ХАЛ ва ИКК бўйича тартиб рақами	2081
КМСК бўйича код	9322
Ходимлар тоифаси	Ишлаб чиқариш

3-разрядли

Ишларнинг тавсифномаси. Материални, тикув ипини тайёрлаш. Тола, момиқ ёки толали чиқиндишлар тойини, давлат стандартлари талаблари ва техникавий шартларга мувофиқ тикиш ва тарозида тортиш учун узатиш.

Билиши лозим: тойларни тикиш бўйича давлат стандартлари ва техникавий шартлар талабларини.

Малака талаблари. Ўрта умумий маълумот. Иш стажи талаб этилмайди.

ТЕХНОЛОГИК УСКУНАЛАРНИ (ЖИН ВА ЛИНТЕР) СОЗЛОВЧИ

ХАЛ ва ИКК бўйича тартиб рақами	4189
КМСК бўйича код	7233
Ходимлар тоифаси	Хизмат кўрсатиш ходими

4-разрядли

Ишларнинг тавсифномаси. Пахта толаси ва момиқ ишлаб чиқариш бўйича жин ва линтерларни созлаш ҳамда жорий таъмирлаш, пахта толаси ишлаб чиқариш тизимишга кирувчи агрегатлар, машина ва механизmlар, асбоб-ускуналар, пневмотранспортнинг барча ишчи органларида созлик ҳолатини кўздан кечириш ва уларнинг белгиланган иш тартибларини таъминлаш. Агрегатва машиналарнинг гайрим қисм ва узелларини алмаштириш. Ускуналарнинг ишлашини тўгрилаб туриш, зарур бўлган ҳолларда, ишга яроқсиз бўлиб қолган понасимон тасмаларини алмаштириш. Ускуна ва механизmlарни созлаш технологик жараёнларида давлат ва тармоқ стандартларини ҳисобга олган ҳодда риоя қилиш. Созланган ускунани уста (смена бошлигига) ёки бевосита операторнинг ўзига топшириш.

Билиши лозим: хизмат кўрсатилаётган асбоб-ускуналарнинг тузилиши ва созлаш усулларини, пахтага ишлов бериш технологик жараёнларини, машина ва агрегатларнинг ишлаш тартибини, ишланаётган хомашёнинг хусусиятларига қараб, машиналар ишчи органларининг оралиги ва тортилиб чўзиладиган (разводка) меъёрини, ускуна ишлашида пайдо бўлган носозликларнинг олдини олиш ва бартараф этиш усулларини ҳамда тиқилиб қолишларга барҳам беришни, хизмат кўрсатилаётган асбоб-ускуналарни профилактик кўздан кечириш ва таъмиглаш графикларини, таъмиглаш ва созлаш ишларида қўлланиладиган эҳтиёт қисмларга тааллуқли давлат ва тармоқ стандартларини, уларнинг физик-механик хусусиятлари, айrim деталь ва узелларнинг энг кўп ишлатиш даврини, меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги ва ишлаб чиқариш санитарияси қоидлари ва меъёрларини.

Малака талаблари. Мутахассислиги бўйича ўрта маҳсус маълумот. Технологик ускуналарни созловчи касби бўйича 2 йиллик иш стажига эга бўлиш керак.

ТЕХНОЛОГИК УСКУНАЛАРНИ (ЖИН ВА ЛИНТЕР) СОЗЛОВЧИ

ХАЛ ва ИКК бўйича тартиб рақами	4189
КМСК бўйича код	7233
Ходимлар тоифаси	Хизмат кўрсатиш ходими

5-разрядли

Ишларнинг тавсифномаси. Пахта толаси, момиқ ва бошقا пахта маҳсулоти ишлаб чиқариш бўйича аррали ва гўлали жинларни созлаш ҳамда жорий таъмилаш, ишлов берилаёттан хомашёнинг намлиги ва морфологик хусусиятларига боғлиқ ҳолда хомашёга ишлов бериш учун белгиланган тартибни, ускуналар ва пневмотранспорт тизимининг тўхтовсиз ишлashingни таъминлаш, ускуналарнинг ишлашидаги носозликларни бартараф этиш. Ишдан чиқсан айrim деталь ва узелларни алмаштириш. Ўзидан пастроқ малакага эга созловчиларнинг ишига бошчилик қилиши, уларга иш ўргатиш.

Билиши лозим: хизмат кўрсатиладиган ускунанинг тузилишини, уларни созлаш ва тўғрилаш усулларини, назорат ва тортиш-ўлчаш асбобларини ҳамда толага ишлов бериш жараёнини созлаш воситаларининг тузилишини ва ишлатиш қоидаларини, хомашёга ишлов бериш технологик жараёнини ва тартибини, бутун технологик занжир бўйича ишлаб чиқариладиган маҳсулотга қўлланиладиган давлат ва тармоқ стандартларини, машина ва агрегатлар деталларининг техник-механик хусусиятларини, уларнинг сифатини тегишли асбоблар ёрдамида текшириб кўришни, меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги ва ишлаб чиқариш санитарияси қоидалари ҳамда мөъёrlарини.

Малака талаблари. Мутахассислиги бўйича ўрта маҳсус маълумот. Технологик ускуналарни созловчи касби бўйича 2 йиллик иш стажига эга бўлиш керак.

ҚУРИТИШ-ТОЗАЛАШ УСКУНАЛАРИНИ СОЗЛОВЧИ

ХАЛ ва ИКК бўйича тартиб рақами	4189
КМСК бўйича код	7233
Ходимлар тоифаси	Хизмат кўрсатиш ходими

5-разрядли

Ишларнинг тавсифномаси. Қуритиш-тозалаш ускуналарига хизмат кўрсатиш ва созлаш ишларини олиб бориш. Хизмат кўрсатадиган асбоб-ускуналарнинг тўғри ишлашини кўздан кечириб туриш ва уни пахта намлигига қараб тегишли иш унумдорлиги ва қуритиш тартибига мослаш, тозалаш самарадорлиги, ишчи органларнинг (таъминлагич, гўлаларнинг, чигит барабанларнинг ва бошқаларнинг) айланиш тезлигини, майдаловчи ва тўр орасидаги, аррасимон барабан тишлари учлари ва колосниклар орасидаги аррасимон ва олинадиган барабан орасидаги чўзишишлар ва оралиқларни назорат қилиб туриш.

Билиши лозим: қуритиш-тозалаш ускуналарининг тузилишини, ишлатиш ва созлаш қоидаларини, қуритиш-тозалаш технологик жараёнининг иш тартибини белгилаш, ускуналарни

мұлжалланған иш унумдорлиги ва маҳсулот сифатига тұтрылаб ростлаш усуларини, шунингдек, 1 тонна пахтани қуритиш учун сарфланадиган ёқилғи мөжіларини. Мәжнат мұхофазаси, техника хавфсизлігі ва ишлаб чиқариш санитарияси қоидалари ва мөжіларини.

Малака талаблари. Мутахассислігі бүйічә үрта маҳсус маълумот. Технологик ускуналарни сөзловчи касби бүйічә 2 йиллик иш стажига эга бўлиш керак.

ПРЕССЛОВЧИ

ХАЛ ва ИКК бүйічә тартиб рақами	5624
КМСК бүйічә код	7431
Ходимлар тоифаси	Ишлаб чиқариш ходими

2-разряды

Ишларнинг тавсифномаси. Пахта толасини пресслашдан ёки момиқни механик усулда шиббалашдан аввал дастлабки зичлаш. Пресс камераларини тола ёки момиқ билан тұлдириши. Шиббалаш ишларини бошқариш. Шиббалантган тола ёки момиқ вазнини аниқловчи назорат асбоблари ишини күздан кечириб туриш. Конденсордаги тиқилиб қолишлар ва шиббалаш ишидаги техник носозликларни бартараф қилиш, уни таъмирлашда қатнашиш. Тола ва момиқнинг ифлосланиши (ёғ тегиб дөг булиши) зəтимоллигини ва унга бегона нарсалар тушишини бартараф этиш. Тола ва бошқа пахта маҳсулотларини пресслаш пайтида тармоқ стандартлари ва техникавий шартларга риоя қилиш.

Билиши әозим: пресс қурилмасининг вазифаси, тузилиши ва ишлеш принципини; шу типдаги механик шиббалаш учун белгиланған прессланувчи маҳсулот турлари бүйічә тойлар вазнини; прессланадиган маҳсулот учун техникавий шартларни; мәжнат мұхофазаси, техника хавфсизлігі, ишлаб чиқариш санитарияси ва ёнгинга қарши ҳимоя қоидалари ва мөжіларини.

Малака талаблари. Үрта маҳсус маълумот. Прессловчи касби бүйічә 2 йиллик иш стажига эга бўлиш керак.

ПРЕССЛОВЧИ

ХАЛ ва ИКК бўйича тартиб рақами	5624
КМСК бўйича код	7431
Ходимлар тоифаси	Ишлаб чиқариш ходими

3-разрядли

Ишларнинг тавсифномаси. Юқорироқ малакага эга прессловчи бошчилигида гидравлик прессларда белгиланган габаритда ва вазнда пахта толаси ва бошқа пахта маҳсулотларини тойларга пресслаш. Гидравлик шиббалаш қурилмасида пахта толаси ёки момигини пресслашдан аввал дастлабки зичлаш. Тола ва чиқиндишларни прессга жойлаш ва пресс камерасига тахлашни қабул қилинган схема бўйича амалга ошириш. Ураш ва боглаш материалларини тайёрлаш. Упаковкани прессга киритиш, уларни давлат ва техникавий шартлар талабларига мувофиқ боглаш, тойларни ташиш. Телфер ёки электр юклагич ёрдамида белгиланган жойга транспортёрга ёки тахламларга жойлаштириб ташиш. Пресс, унинг узатмалари, гидронасос назорат қилювчи асбобларнинг созлигини текшириш. Пресс ва конденсорларнинг, тойларни кўтарувчи механизмларнинг ишлашидаги техникавий носозликларни бартараф этиш. Пресслар ва бошқа хизмат кўрсатиладиган механизмларнинг узелларини жорий таъмирлаш, ишлашини ростлаш. Таасиқланган технологик жараёнга мувофиқ пресслашнинг барча тартибига риоя қилиш. Ўзидан пастроқ, малакага эга прессловчилар ишига бошчилик қилиш.

Билиши лозим: хизмат кўрсатадиган асбоб-ускуналарнинг ва механизмларнинг тузилишини ва ишлаш принципини, тола, момиқ ва чиқиндишларни пресслаш қоидаларини, тола ва маҳсулот турига қараб тойларнинг белгиланган зичланиши ва ташқи ўлчамларини ҳамда вазнини, тойларни ўраб боглаш ва маркалаш қоидаларини, ўраб боглаш учун сарфланадиган материаллар меъёри, маҳсулотни ташиш ва сақлаш қоидаларини, ўраб боғланадиган материалларни тайёрлаш усулларини, уларни прессларга жойлаш тизимини, прессланувчи тола учун қўлланиладиган тармоқ стандартлари ва техникавий шартларни, тойларни маркалаш қоидаларини, меҳнат муҳофазаси, техника

хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси ва ёнгинга қарши ҳимоя қоидалари ва меъёрларини.

Малака талаблари. Ўрта маҳсус маълумот. Прессловчи касби бўйича 2 йиллик иш стажига эга бўлиш керак.

ПРЕССЛОВЧИ

ХАЛ ва ИКК бўйича тартиб рақами	5624
КМСК бўйича код	7431
Ходимлар тоифаси	Ишлаб чиқариш ходими

4-разрядли

Ишларниң тавсифномаси. Ўраб боғлаш бўйича тасдиқланган Давлат ва тармоқ қоидалари ҳамда талабларига мувофиқ, механик прессларда пахта толаси, момиги, толали чиқиндиларни белгиланган ўлчам ва вазндан тойларга пресслаш. Прессларда ўрнатилган ўлчов ва қайд қилиш асбоблари бўйича пресслаш жараёни параметрларини кўздан кечириб туриш. Ўлчами, вазни ва упаковка қилиш сифати бўйича тегишли Давлат стандартлари талабларига тўгри келувчи тойлар чиқаришни таъминлаш. Пресснинг юритмасини бошқариш. Пресс, унинг юритмаси ишлашидаги техникавий носозликларни бартараф этиш, уларни таъмиралашда қатнашиш. Меъёрга мувофиқ тойларни пресслаш, боғлаш ва маркалаш сифатини назорат қилиш, хизмат кўрсатиладиган асбоб-ускуналарнинг иш маромини таъминлаш. Ўзидан пастроқ малакага эга прессловчиларнинг ишларига бошчилик қилиш.

Билиши лозим: хизмат кўрсатиладиган асбоб-ускуналарнинг вазифасини, тузилишини, уларни ишлатиш ва уларга қараб туриш қоидаларини, тойларни упаковка қилиш бўйича давлат стандартлари талабларини, пресс, унинг юритмаси ишлашидаги техникавий нуқсонларни бартараф этиш усувларини, асбоб-ускуналарнинг мойланадиган жойларини ва бу мақсадлар учун қўлланадиган мойларнинг маркаларини, меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси ҳамда ёнгинга қарши ҳимоя қоидалари ва меъёрларини.

Малака талаблари. Ўрта маҳсус маълумот. Прессловчи касби бўйича 2 йиллик иш стажига эга бўлиш керак.

ПРЕССЛОВЧИ

ХАЛ ва ИКК бўйича тартиб рақами	5624
КМСК бўйича код	7431
Ходимлар тоифаси	Ишлаб чиқариш ходими

5-разрядли

Ишларнинг тавсифномаси. Тармоқ стандартлари ва техникавий шартларни ҳисобга олган ҳолда гидропресс қурилмаларида ва ярим автоматлаштирилган прессларда пахта толаси, момиқни белгиланган габарит ва вазнларда тойларга пресслаш. Гидропресс қурилмаларини ва ярим автоматлаштирилган прессларни созлаш. Механизациялаштирилган прессларнинг юритмаларини бошқариш, технологик асбоб-ускуналарни жорий таъмиrlаш ва созлаш ишларини бажаришда қатнашиш, ўзидан пастроқ малакага эга прессловчилар ишига бошчилик қилиш.

Билиши лозим: хизмат кўрсатиладиган ускуналарни ва уларни созлаш усулларини, прессланаётган толага тааллуқли давлат ва тармоқ стандартларини ва техникавий шартларни, меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси ва ёнгинга қарши ҳимоя қоидлари ва меъёrlарини.

Малака талаблари. Ўрта маҳсус маълумот. Гидропресс ускуналари бўйича 2 йиллик иш стажига эга бўлиш керак.

ПРЕССЛОВЧИ

ХАЛ ва ИКК бўйича тартиб рақами	5624
КМСК бўйича код	7431
Ходимлар тоифаси	Ишлаб чиқариш ходими

6-разрядли

Ишларнинг тавсифномаси. Пахта тозалаш корхонасининг технологик тизимига уланган гидравлик прессларда пахта толаси ва момигини белгиланган ўлчам ва вазндаги тойларга пресслаш, босимни монометр бўйича кузатиб туриш ўлчами, вазни ва ўраш (упаковка) қилиш сифати бўйича давлат

стандартлари ва техникавий шартларга тұғри келувчи тойлар ишлаб чиқаришни таъминлаш. Пресс ва гидронасосларнинг ишлашидаги техникавий носозликларни бартараф этиш. Пресс, гидронасос ва бошқа асбоб-ускуналарни таъмираш ишларида қатнашиш. Гидронасос ва пресс юритмасини бошқариш. Тойларни пресслаш ва боялаш сифатини назорат қилиш. Прессларга хизмат күрсатуучи ишчилар мәжнатини ташкил этиш. Үзидан пастроқ малакага эга прессловчилар ишига бошчилик қилиш. Пресслаш қурилмасининг жами асосини ва ёрдамчи асбоб-ускуналари комплексини күздан көчириб чиқиш ва жорий таъмираш ишларини үз вақтида үтказиш.

Билиши лозим: пресс, гидронасос ва бошқа асбоб-ускуналарнинг тузилишини, тола ёки момиқни пресслаш қоидаларини, тойнинг белгиланган үлчамлари ва вазини, тойни упаковка қилиш бүйича давлат ва тармоқ стандартлари талабларини, мәжнат муҳофазаси, техника хавфсизлігі, ишлаб чиқариш санитарияси ва ёнгинга қарши ҳимоя қоидалари ва мөттөрларини.

Малака талаблари. Үрта маҳсус маълумот. Прессловчи касби бүйича 2 йиллик иш стажига эга бўлиш керак.

ЧИҚИНДИЛАРНИ ЙИГУВЧИ

ХАЛ ва ИКК бўйича тартиб рақами	6394
КМСК бўйича код	9322
Ходимлар тоифаси	Ишлаб чиқариш ходими

3-разрядли

Ишларнинг тавсифномаси. Агрегатлар, машиналар, циклонлар ва бошқа ишлаб чиқариш асбоб-ускуналарининг тагидан ишлаб чиқариш чиқиндилирини йигиш. Циклон ва чанг камераларини тозалаш. Циклонлар остидаги шнекли транспортёр қурилмаларини тозалаш. Йигувчи бункерларни бўшатиш, чиқиндилиарни кейинги қайта ишлаш учун (тола чиқиндилиари регенерациясига) узатиш. Девор ва шипларни супуриб чиқиш. Тола чиқиндилиари регенерациясида қайта ишлаш йули билан чиқиндилиарни бўлакларга ажратиш ва улардан яроқли толани ажратиб олиш. Чиқиндилиарни белгиланган жойга элтиб қуйиш. Полни супуриш.

Билиши лозим: чиқиндиларнинг турларини ва уларни йигиш қоидаларини, циклонларнинг тузилишини, регенераторларнинг тузилишини, меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси ва ёнгинга қарши ҳимоя қоидалари ва меъёрларини.

Малака талаблари. Урта умумий маълумот. Иш стажи талаб этилмайди.

ГАРАМЛАРДА ТУННЕЛ ОЧУВЧИ

ХАЛ ва ИКК бўйича тартиб рақами	7215
КМСК бўйича код	8269
Ходимлар тоифаси	Ишлаб чиқариш ходими

4-разрядли

Ишларнинг тавсифномаси. Туннел қазувчи машинани ишлатиш учун тайёрлаш, гарамларда туннел қазувчи машина билан белгиланган тартиб ва ўлчамда туннеллар очиш. Машинани гарамнинг ичига суриш, пахтани сидириб тўпловчи шнек билан сиқиб олиш ва уни бошқа томонга буриб юборадиган транспортёр билан прицепга ёки қайта ишланадиган жойга етказиб бериш. Машина ишлабёттанида пайдо бўлган носозликларни бартараф этиш. Туннел қазиш ишлари технологиясига риоя этиш.

Билиши лозим: туннел қазиш ишлари технологиясини, унга қўйилган талабларни ва туннел ўлчамларини, туннел қазиш машинасининг тузилишини ва унга хизмат кўрсатиш қоидаларини, меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси ва ёнгинга қарши ҳимоя қоидаларини.

Малака талаблари. Ўрта маҳсус маълумот. Касби бўйича 2 йиллик иш стажига эга бўлиш керак.

УРУГЛИК ЧИГИТНИ ҚОПЛОВЧИ

ХАЛ ва ИКК бўйича тартиб рақами	7254
КМСК бўйича код	9322
Ходимлар тоифаси	Ишлаб чиқариш ходими

3-разрядли

Ишларнинг тавсифномаси. Қопларни тұлдириш учун мұлжалланған қурилмада уруглик чигитни қопларга жойлаш. Давлат стандартлари талабларында мувофиқ чигит солинган қопларни тикув машиналариде тикиб чиқиши. Тикув ипини ва бوشқа упаковкага керакли материалдарни тайёрлаб қўйиши. Тұлдирилган қопларни белгиланған жойга ташиш, уларни тарозида тортиш ва давлат стандартлари бўйича маркалаш. Тўкилган чигитларни йигиши ва тикув машиналарининг носозликларини бартараф этиши.

Билиши лозим: қопларни тұлдириш учун мұлжалланған қурилманинг вазифасини ва ишлаш принципини, тойларни тикиши бўйича давлат стандартлари ва техникавий шартлар талабларини, қопларни тұлдириш меъёrlарини, қопларни (тойларни) маркалашни, тикув машиналари хизматидан фойдаланишни, меҳнат мухофазаси, техника хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси ва ёнгинга қарши ҳимоя қоидалари ва меъёrlарини.

Малака талаблари. Ўрта умумий маълумот. Иш стажи талаб этилмайди.

УСКУНАЛАРНИ ТОЗАЛОВЧИ

ХАЛ ва ИКК бўйича тартиб рақами	7498
КМСК бўйича код	7241
Ходимлар тоифаси	Ишлаб чиқариш ходими

2-разрядли

Ишларнинг тавсифномаси. Вентиляция, пневмотранспорт ва шиекли қурилмалар, циклонлар, енгил фильтрлар, тұпон ва чанг камералари, траншеялар ва бوشқа чанг туттич қурилмаларни юқоригоқ малакага зета тозаловчи бошчилигида чанг ва чиқиндилярдан тозалаш. Технологик асбоб-ускуналар ва транспорт воситалари тағидан ишлаб чиқариш чиқиндилари ва чангни йигиши. Йигма бункерларни бұшатиш, чиқиндиларни кейинги қайта ишлашга узатиб бериш. Чиқиндиларни ажратиш ва улардан яроқлы маңсулотни териб олиш. Девор ва шиплардаги чангни супуриб чиқиши. Ишлаб чиқариш биноларининг полини супуриб тозалаш. Чиқиндиларни белгиланған жойга ташиб келтириш ва тұплаш.

Билиши лозим: чиқиндиларнинг турлари ва уларни йигиш усулларини, меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси ва ёнгинга қарши ҳимоя қоидалари ва меъёрларини.

Малака талаблари. Ўрта маҳсус маълумот. Иш стажи талаб этилмайди.

УСКУНАЛАРНИ ТОЗАЛОВЧИ

ХАЛ ва ИКК бўйича тартиб рақами	7498
КМСК бўйича код	7241
Ходимлар тоифаси	Ишлаб чиқариш ходими

3-разрядли

Ишларнинг тавсифномаси. Вентиляция, пневмотранспорт ва шнекли қурилмаларни, циклонларни, енгли фильтрларни, тўпон ва чанг камераларини, траншеяларни ва бошқа чанг тутгич қурилмаларни чангдан ва чиқиндилардан тозалаш. Ўзидан паст малакадаги ходим ишига бошчилик қилиш.

Билиши лозим: циклонлар, тўзон ва чанг камералар ҳамда бошқа чант тутгич қурилмаларнинг вазифалари ва ишлаш принципларини, хизмат кўрсатиладиган қурилмаларнинг тозалаш ва ишлатиш тартибини, ёнгиндан ва портлашдан хавфли қурилмаларни бехатар ишлатиш қоидаларини.

Малака талаблари. Ўрта маҳсус маълумот. Иш стажи талаб этилмайди.

УСКУНАЛАРНИ ТОЗАЛОВЧИ

ХАЛ ва ИКК бўйича тартиб рақами	7498
КМСК бўйича код	7241
Ходимлар тоифаси	Ишлаб чиқариш ходими

4-разрядли

Ишларнинг тавсифномаси. Бутун технологик занжир (тизим) бўйича ҳамма турдаги ускуналарни (вентиляция қувурлари, пневмотранспорт ва шнекли транспортёrlарни, циклонларни,

енгли фильтрларни, чанг камералари ва траншеяларни) чангдан ва чиқиндилярдан тозалаш ўзидан пастроқ малакага эга тозаловчи ишчиларнинг ишларига бошчилик қилиш.

Билиши лозим: чиқиндилярнинг турларини ва уларни йигиш усулларини, пахта тозаловчи ускуналарнинг вазифалари ва ишлаш принципларини, тозалашни такрорлаб туриш вақтини, сурков мойларининг хилларини, ишқаланувчи қисмларнинг мойлаш жойлари ва усулларини, меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги қоидалари ва меъёрларини.

Малака талаблари. Ўрта маҳсус маълумот. Иш стажи талаб этилмайди.

ҚУРИТИШ УСКУНАЛАРИНИНГ ОПЕРАТОРИ

ХАЛ ва ИКК бўйича тартиб рақами	5015
КМСК бўйича код	8261
Ходимлар тоифаси	Ишлаб чиқариш ходими

З-разрядли

Ишларнинг тавсифномаси. Ускуналарнинг ишлатиш учун тайёрлигини, назорат-ўлчов асбобларининг, инвентарларнинг, мосламаларнинг ҳолатини текшириб чиқиш. Ўрнатиш аппаратларини юк билан тўлдиришнинг белгиланган намлик режимига, ундаги ҳароратга, қуритиш режимини таъминлаш, қуритиш зоналаридағи ҳаво ҳароратини, намлаш қурилмасининг ишлашини, ўзидан юқорироқ малакага эга оператор бошчилигида қуритиш ускунасининг транспортёрини хомашё билан бетўхтov таъминлаш. Хом-ашёни пневмотранспорт ёрдамида қуритишга бериш пайтида қуригичнинг таъминловчи транспортёрида хомашё миқдорининг белгиланган қалинлигини назорат қилиш ва таъминлаш, қуритиш ускунаси билан бирга потоқда ўрнатилган машиналарга хизмат кўрсатиш. Қуритиш агрегатлари ичидаги ҳароратни ростлаш, амалдаги стандартлар ва техникавий шартларни ҳисобга олган ҳолда қуритиш сифатини назорат қилиш. Бригададаги (мавжуд бўлган ҳолларда) ишчиларнинг ишларини ташкил этиш, ўзидан пастроқ малакага эга операторларнинг ишларига бошчилик қилиш.

Билиши лозим: хизмат кўрсатиладиган асбоб-ускуналар ва механизмларнинг тузилишини ва ростлаш қоидаларини, пахтанинг асосий хусусиятлари ва сифат белгиларини, уларни қуритиш технологик жараёнини, хомашёни юклаш зичалигини, пахта юкловчи механизмларни бошқариш ва ростлаш қоидаларини, қуритиш пайтида рўй берган носозликларни ҳамда уларнинг одини олиш ва бартараф этиш усуllibарини, ишларни мақсадга мувофиқ равишда ташкил этишни, назорат-ўлчов асбобларидан ва транспортёлардан фойдаланиш қоидаларини, ишлов бериладиган хомашё ва тайёр маҳсулотга тааллуқдаги давлат ҳамда тармоқ стандартларини ва техникавий шартларни, меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги, ишлаб чиқариши санитарияси ва ёнгинга қарши ҳимоя қоидалари ва меъёrlарини.

Малака талаблари. Ўрта маҳсус маълумот. Касби бўйича 2 йиллик иш стажига эга бўлиши керак.

ҚУРИТИШ УСКУНАЛАРИНИНГ ОПЕРАТОРИ

ХАЛ ва ИКК бўйича тартиб раҳами	5015
КМСК бўйича код	8261
Ходимлар тоифаси	Ишлаб чиқариш ходими

4-разрядли

Ишларнинг тавсифномаси. Асбоблар бўйича белгиланган тартибларга мувофиқ пахтани қуритиш машиналарида қуритиш жараёнини мустақил бошқариш. Қуритиш машиналарига хомашё юклашда қатнашиш, хомашёнинг намлиги ҳамда хусусиятларига қараб қуритиш ускунасининг қандай ҳароратда ишлатилишини белгилаш, назорат-ўлчов асбобларига хизмат кўрсатиш зonasидаги ишларни кузатиб туриш. Қуритиш тартибини назорат-ўлчов асбоблари бўйича назорат қилиш ва ростлаб туриш. Қуритиш ускуналари, фильтрлар, ҳаво қувурлари, вентиляторлар, камералар ва транспортёларнинг нормал ишлашини таъминлаш. Хомашёни қуритиш бўйича тармоқ стандартлари ва техникавий шартларни ҳисобга олган ҳолда қуритилгандан сўнг назорат кўригидан ўтказиш. Қуритиш ускунасини ишга тушириш ва тұхтатиш. Техникавий

носозликларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш, технологик асбоб-ускуналарни таъмилашда қатнашиш. Сменани қабул қилиб олиш ва топшириш. Ўзидан пастроқ малакага эга операторларнинг ишларига бошчилик қилиш.

Билиши лозим: хизмат кўрсатиладиган асбоб-ускуналарнинг конструктив хусусиятларини ва уларни созлаш қоидаларини, назорат-ўлчов асбобларининг вазифаси ва ишлаш принципларини, юритмага ўрнатилган асбобларнинг тузилиши ва вазифасини, хомашё ва бошқа маҳсулотларнинг сифатига қўйиладиган асосий талабларни, қуритишнинг технологик ва ҳарорат режимини, технологик жараённи ростлаш қоидаларини, хомашёнинг қуритиш жараёнидан кейинги намлигини текширишни, қуритиш ускунасининг бошқариш юритмаси ишларини назорат қилишни, пахтани қуритишга тааллуқдли давлат ҳамда тармоқ стандартларини ва техникавий шартларни, меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси ва ёнгинга қарши ҳимоя қоидалари ва меъёрларни.

Малака талаблари. Ўрта маҳсус маълумот. Касби бўйича 2 йиллик иш стажига эга бўлиши керак.

ҚУРИТИШ УСКУНАЛАРИНИНГ ОПЕРАТОРИ

ХАЛ ва ИКК бўйича тартиб рақами	5015
КМСК бўйича код	8261
Ходимлар тоифаси	Ишлаб чиқариш ходими

5-разрядли

Ишларнинг тавсифномаси. Ёқилгини (газ, суюқ ёқилғи) бериш меъёрларини назорат қилиш ва ростлаш тизими билан жиҳозланган ускуналарда қуритиш жараёнини белгилантган тартибга мувофиқ мустақил бошқариш. Пахтанинг транспор-тёрга бир текис юкланишини ҳамда қуритиш ускунасини хомашё билан юклаш зичлигини ростлашни, колориферларнинг тозалигини назорат қилиш. Қуритиш ускунаси ва бошқариш юритмаси, фильтрлар, ҳаво қувурлари, вентиляторлар, камералар, шунингдек транспортёрларнинг ишларини кузатиб туриш. Қуритиш жараёнини бошқариш тизими ёрдамида назорат қилиш

ва ростлаш. Техникавий носозликларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш, қуритиш ускунаси ва бошқа механизмларни таъмирлашда қатнашиш, амалдаги тармоқ стандартлари ва техникавий шартларга мувофиқ технологик интизомга риоя қилиш. Ўзидан пастроқ малакага эга операторларнинг ишларига бошчилик қилиш.

Билиши лозим: бугун технологик жараёнини ва хизмат кўрсатиладиган асбоб-ускуналарнинг кинематик чизмасини, қуритиш ва ёқилғи бериш жараёни параметрларини бошқаришни, ростлаш ва назорат қилиш тизимиға кирувчи назорат-ўлчов асбобларининг тузилишини ва уларга хизмат кўрсатиш қоидаларини, қуритиш жараёнидаги камчиликларни ва уларнинг олдини олиш ва бартараф этиш усулларини, хизмат кўрсатиладиган асбоб-ускуналарни таъмирлаш қоидаларини, ҳомашёни қуритишга тааллуқли давлат ҳамда тармоқ стандартларини ва техникавий шартларни, меҳнат муҳофазаси, техника ҳаёфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси ва ёнгинга қарши ҳимоя қоидалари ва меъёrlарини.

Малака талаблари. Ўрта маҳсус маълумот. Касби бўйича З йиллик иш стажига эга бўлиши керак.

ТОЗАЛАШ УСКУНАЛАРИНИНГ ОПЕРАТОРИ

ХАЛ ва ИКК бўйича тартиб рақами	5074
КМСК бўйича код	8264
Ходимлар тоифаси	Ишлаб чиқариш ходими

2-разрядли

Ишларнинг тавсифномаси. Пахтани органик ва бошқа аралашмалардан (майда ва йирик ифлосликлардан) тозалаш агрегатларида юқорироқ малакага эга машинист бошчилигига тозалаш. Ишлаб чиқариш чиқиндилаrinи маҳсус тозалагичларда тозалаш ва ишлаб чиқариш чиқиндилаridан толани тола ажратувчи машиналарда ажратиб олиш. Чиқиндилаrinи белгиланган жойга ташиб етказиш. Хизмат кўрсатилаётган машиналарга ҳомашёни бир текис юклашни таъминлаш. Белгиланган технологик жараёнга риоя этишни таъминлаш мақсадида машина ва механизмларнинг ишлашини назорат

қилиш. Машинава механизмларнинг ишлашидаги носозликларни бартараф этишда қатнашиши. Хизмат кўрсатиладиган асбоб-ускуна ва механизмларда тиқилиб қолишларни бартараф этиш.

Билиши лозим: майда ва йирик ифлосликларни тозалагичлар ва улар билан туташтирилган технологик ва ёрдамчи асбоб-ускуналарнинг вазифасини ва ишлаш принципини, пахта хомашёси ва ишлаб чиқариш чиқиндилигини тозалаш технологик жараёнини, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифати бўйича тармоқ стандартларини, меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси ва ёнгинга қарши ҳимоя қоидалари ва меъёrlарини.

Малака талаблари. Ўрта маҳсус маълумот. Иш стажи талаб этилмайди.

ТОЗАЛАШ УСКУНАЛАРИНИНГ ОПЕРАТОРИ

ХАЛ ва ИКК бўйича тартиб рақами	5074
КМСК бўйича код	8264
Ходимлар тоифаси	Ишлаб чиқариш ходими

3-разрядли

Ишларнинг тавсифномаси. Пахтани органик ва бошқа аралашмалардан колосникли арасимон тозалагичларда тозалаш. Хизмат кўрсатилаётган механизмларни хомашё билан бир текис юкланишини таъминлаш. Келиб тушаётган пахтани текшириб туриш. Технология талабларини ҳисобга олган ҳолда машиналарнинг ишлаш тартибини белгилаш. Пахтани сифатли тозалашни таъминлаш. Машиналар ишлаб чиқарган маҳсулотларни ва уларнинг бекор туриб қолган вақтларининг ҳисобини олиб бориш. Машина ва механизмларнинг ишлашини кўздан кечириб туриш. Хизмат кўрсатилаётган асбоб-ускуналардаги тиқилиб қолишларни бартараф этиш. Зарур бўлган ҳолларда ишга яроқсиз бўлиб қолган понасимон тасмаларни алмаштириш. Ўзидан пастроқ малакага эга операторларнинг ишларига бошлилик қилиш.

Билиши лозим: тозалагичлар ва улар билан туташган технологик ва ёрдамчи асбоб-ускуналарнинг тузилишини ҳамда

ишлатиш қоидаларини, хизмат курсатиладиган машиналар ишчи органлари ўртасидаги оралиқлар ва чўзилишлар меъёрини, пахтанинг ифлосланиш хусусиятини, ифлосланиш бўйича пахтага тегишли стандартларни, ўтказилган тозалашни таҳдил қилиш учун тозаланган ҳом ашё намунасини танлаб олиш қоидаларини, тозалашга тааллуқли Давлат стандартлари ва техникавий шартларни, асбоб-ускуналар ва механизмларнинг вазифалари ва ишлаш принципларини, уларни созлаш усусларини, меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси ва ёнгинга қарши ҳимоя қоидалари ва меъёрларини.

Малака талаблари. Ўрта маҳсус маълумот. Касби бўйича камида бир йиллик иш стажига эга бўлиши керак.

ТОЗАЛАШ УСКУНАЛАРИНИНГ ОПЕРАТОРИ

ХАЛ ва ИКК бўйича тартиб рақами	5074
КМСК бўйича код	8264
Ходимлар тоифаси	Ишлаб чиқариш ходими

4-разрядли

Ишларнинг тавсифномаси. Тозалагичларда пахтани органик ва бошқа аралашмалардан тозалаш. Технологик ускуналарни хомашё билан бир текис таъминлаш. Технологик жараён ускуналарига пахта келиб тушишини таъминлаб туриш. Тозалагич ускуналарининг ишлашидаги носозликларни аниқлаш ва бартараф этиш ҳамда жорий таъмирлашда қатнашиш, машина ва механизмларнинг ишлашини кўздан кечириб туриш. Ўзидан пастроқ малакага эга операторларнинг ишларига бошчилик қилиш.

Билиши лозим: тозалагичлар ва улар билан туташган технологик ва ёрдамчи асбоб-ускуналарнинг тузилишини, уларнинг ишлашини созлаш қоидаларини ва жорий таъмирлашни, меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси ва ёнгинга қарши ҳимоя қоидалари ва меъёрларини.

Малака талаблари. Ўрта маҳсус маълумот. Касби бўйича 2 йиллик иш стажига эга булиши керак.

ИССИҚЛИК ГЕНЕРАТОРИ ОПЕРАТОРИ

ХАЛ ва ИКК бўйича тартиб рақами	2097
КМСК бўйича код	8231
Ходимлар тоифаси	Ишлаб чиқариш ходими

Ишлар тавсифномаси. Қуритиш барабанларининг турли русумдаги иссиқлик генераторларида суюқ ёқилги ва газнинг ёниш жараёнини олиб бориш. Иссиқлик генератори ўтхонасида ёниш, ҳавонинг юборилиши, дуднинг тортилиши ва ҳарорат режимини созлаш. Ускуна ва ёқилгини ишга тайёрлаш, ўтхона, форсунка, мазут фильтрларини тозалаш, учқунтутгич қурилмалар, форсунка, вентиляторлар, созлаш ва назорат-ўлчов аппаратураларнинг соз ҳолатда эканлиги текшириш. Иссиқлик генератори ўтхонасининг ишлаш тартибини танлаш. Ўтхона, насос, мотор, газ коммуникацияси, ҳавопуфлагич, эксгаустерларнинг ишлашини назорат қилиш. Хизмат кўрсатаётган ускунани жорий таъмирлаш.

Билиши лозим. Қуритиш барабанларининг турли русумдаги иссиқлик генераторлари, вентилятор, насос, мотор, ҳавопуфлагич, эксгаустер, назорат-ўлчов асбобларининг тузилишини, самарали фойдаланиш усулларини, ёқилгининг хусусиятларини, меъёрий технологик тартиб ва ёқилги ёнишини созлаш қоидаларини.

Малака талаблари. Ўрта маҳсус маълумот. Иш стажи талаб этилмайди.

ЖИН УСКУНАЛАРИНИНГ ОПЕРАТОРИ

ХАЛ ва ИКК бўйича тартиб рақами	4744
КМСК бўйича код	8261
Ходимлар тоифаси	Ишлаб чиқариш ходими

4-разрядли

Ишларнинг тавсифномаси. Пахта толасини чигитдан аррали ва гўлали жинларда ажратиш технологик жараёнини белгиланган тартибда олиб бориш. Жинлар қатори ва у билан туташган технологик ва ёрдамчи асбоб-ускуналарга хизмат кўрсатиш.

Давлат ва тармоқ стандартлари мөбөрлари талабларига мувофиқ пахта толаси олишини таъминлаш. Хизмат кўрсатиладиган машина ва механизмлар ишлашибдаги техникавий носозликларни бартараф этиш. Таъминлагичлар, тола шохобчалари, ифлослик ва чигит конвейерлари, улюқ ва чангни сўриб олувчи асбоб-ускуналарда тиқилиб қолишларга барҳам бериш. Вақти-вақти билан хомашё гўласини ташлаб юбориш, маҳсулотдан бўшатиши, арраларни, аррали жинлардаги колосник панжараси ёки ишчи гўлалардаги ариқчаларни тозалаш, ишчи гўлаларни ўрнатишида қатнашиш. Арраларни алмаштиришида, технологик оралиқлар ва ҷўзилишларни ростлашда, хизмат курсатиладиган машиналарни таъмилашда қатнашиш, иш жойини намунавий тартибда сақлаш, ишқаланувчи қисмларни вақти-вақти билан мойлаб туриш.

Билиши лозим: хизмат кўрсатиладиган асбоб-ускуналарнинг тузилиши ва ишлатиш қоидаларини, хизмат кўрсатиладиган машиналарнинг ишчи органлари ўртасидаги оралиқ мөбөрини, тола ажратишнинг технологик жараёнини, пахта, тола, чигит ва чиқиндиларга таалуқли стандартларни, хизмат кўрсатиладиган асбоб-ускуналарнинг айрим узелларини созлаш усулларини, мойлаш усуллари ва ишқаланувчи қисмларни мойлаш учун керакли мойларнинг хилларини, ишлаб чиқариладиган маҳсулотга таалуқли давлат ва тармоқ стандартларини, меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси ва ёнгинга қарши ҳимоя қоидалари ва мөбөрларини.

Малака талаблари. Ўрта маҳсус маълумот. Касби бўйича 2 йиллик иш стажига эга бўлиши керак.

ЖИН УСКУНАЛАРИНИНГ ОПЕРАТОРИ

ХАЛ ва ИКК бўйича тартиб рақами	4744
КМСК бўйича код	8261
Ходимлар тоифаси	Ишлаб чиқариш ҳодими

5-разрядли

Ишларнинг тавсифномаси. Пахта толасини чигитдан аррали ва гўлали жинларда ажратиш технологик жараёнини белгиланган тартибда, тармоқ стандартларига риоя этилган ҳолда бошқариш. Ишчи (хомашё) камералари, колосник панжаралари, аррали ва гўлали цилиндрлар, тола тозалагичлар, пахтани тақсимлаш

транспорт қурилмалари, тола шохобчасининг, чигит, улюк ва ифлосликлар конденсорларининг ишлашини кўздан кечириб туриш. Жинларни хомашё билан талаб даражасида таъминлаш. Машиналар ишлашида пайдо бўладиган тиқилиб қолишлар ва бошқа носозликларга барҳам бериш ва уларнинг нормал ишлашлари тартибини таъминлаш. Пахтанинг бир текис келиб тушишини назорат қилиш. Аррали жинлардаги хомашё гўлаларининг зичлигини ва чигитнинг толаси ажратилгандан сўнг қолдиқ толадорлигини текшириш. Улюк ажратилишини созлаш. Ишлаб чиқариш чиқиндиларини ўз вақтида чиқариб ташланишини ташкил этиш. Технологик асбоб-ускуналарни ва назорат асбобларини профилактик артиб-тозалаш ва созлаш ишларини амалга ошириш. Ўтмас бўлиб қолган ёки ишга яроқсиз бўлиб қолган арраларни алмаштирища, технологик оралиқлар ва чўзилишларни ростлашда, технологик асбоб-ускуналарни таъмирлашда қатнашиш. Ўзидан пастроқ малакага эга тола ажратувчи ишчиларнинг ишларига бошчилик қилиш.

Билиши лозим: хизмат кўрсатиладиган асбоб-ускуналарнинг тузилишини ва ишлатиш қоидаларини, уларнинг узел ва деталларининг вазифаларини, асбоб-ускуналарнинг бошқариш схемасини, тола ажратиш цехи технологик асбоб-ускуналарини созлаш қоидаларини, пахта толаси сифатига қўйиладиган талабларни, ишлаб чиқариладиган маҳсулот (пахта, тола, чигит ва чиқиндилар)га таалмуқли давлат ва тармоқ стандартлари ҳамда техникавий шартларни, бутун технологик занжир бўйича ҳамма иш турларини, корхона ички транспорт ишини, хизмат кўрсатиладиган машиналарнинг ишчи органлари ўртасидаги оралиқлар меъёрларини, меҳнат муҳофазаси, техника хавф-сизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси ва ёнгинга қарши ҳимоя қоидалари ва меъёрларини.

Малака талаблари. Ўрта маҳсус маълумот. Касби бўйича 2 йиллик иш стажига эга бўлиши керак.

ЛИНТЕР УСКУНАЛАРИНИНГ ОПЕРАТОРИ

ХАЛ ва ИКК бўйича тартиб рақами	4808
КМСК бўйича код	8269
Ходимлар тоифаси	Ишлаб чиқариш ходими

4-разрядли

Ишларниң тавсифномаси. Линтерларда чигитни линтерлаш (чигитдан момиқни ажратиш) жараёнини бошқариш. Линтерлар ва улар билан туташтирилган технологик ва ёрдамчи асбоб-ускуналарнинг тұхтосыз ишлашини таъминлаш. Сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлаш учун линтерлар қаторига хизмат күрсатиши. Хизмат күрсатиладиган машина ва механизмларнинг ишлашида пайдо бұлған носозликларни бартараф этиш. Линтерларни таъмирлашда ва арралы цилиндрларини алмаштиришда қатнашиш. Арралар ва колосник панжараларини артиб тозалаш. Линтерлаш цехининг асбоб-ускуналарини профилактик артиб тозалаш. Хизмат күрсатиладиган машиналардаги тұсиқлар ва говларнинг ҳолатини күздан кечириб туриш. Механизмларнинг ишқаланувчи қисмларини вақти-вақти билан мойлаб туриш. Момиқ ажратиш технологик жараёнини давлат ҳамда тармоқ стандартларига ва техникавий шартларга қатыйй равишда риоя этган ҳолда бошқариш.

Билиши лозим: хизмат күрсатиладиган асбоб-ускуналарнинг тузылишини ва ишлатиш қоидаларини, хизмат күрсатиладиган машиналарнинг ишли органлари ўртасидаги оралиқлар меъерини, чигитдан момиқ ажратиш технологик жараёнини, момиқ ва чигитга оид стандартларни, чигитни линтерлаш цехи барча машина ва механизмларининг вазифаларини, асбоб-ускуналарни созлаш усулларини, маҳсулотта қўйиладиган техникавий шартларни, меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси ва ёнгинга қарши ҳимоя қоидалари ва меъёрларини.

Малака талаблари. Ўрта маҳсус маълумот. Касби бўйича 2 йиллик иш стажига эга бўлиши керак.

ЛИНТЕР УСКУНАЛАРИНИНГ ОПЕРАТОРИ

ХАЛ ва ИКК бўйича тартиб рақами	4808
КМСК бўйича код	8269
Ходимлар тоифаси	Ишлаб чиқариш ходими

5-разрядли

Ишларнинг тавсифномаси. Аррали линтерларда чигитдан момиқ ажратиш жараёнини бошқариш. Линтерлаш цехининг асбоб-ускуналари ишчи ҳолатини назорат қилиш. Линтерларни хомашё билан таъминлашни кўздан кечириб туриш. Машиналарнинг ишлашида пайдо бўлган тиқилиб қолишлар ва бошқа носозликларга барҳам бериш ва уларнинг нормал ишлаш режимини таъминлаш. Технологик асбоб-ускуналарни профилактик артиб тозалаш ва таъмирлаш. Ишчи (хомашё) камераси, колосник панжараси, тўзгиттич, аррали цилиндр, момиқни арралардан чиқариб олувчи аппарат ва импульсли вариаторнинг ишлашида пайдо бўлган носозликларни бартараф этиш. Момиқ ажратишдан сўнг қолган қолдиқ тукдорликни ва арралар ҳолатини текшириш ҳамда ўтмас бўлиб қолган арраларни муддатидан илгари алмаштириш заруратини аниқлаш. Арраларни алмаштириш ишларида ва линтерларни таъмирлашда қатнашиш. Ишлаб чиқарип чиқиндиларини ўз вақтида чиқариб ташланишини ташкил этиш. Линтерлаш цехининг технологик асбоб-ускуналарининг бир маромда ишланини таъминлаб туриш. Ўзидан пастроқ разрядли малакага эга линтер операторларининг ишларига бошчилик қилиши.

Билиши лозим: хизмат кўрсатиладиган асбоб-ускуналарнинг тузилишини ва ишлатиш қоидаларини, барча деталь ва узелларнинг вазифасини, асбоб-ускуналарни бошқариш чизмасини, линтерлаш цехи технологик асбоб-ускуналарини созлаш қоидаларини, момиқ сифатига қўйиладиган талабларни, цех. поток линиясига кирувчи бошқа машина ва механизмларнинг тузилиши ва вазифасини, хизмат кўрсатиладиган машиналарининг ишчи органлари ўртасидаги оралиқ меъёрларини, момиқ ажратиш технологик жараёнини, момиқ ва чигитта тааллуқли стандартлар ва техникиавий шартларни, меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси ва ёнгинга қарши ҳимоя қоидалари ва меъёрларини.

Малака талаблари. Ўрта маҳсус маълумот. Касби бўйича 2 йиллик иш стажига эга бўлиши керак.

ЧИГИТ ДОРИЛОВЧИ

ХАЛ ва ИКК бўйича тартиб рақами	5897
КМСК бўйича код	6111
Ходимлар тоифаси	Ишлаб чиқариш ходими

2-разрядли

Ишларнинг тавсифномаси. Тақдиқланган технологик жараён ва техникавий шартларга мувофиқ уруглик чигитни дорилаш машинасида дорилаш бўйича ёрдамчи ишларни бажариш, чигитни белгиланган ритмда ва миқдорда дорилаш машинасининг таъминлагич транспортёрига бериш. Махсус станоклар ёрдамида қолларни дориланган чигитлар билан тўлдириш ва уларни тарозида тортиш. Тўкилган чигитларни йигиб олиш. Машина таъминлагичининг транспортёри соз ҳолда эканини кузатиш, уни артиб-тозалаш ва мойлаш. Қолларни тикиш, маркалаш ва белгиланган жойга залтиб тахлаш.

Билиши лозим: хизмат кўрсатиладиган асбоб-ускуналар (таъминлагич-транспортёр, станок ва қолларни тўлдириш учун мосламалар)нинг вазифалари ва ишлаш принципларини, препаратнинг (дориловчи модда) заҳарловчи хусусиятларидан сақланадиган шахсий ҳимоя воситаларини, дорилаш жараёнини бошқаришга таалуқли тармоқ стандартлари ва техникавий шартларини, меҳнат муҳофазаси, техника ҳавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси ва ёнгинга қарши ҳимоя қоидалари ва меъёрларини.

Малака талаблари. Ўрта махсус маълумот. Иш стажи талаб этилмайди.

ЧИГИТ ДОРИЛОВЧИ

ХАЛ ва ИКК бўйича тартиб рақами	5897
КМСК бўйича код	6111
Ходимлар тоифаси	Ишлаб чиқариш ходими

3-разрядли

Ишларнинг тавсифномаси. Ўзидан юқорироқ малакага эга дориловчи ишчи бошчилигида дорилаш машинасида уруглик

чигитни дорилаш. Дориловчи моддани (препаратни) дорилаш машинасининг таъминлагич бункерига тўлдириш. Машинага дориловчи модда ва чигит маълум нисбатда бир текис келиб тушишини ростлаб туриш, қопларни дориланган чигитлар билан тўлдириш, маркалаш ва сақлаш жойларига етказиб бериш. Ўзидан пастроқ малакага эга дориловчи ишчиларнинг ишларига бошчилик қилиш.

Билиши лозим: дорилаш машинасининг тузилиши ва унга хизмат кўрсатиш қоидаларини, дорилаш моддасини сарфлаш меъерини, чигитни дорилаш технологик жараёнини, препаратнинг заҳарлаш даражасини, заҳарловчи модда билан муомалада бўлиш қоидаларини ва шахсий ҳимоя воситаларини, дорилаш жараёнини бошқаришга тааллукли тармоқ стандартлари ва техникавий шартларини, меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси ва ёнгинга қарши ҳимоя қоидалари ва меъёрларини.

Малака талаблари. Урта маҳсус маълумот. Касби бўйича бир йиллик иш стажига эта бўлиши керак.

ЧИГИТ ДОРИЛОВЧИ

ХАЛ ва ИКК бўйича тартиб рақами	5897
КМСК бўйича код	6111
Ходимлар тоифаси	Ишлаб чиқариш ходими

4-разрядли

Ишларнинг тавсифномаси. Уруглик чигитни дорилаш машинасида дорилаш жараёнини мустақил равишда бошқариш. Агрегатни ишга солиш ва тўхтатиш. Дорилаш машинасининг ишлашини таъминлааб туриш. Техникавий шартлар ва стандартларга мувофиқ чигитга ишлов беришнинг технологик тартибига қатъий равишда риоя этиш. Дориланаёттан чигитнинг сифатли тайёрланбаётганини назорат қилиш. Дорилаш машинасини созлаш. Асбоб-ускуналарнинг ишлашидаги техникавий носозликларни бартараф этиш. Дорилаш моддасини сарфлашни, шунингдек машиналар ишлашини ҳисоблаб бориши. Ўзидан пастроқ малакага эта дориловчи ишчиларнинг ишларига бошчилик қилиш ва улар томонидан препаратнинг заҳарлашига қарши шахсий ҳимоя воситаларидан фойдаланишларини назорат қилиш.

Билиши лозим: дорилаш машинасининг тузилишини ва вазифасини, дорилаш машинасининг ишлашини созлаш ва ростлаш қоидаларини, дориланган чигитларни тайёрлаш сифатини назорат қилиш тартибини, чигитни дорилашнинг технологик тартибини, препаратни дорилаш мoddасини сарфлаш меъёrlари-ни, препаратнинг заҳарловчи хусусиятини ва у билан муомалада бўлиш қоидаларини, препаратнинг заҳарловчи хусусиятидан сакланиш учун шахсий ҳимоя воситаларини, заҳарланишларда қандай қилиб биринчи ёрдам кўрсатишни, меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси ва ёнгинга қарши ҳимоя қоидалари ва меъёrlарини.

Малака талаблари. Ўрта маҳсус маълумот. Касби бўйича 2 йиллик иш стажига эга бўлиши керак.

I ЗОНА КЛАССИФИКАТОРИ

ХАЛ ва ИКК бўйича тартиб рақами	2750
КМСК бўйича код	2146
Ходимлар тоифаси	Хизмат кўрсатиш ходими

Ишларнинг тавсифномаси. Фермер ва бошқа хўжаликлардан тайёрлов масканига келиб тушаётган пахта хомашёсини ташқарисидан кўздан кечириб чиқади. Ундан белгиланган тартибда намуналар олади ва пахта учун тайёрланган эталонга солиштириб кўради. Хўжалик вакили ва лаборант иштирокида лаборатория таҳлилини ўтказиш учун белгиланган тартибда намуналар танлаб олади. Гарямалардан танлаб олинган пахтадан намуна олишда ва уни таҳдил қилишда қатнашади.

Билиши лозим: келиб тушаётган пахтанинг нави ва синфини кўз билан аниқлаш принциплари ва усулларини, кейинги таҳлиллар ўтказиш учун хомашё олинадиган жойларни ва унинг миқдорини, қабул қилиш-топширишга тегишли техникавий ва ҳисоб-китоб ҳужжатларини расмийлаштириш қоидаларини, пахтага тааллуқли стандартларни ва уни тайёрлаш бўйича йўриқномаларни, меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси ва ёнгинга қарши ҳимоя қоидалари ва меъёrlарини.

Малака талаблари. Ўрта маҳсус маълумот. Касби бўйича камида 2 йиллик иш стажига эга бўлиши керак.

II ЗОНА КЛАССИФИКАТОРИ

ХАЛ ва ИКК бўйича тартиб рақами	2750
КМСК бўйича код	2146
Ходимлар тоифаси	Хизмат кўрсатиш ходими

Ишларнинг тавсифномаси. Пахта етиштирувчи фермер хўжаликлардан пахта хомашёсини бевосита қабул қилиб олади. Қабулқилинган пахтагатегишлиҳужжатларни расмийлаштиради, пахтани стандарт талабарида қабул қилиниши ва сақданиши бўйича I ва Ш зона классификаторларининг ишларини назорат қилади. Қабул қилиб олинаётган пахта миқдорининг тўгри тортиб олинишига ва пахта хомашёсини қайта ишлашда олинадиган пахта маҳсулотларининг белгиланган меъёрларда чиқишига жавоб беради.

Билиши лозим: пахтани тарозида тортиб олиш принципларини ва қабул қилиб олинадиган пахтанинг умумий вазнига киритилмайдиган меъёрларини, кўздан кечириб чиқиш усулларини ва пахтанинг ифлослигини аниқлашни, пахтага таалуқли стандартларни, уни тайёрлаш ва сақлаш бўйича йўриқномаларни, пахтани қайта ишлаш технологиясини, пахтани селекцион навлари бўйича чиқадиган маҳсулотлар миқдори ва асосий ишлаб чиқариш жараёнидаги куйиндиларнинг меъёрларини, меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси ва ёнгинга қарши ҳимоя қоидалари.

Малака талаблари. Ўрта маҳсус маълумот. Касби бўйича камидা 2 йиллик иш стажига эга бўлиши керак.

III ЗОНА КЛАССИФИКАТОРИ

ХАЛ ва ИКК бўйича тартиб рақами	2750
КМСК бўйича код	2146
Ходимлар тоифаси	Хизмат кўрсатиш ходими

Ишларнинг тавсифномаси. Қабул қилинаётган пахтани навлари, синфлари, турлари бўйича, пахта топширувчи хўжаликлар кўрсатилган ҳолда жойлаш бўйича ишларни ташкил этади. Фарамлардаги пахтанинг бут сақланиб қолиши учун жавоб беради.

Билиши аозим: пахтанииг нави, синфи ва турини кўз билан кўриб аниқлаш усулларини, пахтани гараларга жойлаш ва уларда сақлаш принципларини, пахтага таалуқли стандартларни ва уни тайёрлаш бўйича йўриқномаларни, меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси ва ёнгинга қарши ҳимоя қоидалари ва меъёrlарини.

Малака талаблари. Ўрта маҳсус маълумот. Касби бўйича 2 йиллик иш стажига эга бўлиши керак.

ЛАБОРАНТ

ХАЛ ва ИКК бўйича тартиб рақами	3048
КМСК бўйича код	7214
Ходимлар тоифаси	Ишлаб чиқариш ходими

Ишларнинг тавсифномаси. Ўзидан юқорироқ малакага эга мутахассис бошчилигида, стандартлар ва техникавий шартлар талабларига мувофиқ, хомашёнинг (пахта, тола) таркибини аниқлаш бўйича, унинг намлигини, ифлослигини таҳлил қилиш ва синаб кўриш ишларини бажаради. Технологик намуналарни таҳлил қиласи ва синаб кўриш учун ажратиб олади. Толанинг узилишини синаб кўради. Толанинг йўгонлиги (қалинлигини) ва узунлигини, унинг навини аниқлади. Таҳлиллар ва синаб кўришлар натижаларини расмийлаштиради, уларнинг ҳисобкитобини олиб боради, лаборатория ишларини бажариш бўйича техникавий ҳужжатларни тузади. Корхонанинг тегишли бўлинмаларини таҳлиллар ва синаб куриш натижалари тугрисида узвактида хабардор қиласи. Ўта мураккаб лаборатория ишларини ўтказиш бўйича ёрдамчи ва тайёргарлик жараёнларини амалга оширади. Янги кимёвий таҳлил ўтказиш усулларини, механик усуlda синаб куришларни, технологик намуналарни танлашни ишлаб чиқиша иштирок этади. Қурилмаларнинг, асбобларнинг, иш қуролларининг ва лаборатория бошқа асбоб-ускуналарининг ишчи ҳолатини кўздан кечириб туради, уларни оддий созлаш ишларини бажаради ва таҳлиллар ҳамда синаб кўришда олинган натижаларга мувофиқ техникавий ҳужжатларга зарур тузатишларни киритади.

Билиши лозим: лаборатория таҳлиллари ва синовлари утказиш бўйича ҳужжатларни, стандартларни, техникавий шартларни, низомларни, йўриқномаларни ва бошқа йўл-йўриқ кўрсатувчи материалларни, ишлаб чиқаришнинг асосий технологик жараёнларини ватартибларини, лабораторияасбобускуналарини ва уларни ишлатиш қоидаларини, утказилган лаборатория таҳлиллари ва синовларига техникавий ҳужжатлар расмийлаштириш қоидаларини, меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси ва ёнгинга қарши ҳимоя қоидалари ва меъёлларини.

Малака талаблари. Ўрта маҳсус маълумот. Касби бўйича 2 йиллик иш стажига эга бўлиши керак.

ЁРДАМЧИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИШЧИЛАРИНИНГ КАСБЛАРИ

АВТОМАШИНА ҲАЙДОВЧИСИ

ХАЛ ва ИКК бўйича тартиб рақами	868
КМСК бўйича код	8322
Ходимлар тоифаси	Ишлаб чиқариш ходими

Ишларниң тавсифномаси. Турли русумдаги енгил (юк ташувчи) автомашиналарни ва автобусларни бошқаради. Исталган йўналишида маневрларни амалга оширади. Одамларниң тўғри чиқиши ва тушишини, юкларниң жойланиши, уларниң тўғри маҳкамланганини ва маҳсус ҳимоя воситалари билан жиҳозланганини кузатиб боради.

Билиши лозим: двигателларниң юргизадиган, бошқарадиган руль, узатувчи тизимларининг вазифасини ва тузилишини; ёнилги ва сурков материалларининг русумларини; автомобилга хизмат кўрсатиш қоидалари ва йўл ҳаракати қоидаларини; меҳнат муҳофазаси, техника ҳавфсизлиги, ёнгинга қарши ҳимоя қоидалари ва меъёрларини.

Малака талаблари. Ўрта маҳсус маълумот. Касби бўйича 1 ийллик иш стажига эга бўлиши керак.

АВТОКАРА ҲАЙДОВЧИСИ

ХАЛ ва ИКК бўйича тартиб рақами	872
КМСК бўйича код	8333
Ходимлар тоифаси	Ишлаб чиқариш ходими

З-разрядли

Ишларниң тавсифномаси. Юкларни ортиш, тушириш, ўрнини алмаштириш ва штабелларга жойлаш ишларини бажаради. Юк ортувчи механизм ва унинг барча қисмларига техникавий хизмат кўрсатади ва жорий таъмиrlайди. Юк ортувчи механизмнинг ва унинг қисмлари ишлашидаги бузилишларни аниқладайди ва уларни бартараф этади.

Билиши лозим: юк ортувчи механизмларнинг тузилишини; турли хил транспортга юк ортиш усулларини; юкларни кўтариш, сурин ва уларни жойлаш қоидаларини; кўча ҳаракати қоидаларини, корхона ҳудудида, станция ёнидаги йўлларда ҳаракатланиш қоидаларини ва ўрнатиб қўйилган сигнализацияни; меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги ва ёнгинга қарши ҳимоя қоидалари ва меъёрларини.

Малака талаблари. Ўрта маҳсус маълумот. Иш стажи талаб этилмайди.

АВТОКАРА ҲАЙДОВЧИСИ

ХАЛ ва ИКК бўйича тартиб рақами	872
КМСК бўйича код	8333
Ходимлар тоифаси	Ишлаб чиқариш ходими

4-разрядли

Ишларнинг тавсифномаси. Юкларни ортиш, тушириш, бошқа жойга кўчириш пайтида автомобиль, трактор ва вагонга юк ортувчи механизмлар ва барча маҳсус юк илинтириб кўтарувчи механизмлар ва мосламаларни бошқаради. Юк ортувчи механизмга ва унинг барча қисмларига техникавий хизмат кўрсатади ва жорий таъмиrlаш ишларини бажаради. Юк ортувчи механизм ва юк илиб кўтарувчи ҳамда мосламаларни режали эҳтиёт таъмиrlаш ишларини бажаришда қатнашади.

Билиши лозим: юк ортувчи механизмларнинг тузилишини; юкларни турли хил транспортга ортиш ва ундан тушириш усулларини; юкларни кўтариш ва жойлаш қоидаларини; куча ҳаракати қоидаларини, корхона ҳудудида, станция олдидағи йўлларда ҳаракатланиш қоидалари ва урнатиб қўйилган сигнализацияни; меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги ва ёнгинга қарши ҳимоя қоидалари ва меъёрларини.

Малака талаблари. Ўрта маҳсус маълумот. Касби бўйича 2 йиллик иш стажига эга бўлиши керак.

ГАЗ БИЛАН ПАЙВАНДЛОВЧИ

ХАЛ ва ИКК бўйича тартиб рақами	991
КМСК бўйича код	7212
Ходимлар тоифаси	Ишлаб чиқариш ходими

4-разрядли

Ишларнинг тавсифномаси. Ўртacha мураккабликка эга узел, деталь ва трубопроводларнинг карбонли, конструкцион ва бошқа турдаги пўлатлар билан оддий деталларни рангли металлар ва қотишмалар билан маҳсус қалайлаш metallари билан барча сатҳларда қалайлаш, чокларни газ билан пайвандлаш. Ўртacha мураккабликка эга деталлардаги нуқсонларни ва ёриқларни эритиш усули билан бартараф этиш. Оддий деталларни қаттиқ қотишмалар билан эритиб пайвандлаш. Деталларни пайвандлаш пайтида белгиланган тартибга амал қилинган ҳолда ва уларнинг кимёвий хусусиятларини сақлаб қолган ҳолда деталлар ва узелларни дастлабки ва кетидан келадиган қиздиришни амалга ошириш.

Билиши лозим: металлни пайвандлаш ва кесиш учун керакли горелкалардан фойдаланишини; хизмат кўрсатадиган газ билан пайвандлаш аппаратларининг тузилишини; пайвандлаш чокларининг тузилишини ва уларни синааб кўриш усулларини; пайвандланадиган металларнинг асосий хусусиятларини; деталлар ва узелларни пайвандлаш ва эритиш учун тайёрлаш қоидаларини; металлнинг маркаси ва қалинлигига қараб уни қиздириш тартибини танлаб олиш қоидаларини; пайванданаётган буюм ичидаги пайдо бўлувчи тарангликлар ва деформациялар пайдо булишининг сабаблари ва уларнинг олдини олиш чораларини; пўлатдан, рангли металлардан ва чўяндан ясалган деталларни пайвандлаш ва эритишнинг асосий технологик усулларини; меҳнат муҳофазаси, техника ҳавфсизлиги ишлаб чиқариш санитарияси ва ёнгинга қарши ҳимоя қоидалари ва меъёrlарини.

Малака талаблари. Ўрта маҳсус маълумот. Касби бўйича 2 йиллик иш стажига эга бўлиши керак.

ГАЗ БИЛАН ПАЙВАНДЛОВЧИ

ХАЛ ва ИКК бўйича тартиб раками	991
КМСК бўйича код	7212
Ходимлар тоифаси	Ишлаб чиқариш ходими

5-разрядли

Ишларнинг тавсифномаси. Мураккаб деталларни, конструкцияларни ва карбонли ҳамда конструкцион пӯлатлардан ясалган иншоот қувурларини ҳамда рангли металldан ясалган мураккаб деталларнинг пайвандлаш чокларини турли фазовий ҳолатларда газ билан пайвандлаш. Деталь ва узелларни керамик флюсларни ҳимояловчи газ муҳитида қўллаб қаттиқ қотишмалар билан эритиб пайвандлаш. Механик усууда ишлов бериш учун йирик чўян ва алюминий қўйма деталларнинг нуқсонларини бартараф этиш ва эритиб пайвандлаш учун синов сифатида босим бериш. Ишлов берилган деталь ва узеллардаги нуқсон ва ёриқларни эритиб пайвандлаш йўли билан бартараф этиш. Муҳим ва мураккаб конструкцияларни иссиқлик усули билан туғрилаш.

Билиши лозим: пайвандланадиган деталларнинг шакли ва қалинлигига қараб металлни пайвандлаш тартибини белгилаш усууларини; металл қотишмаларини, чўянни пайвандлаш усууларини; рангли металлар ва қотишмалардан бажарилган пайвандлаш чокларини синааб кўришни; металларнинг пайвандлашга мойиллиги тўғрисидаги асосий маълумотларни; газ билан пайвандлашда ишлатиладиган, кенг тарқалган газлар (ацетилен, водород, кислород, пропан, бутан ва бошқалар) нинг олиниш ва сақланиш усуулари тўғрисидаги умумий маълумотларни; пайвандлаш чокларидағи нуқсонлар турларини ва уларнинг оддини олиш, бартараф этиш усууларини; чизмаларни ўқишини; меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси ва ёнгинга қарши ҳимоя қоидалари ва меъёрларини.

Малака талаблари. Ўрта маҳсус маълумот. Касби бўйича 2 йиллик иш стажига эга бўлиши керак.

ТУНУКАСОЗ

ХАЛ ва ИКК бўйича тартиб рақами	1693
КМСК бўйича код	7233
Ходимлар тоифаси	Ишлаб чиқариш ходими

3-разрядли

Ишларнинг тавсифномаси. Мосламалар ва пневматик асбобларни қўллаб тунукадан ўрта мураккабликка этабуюмларни тайёрлаш ва таъмиглаш. Прессланган профилдаги металлардан ўрта мураккабликка эга деталларни тайёрлаш. Қопқоқларни валцовка машиналарида, прессларда ва қўл билан эгиш. Андозалар ва чизмалар бўйича тунукадан мураккаб шаклга эга буюмларни букиш ва четини чиқариш. Зич-машинада фасонли ариқчаларнинг кесилган қисмининг четини чиқариш ва прокатка қилиш (еийшиш). Юритувчи валчалардаги пўлат тунукадан ясалган цилиндрик деталларни валцовкалаш (жувалаш). Турли металлардан ва қотишмалардан ясалган деталларни қалай, мис, кумуш ва бошқалар билан қалайлаш. Ўрта мураккабликка эга деталлар ва буюмларни плиткада контрол линейка бўйича 1 кв. метрга 1 мм гача йул қўйиладиган оралиқ билан иссиқ ва совук ҳолатда тўғрилаш ва рихтовка қилиш. Барча маркадаги металл, тунука ва қотишмадан ясалган эгри чизиқли контурдаги ўрта мураккабликка эга деталлар ва буюмларни кесиш. Чизмалар бўйича чизгичлар, гуния (бурчакли чизгич)лар, циркуллар, андозалар, шкалалар ва зарур назорат-ўлчов асбобларидан фойдаланиб, деталларга разметка белги қўйиб чиқиши. Оддий андозаларни тайёрлаш.

Билиши лозим: хизмат курсатиладиган букиш ва валцовкалаш машиналарининг ҳамда юритмали қайчиларнинг тузилишини; тунукасозлик ишларида қўлланиладиган ўрта мураккабликка эга мосламалар ва назорат-ўлчов асбобларининг тузилишини; ўртача мураккабликка эга деталларни, буюмларни ва узелларни турли металлар билан қалайлаш усуllibарини; тунука ва сортли пўлатнинг, алюминийли, магнийли ва мисли қотишмаларнинг асосий хусусиятларини; металлга қиздириб ишлов бериши унинг механик хусусиятларига таъсир этишини; ўртача мураккабликка эга деталларни ва буюмларни разметка қилиш усуllibарини.

уларни ёйиш қоидаларини; ўртача мураккабликка эга деталларни бир-бирига улаш усулларини; геометрия асосларини; меҳнат мұхофазаси, техника хавфсизлігі, ишлаб чиқариш санитарияси ва ёнгинга қарши ҳимоя қоидалари ва мөттөрларини.

Малака талаблари. Ўрта маҳсус маълумот. Касби бўйича 2 йиллик иш стажига эга бўлиши керак.

ТУНУКАСОЗ

ХАЛ ва ИКК бўйича тартиб рақами	1693
КМСК бўйича код	7233
Ходимлар тоифаси	Ишлаб чиқариш ходими

4-разрядли

Ишларнинг тавсифномаси. Металл тунука ва қувурлардан мураккаб деталларни, буюмларни ва узелларни ясаш, таъмирлаш ва ўрнатиш. Совуқ ва иссиқ ҳолатда металл тунукалардан валцовка машиналарида ва турли конструкциялардаги прессларда мураккаб ва йирик деталларни валцовка қилиш (жувалаш) ҳамда букиш. Валцовка машиналарида ва қўл билан тунука четларини аниқ букиш. Катта листларни, ҳар хил қувур ва буюмларни рихтовкалаш. Қийин чўзиладиган мураккаб деталларни қўл билан ясаш. Икки юзада эгилган мураккаб эгри чизиқли профилларни ясаш. Мураккаб деталларни разметка қилиш, мураккаб узелларни, деталларни ва буюмларни бичиш. Босим остида ишловчи мураккаб буюмларни, деталларни ва узелларни қалайлаш, қалайлаш учун ишлатиладиган қотишмаларни тайёрлаш. Валцовкаларни турли хил тўғрилаш, букиш ва валцовкалаш учун созлаш. Турли тизимдаги прессларни ва қайчили прессларни созлаш.

Билиши лозим: турли моделдаги асбоб-ускуналарнинг тузилишини; хизмат кўрсатилаётган асбоб-ускуналарни созлаш қоидаларини; мураккаб назорат-ўлчов мосламаларининг тузилишини, вазифасини ва уларни қўллаш қоидаларини; мураккаб разверткаларни бичиш ва тузиш қоидаларини ва уларни ҳисоблаб чиқишни; карбонли ва қотиштириб созланган пўлатларнинг, рангли металл ва қотишмаларнинг механик ҳусусиятларини; мураккаб деталларни ва узелларни улаш ва қалайлаш усулларини; турли хил қалайлаш учун ишлатиладиган

қотишмаларнинг вазифаларини ва рецептурасини; меҳнат муҳофазаси, техника ҳавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси ва ёнгинга қарши ҳимоя қоидалари ва мөъёrlарини.

Малака талаблари. Ўрта маҳсус маълумот. Касби бўйича 2 йиллик иш стажига эга бўлиши керак.

ТУНУКАСОЗ

ХАЛ ва ИКК бўйича тартиб рақами	1693
КМСК бўйича код	7233
Ходимлар тоифаси	Ишлаб чиқариш ходими

5-разрядли

Ишларнинг тавсифномаси. Ўта мураккаб деталларни, буюмларни ва металл узелларни, қувурларни ва бошқа тунука материалларни, турли хил кесим ва профиллар билан туташган кўп сонли шохобчаларни ясаш, таъмиrlаш, монтаж қилиш ва ўрнатиш. Ҳар қандай қалинликка эга металл тунукадан ясалган цилиндрларни ва профилларни, конуссимон буюмларни букиш. Катта ўлчамли сферик ва фигурали буюмларни ясаш. Оширилган босим шароитларида ишловчи буюмларни қалайлаш. Тайёрланган буюмларнинг ва узелларнинг зичлигини ва мустаҳкамлигини синаб куриш. Металл тунукалардан ва қувурлардан буюмлар тайёрлаш пайтида қўлланилаётган асбоб-ускуналарни созлаш ва майдा таъмиrlаш ишлари.

Билиши лозим: хизмат кўrsatilaётган станокларнинг конструкциясини ва аниқ ишлашини текшириб кўриш қоидаларини; тунукасозлик ишларини бажариш учун қўлланиладиган букиш мосламаларининг, андозаларнинг конструктив тузилишини; ҳар хил металл аралашмалари қотишмаси билан қалайлаш усувларини; турли хил улаш ишлари учун ишлатиладиган қотишмалар, флюслар ва ҳар хил аралашмаларнинг таркибини ҳамда тайёрлаш қоидаларини; геометрик шаклларнинг мураккаб развёрткаларини (ёйилган ҳолатини) ҳисоблаб чиқиш ва чизиш қоидаларини; зичлиги, мустаҳкамлиги бўйича, шу жумладан босим остида ҳам, турли синовларни ўtkазиш қоидаларини; пайвандаш, қоплаш ва улашнинг бошқа турлари учун техникавий шартларни; меҳнат

муҳофазаси, техника хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси ва ёнгинга қарши ҳимоя қоидалари ва меъёрларини.

Малака талаблари. Ўрта маҳсус маълумот. Касби бўйича З ийллик иш стажига эга бўлиши керак.

ТЕМИРЧИ

ХАЛ ва ИКК бўйича тартиб рақами	3033
КМСК бўйича код	7221
Ходимлар тоифаси	Ишлаб чиқариш ходими

2-разрядли

Ишларниң тавсифномаси. Кичик оғирликдаги оддий деталларниң ўлчамларига ва ишлов беришдаги припуск (қўйим) ларга риоя этган ҳолда қўлда болгалаш. Оддий конфигурацияяга эга турли поковкаларни ва штампланган деталларни совуқ ва иссиқ ҳолатда чизмалари ва андозалари бўйича текшириб, плитада, сондонда ва мосламада қўл билан тўғрилаш.

Билиши лозим: темирчилик учогининг ва печининг тузилишини; металларни темирчилик йўли билан пайвандлаш асосларини; айрим турдаги деталларни болгалаб ясаш ва тўғрилаш пайтида металларниг хусусиятларини; турли ружумдаги металларни қиздириш тартибини; темирчилик асбобларининг вазифасини ва ишлатиш шароитларини; поковка учун припусклар (қўйимлар) тўгрисидаги асосий маълумотларни; меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси ва ёнгинга қарши ҳимоя қоидалари ва меъёрларини.

Малака талаблари. Ўрта маҳсус маълумот. Иш стажи талаб этилмайди.

ТЕМИРЧИ

ХАЛ ва ИКК бўйича тартиб рақами	3033
КМСК бўйича код	7221
Ходимлар тоифаси	Ишлаб чиқариш ходими

3-разрядли

Ишларнинг тавсифномаси. Ўртача мураккаб деталларининг юзасига тоза сайқал бериш ва ўлчамларига аниқ риоя этиши орқали эскизлар, андозалар ва намуналар бўйича қўлда болгалаб ясаш. Чизмалар ва андозалар бўйича қалинлиги 5 мм дан то 8 мм гача бўлган металл тунукадан турли конфигурацияга эга ўртача мураккаб буюмларни букиш, чўзиш, четини чиқариш ва кўчириб ўтказиш. Чизмалар ва андозалар бўйича текшириб, металл тунукадан штампланган бўғизсиз деталларни совуқ ва иссиқ ҳолатда түгрилаш.

Билиши лозим: ҳаво пуфлагич қурилмаларининг тузилишини; асосий металларнинг чўкичланиш хусусиятларини; турли хил русумдаги пўлатдан, турли хил рессора тахталарини эгиш усулларини; темирчилик йўли билан пайвандлаш қоидалари ва усулларини, ишлов бериш ва болгалаш учун қўйимлар ўлчамларини; назорат-ўлчов асбобларининг вазифаларини ва қўлланиш шароитларини; меҳнат мухофазаси, техника хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси ва ёнгинга қарши ҳимоя қоидалари ва меъёрларини.

Малака талаблари. Ўрта маҳсус маълумот. Касби бўйича 1 йиллик иш стажига эга бўлиши керак.

ТЕМИРЧИ

ХАЛ ва ИКК бўйича тартиб рақами	3033
КМСК бўйича код	7221
Ходимлар тоифаси	Ишлаб чиқариш ходими

4-разрядли

Ишларнинг тавсифномаси. Чизмалар ва намуналар бўйича мураккаб деталларни қўлда болгалаб ясаш. Турли хил юзаларда деталларни эгиш ва болгалаб ясаш. Турли русумдаги пўлатдан деталларни болгалаб ясаш. Белгиланган ўлчамларга ва припушкиларга риоя этган ҳолда деталларга охирги сайқал бериш. Чизмалар, эскизлар ва андозалар бўйича 8 ммдан ортиқ то 12 мм гача бўлган темир тунукадан ва барча ўлчамдаги сортли металдан мураккаб оғир буюмларни букиш, түгрилаш,

бортларини чиқариш ва тушириш. Болғалаб чўкичлаш учун металлни қиздириш тартибини танлаш. Турли конфигурацияяга эга штампланган буюмларни тўтрилаш.

Билиши лозим: темирчилик ўчоқларининг, печларнинг ва ҳаво қувурлари қурилмаларининг конструкцияларини; мураккаб деталларни болғалаб чўкичлашда бир жараёндан иккинчи жараёнга ўтиш кетма-кетлигини аниқлаш тартибини; рессора комплектларини йигиши учун техникавий шартларни; поковкалардаги металл оғирлигини ҳисоблаб чиқиш усулларини; турли металларнинг чўкичланиш хусусиятларини ва уларнинг чўкичлаш жараёнида ўзгаришини; меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси ва ёнгинга қарши ҳимоя қоидалари ва мөъёrlарини.

Малака талаблари. Ўрта маҳсус маълумот. Касби бўйича 2 йиллик иш стажига эга бўлиши керак.

ТЕМИРЧИ

ХАЛ ва ИКК бўйича тартиб рақами	3033
КМСК бўйича код	7221
Ходимлар тоифаси	Ишлаб чиқариш ходими

5-разрядли

Ишларнинг тавсифномаси. Юзаларига тоза сайқал бериш билан чизмалар ва намуналар бўйича ўта мураккаб ва жуда муҳим деталларни қўл билан болғалаб ясаш, букиш ва тўтрилаш. 12 мм дан ортиқ қалинликка эга металл тунукадан бўлган йирик буюмларни эзиш, тўғрилаш ва болтларини чиқариш.

Билиши лозим: мураккаб темирчилик ишларини бажариш усулларини ва болғалаб ясашнинг мураккаб йўлларини, ишлов берилаётган металларни қиздириш ва совитиш тартибларини; қиздириш тартибига қараб металл структурасининг ўзгаришини; меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси ва ёнгинга қарши ҳимоя қоидалари ва мөъёrlарини.

Малака талаблари. Ўрта маҳсус маълумот. Касби бўйича 3 йиллик иш стажига эга бўлиши керак.

БҮЁҚЧИ

ХАЛ ва ИКК бўйича тартиб рақами	3159
КМСК бўйича код	7133
Ходимлар тоифаси	Ишлаб чиқариш ходими

4-разрядли

Ишларнинг тавсифномаси. Юзаларига турли бўёқлар ва лаклар билан бир неча қатлам ва тусларда юқори сифатли бўёқ бериш, юзаларни силлиқлаш, лаклаш, ялтиратиш билан сайқал бериш. Бўялган юзаларнинг кесилган томонларини юқорига қилиб қўйиш ва фляйцевка қилиш. Юзаларда трафаретлар бўйича тўрт ва ундан ортиқ тус бериб расмлар тушириш. Юзаларни турли дараҳт навларининг, мармарнинг, тошларнинг мураккаб расмлари кўринишида ишлаш. Коллерларни мустақил равишда тузиш. Линолеум, поливинол, пенопласт, гул қоғозлар, пеноплен ва бошқа материалларни ёпишидириш.

Билиши лозим: бўёқчилик ишлари учун қўлланиладиган механизм ва мосламаларнинг тузилишини ва созлаш усулларини; юзаларни юқори сифатли пардозлаш бўёқчилик ишларини бажариш усулларини, юзаларни турли хил дараҳтлар, мармарлар, тошларнинг мураккаб шакллари кўринишида пардозлаш жараёнини; юзаларни бўяш ва уларни лаклашга оид техникавий шартларни ва талабларни; меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси ва ёнгинга қарши ҳимоя қоидалари ва меъёларини.

Малака талаблари. Урта маҳсус маълумот. Иш стажи талаб этилмайди.

БҮЁҚЧИ

ХАЛ ва ИКК бўйича тартиб рақами	3159
КМСК бўйича код	7133
Ходимлар тоифаси	Ишлаб чиқариш ходими

5-разрядли

Ишларнинг тавсифномаси. Юзаларни турли хил бўёқлар билан лаклаш, ялтиратиш, орнаментал ва кўпрангли санъаткоронаса сайқал

бериш билан юқори сифатли бўяш. Юзаларни турли қимматбаҳо дараҳтларнинг, тошларнинг, мармарларнинг расмлари ва бошқа кўринишларда ишлаш. Бўяладиган юзаларга ишлов берилгандан сўнг совуқ ҳаво ёрдамида пуркаб усули билан юқори сифатли бўяш. Санъаткорона ёзувларни қайта тиклаш.

Билиши лозим: бўёқчилик ишларини нафис ва орнаментал пардозлаш ва совуқ ҳаво ёрдамида пуркаб пардозлаш усулларини; юзаларни қимматбаҳо дараҳт турлари шаклида ишлашини; турли хил бўяш материаллари ва санъаткорона бўяш ва пардоз бериш учун зарур таркибларнинг физик ва кимёвий хусусиятларини; юзаларни занглашга қарши, анод ва катодни ҳимоялаш талабларини, ишлов беришнинг ҳимоя чизмаларини; санъаткорона ёзувларни қайта тиклаш усулларини; меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси ва ёнгинга қарши ҳимоя қоидалари ва меъёрларини.

Малака талаблари. Ўрта маҳсус маълумот. Касби бўйича 2 ийллик иш стажига эга бўлиши керак.

БЎЁҚЧИ

ХАЛ ва ИКК бўйича тартиб рақами	3159
КМСК бўйича код	7133
Ходимлар тоифаси	Ишлаб чиқариш ходими

6-разрядли

Ишларнинг тавсифномаси. Янги бўёқ моддалари ва сантехникавий материалларни жорий этиш пайтида буюмларни ва юзаларни тажриба сифатида бўяб ва пардозлаб кўриш. Санъаткорона ёзувларни ва расмларни қайта тиклаш. Ичкаридаги биноларнинг юзаларига манзарали кўринишда лак бериш ва сайқал бериш; аппаратлар ёрдамида қалинлашиб кетмайдиган термопластик бўёқларни бериш; маҳсус схема бўйича қалинлашиб кетмайдиган бўёқларни бузилишдан сақлаб қоладиган бўёқларни топиб ишлатиш. Расмлар ва эскизлар бўйича қўл билан нақшлар чизиш.

Билиши лозим: буюмларни ва юзаларни тажриба сифатида бўяш ва пардоз беришга қўйиладиган талабларни ва уларни бажариш усулларини; лак-бўёқ материалларини пуркаб бериш қурилмаларининг ва термопластик бўёқларни бериш

учун құлланиладиган аппаратларнинг тузилишини ва созлаш усулларини; меңнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги ва ёнгинга қарши ҳимоя қоидалари ва мейерларини.

Малака талаблари. Ўрта маҳсус маълумот. Касби бўйича З ийллик иш стажига эга бўлиши керак.

МОТОРИСТ

ХАЛ ва ИКК бўйича тартиб рақами	4032
КМСК бўйича код	8311
Ходимлар тоифаси	Ишлаб чиқариш ходими

3-разрядли

Ишларнинг тавсифномаси. Компрессор ва ёрдамчи қурилмаларни ишга туширади ва тұхтатади. Шовқин, тақиллаш ва бошқа аломатлар бўйича компрессор ишлашидаги носозликларни аниқлайди; ёнгинга қарши ишлатиладиган асбобускуналарни жорий таъмирлаш ишларини бажаради ва профилактик ишларни амалга оширади. Назорат-ўлчов асбобларининг кўрсаткичларини назорат қилиб туради.

Билиши лозим: хизмат кўрсатиладиган компрессор қурилмаларининг тузилишини ва ишлаш принципини; фалокат ҳолатидаги йўриқнома талабларини; назорат-ўлчов асбобларининг вазифаларини ва ўрнатилган жойларини; чилангарлик ишларини; меңнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси ва ёнгинга қарши ҳимоя қоидалари ва мейерларини.

Малака талаблари. Ўрта маҳсус маълумот. Иш стажи талаб этилмайди.

ДУРАДГОР

ХАЛ ва ИКК бўйича тартиб рақами	5391
КМСК бўйича код	7124
Ходимлар тоифаси	Ишлаб чиқариш ходими

4-разрядли

Ишларнинг тавсифномаси. Тури хил шаклда мураккаб андозаларни, шитларни, эгри чизиқли шаклдаги қолипларни

(опалубкаларни) ва қолиллар элементларини тайёрлайди, деворларнинг ва ходалар, пластиналар ҳамда чорқирра ёғоч түсинарнинг кесишган жойларини кесиб, чопиб тұғырлайди. Девордаги эшик ва дераза үринларини безайди, ёғоч ёндөр ҳошиялар элементларини тайёрлайди, түсинар, ҳавозалар ва устунлардаги ҳалқасимон безакларни алмаштиради, деворларни қисқич мосламалар билан мустаҳкамлайди; мураккаб тешиб үрнатышлар ва болтлар билан турли тизимдаги ҳавозаларни, оғир ҳавозаларни, эстакадаларни ва 12 м гача бұлған тахта супаларни йигади ва үрнатади.

Билиши лозим: мураккаб иншоотлар болгамаларининг (кашакларини) конструкциясини; мураккаб андозаларни құллаш усулларини; барча дурадгорлик ишларининг технологик жараёнини; барча ёғоч материалларининг сифати, нави ва турини; иш қуроллари ва ұлчов асбобларини құллаш усулларини; меңнат мұхофазаси, техника хавфсизліги, ишлаб чиқариш санитарияси ва ёнгингә қарши ҳимоя қоидалари ва меъерларини.

Малака талаблари. Үрта маҳсус маълумот. Иш стажи талаб этилмайди.

ДУРАДГОР

ХАЛ ва ИКК бүйича тартиб рақами	5391
КМСК бүйича код	7124
Ходимлар тоифаси	Ишлаб чиқариш ходими

5-разрядли

Ишларнинг тавсифномаси. Турли хил навли материалларнинг сифатини аниқлайди, мураккаб чизмаларни үқииди ва улар бүйича ишлайди; материалларга белги құйиб чиқади; сферик ва күчма қолилларни үрнатиш бүйича ишларни бажаради; оғир ёғоч тахталарини, эстакадаларни ва супаларни йигади ва үрнатади, металл стерженли фермаларни (шпонкалы панжарастимон, одд тарафдаги узун каваклардаги ва бошқаларни) йигади ва монтаж қиласы; маҳсус мураккаб андозаларни тайёрлайди.

Билиши лозим: ишлаб чиқаришдаги қурилиш-дурадгорлик ишларининг технологик жараёнини; ёғоч материалларнинг турлари, навлари ва сифатини; мураккаб иншоотларни бир-

лаштириш конструкцияларини; станокларга қараб туришни; турли иш қуроллари ва ұлчов асбобларини, меңнат мұхофазаси, техника хавфсизлігі, ишлаб чиқариш санитарияси ва ёнгинга қарши ҳимоя қоидалари ва меъерларини.

Малака талаблари. Үрта маҳсус маълумот. Касби буйича 2 ийлilik иш стажига эта бўлиши керак.

АРРАГА ТИШ ЧИҚАРУВЧИ

ХАЛ ва ИКК буйича тартиб рақами	4247
КМСК буйича код	7224
Ходимлар тоифаси	Ишлаб чиқариш ходими

4-разрядди

Ишларнинг тавсифномаси. Асбоб-ускуналарни ва иш қуролларини ишлаш учун тайёрлайди. Аппа дискининг бутун айланаси бўйича аррага тиш чиқарувчи станокда ишдан чиқсан ва анчагина шикастланган тишларни кертиб чиқаради. Пуансон чиқадиган томондан рахинӣ олиб ташлайди. Аппа дискининг тўғри чизиқлari эканини уларнинг андоза тирқишидан ўтказиб кўриш йўли билан текшириб кўради.

Билиши лозим: арра тишини кертиш асбоб-ускуналарининг ишлаш принципини ва созлаш қоидаларини; арра тутқичларга дискларни жойлаштириш усуллари ва йўлларини; арраларни ишлатиш ва алмаштириш муддатларини. Арраларнинг диаметрини, тишлари сонини ва қиялик бурчагини, қилинган кертиклар тўғрилигини ұлчаш усулларини; меңнат мұхофазаси, техника хавфсизлігі, ишлаб чиқариш санитарияси ва ёнгинга қарши ҳимоя қоидалари ва меъерларини.

Малака талаблари. Үрта маҳсус маълумот. Иш стажи талаб этилмайди.

АРРА ЧАРХЛОВЧИ

ХАЛ ва ИКК буйича тартиб рақами	7173
КМСК буйича код	7224
Ходимлар тоифаси	Ишлаб чиқариш ходими

5-разрядли

Ишларнинг тавсифномаси. Махсус чархлаш асбоб-ускуналарни чархлаш жараёнига тайёрлади. Аппа цилинтрига арралар тўпламини йигади, йигилганликнинг тўгрилигини текширади, ундан сўнг уларни кўп шинделли автоматлар билан чархлади. Аппа тишларининг профиллари ва қиялиги тўгрилигини давлат стандартларига ва техникавий шартларга мувофиқ махсус ўлчов асбоблари билан текшириб кўради ва уларни ишлатиш учун топширади.

Билиши лозим: асбоб-ускуналарнинг ишлаш принципини, жинларнинг аррали цилиндрларидағи ва линтерларнинг аррали барабанидаги арралар сонини. Шарошкаларнинг тўғри жойлаштирилганини ва уларни суриш йўналишлари тўгрилигини. Шарошкаларни алмаштириш усулларини ва арралар орасидаги тароқларнинг жойлаштирилишини; меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги, саноат санитарияси қоидалари ва меъёлларини.

Малака талаблари. Ўрта махсус маълумот. Касби бўйича 2 ийллик иш стажига эга бўлиши керак.

АРРА ТЕКИСЛОВЧИ

ХАЛ ва ИКК бўйича тартиб рақами	7562
КМСК бўйича код	7224
Ходимлар тоифаси	Ишлаб чиқариш ходими

3-разрядли

Ишларнинг тавсифномаси. Янги тишларни оралаб кесиб утилгандан ва кертиб ўтилгандан кейин гадир-будурларни йўқ қилиш ҳамда четларини профиллар ва тишларнинг ботиқ ерлари бўйича текислаш учун арраларни қум ваннасида силлиқлайди.

Билиши лозим: асбоб-ускуналарнинг ишлаш принципини, ванналарни тўлдириш учун зарур компонентларнинг тавсифномасини ва силлиқлаш вақтининг узунлигини; арраларни силлиқлангандан сўнг тозалаш усуллари ва йўлларини; сифатни назорат қилиш усулларини; меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси ва ёнгинга қарши ҳимоя қоидалари ва меъёлларини.

Малака талаблари. Ўрта маҳсус маълумот. Иш стажи талаб этилмайди.

АСБОБСОЗ-ЧИЛАНГАР

ХАЛ ва ИКК бўйича тартиб рақами	6629
КМСК бўйича код	7222
Ходимлар тоифаси	Ишлаб чиқариш ходими

3-разрядли

Ишларнинг тавсифномаси. Деталларга 4-6 синфдаги аниқлик бўйича чилангарлик ишлови бериш; оддий мосламаларни, кесиш ва улаш асбобларини йигиши ва таъмираш. Оддий асбоблар ва мосламаларнинг деталларини тоблаш, қиздириб сифатини ўзгартириш, тобланган пўлатнинг мўртлигини йўқотиш учун унга термик ишлов бериш. Тобланмаган андозаларни, скобаларни, тиқинларни (пробкаларни) тайёрлаш ва уларни меъёрига етказиш. Калибрлари бўйича текшириб, метчиклар, плашклар билан кертиклар (резбалар) кесиш. Ўзидан юқорироқ малакага эга асбобсоз чилангар бошчилиги остида технологик қуроллар ва андозаларни қўллаб ўртacha мураккабликка эга мосламаларни тайёрлаш ва уларга чилангарлик ишлов бериш.

Билиши лозим: чилангарлик ишларини бажариш технологиясини; оддий чилангарлик ва назорат-ўлчов асбобларининг ва мосламаларининг тузилишини ва уларни қўллаш қоидаларини; металлар технологияси, қўйимлар ва ўтиришлар (допуска ва посадкалар), аниқлик синфи ва ишлов бериш соғлиги тўғрисидаги асосий маълумотларни ҳамда уларнинг чизмалардаги белгиларини; ўртacha мураккабликка эга чизмаларни ўқишини; оддий пармалаш станоги ва электр дрелларнинг ишлаш принципини ҳамда уларни бошқариш қоидаларини; кесиш асбобларини чархлаш қоидаларини ва уларни меъёрига етказишни; металлга термик ишлов бериш пайтида деформацияга учрашини ҳисобга олган ҳолда деталларга кейинги ишлов беришда қўйимларни белгилаш қоидаларини.

Малака талаблари. Ўрта маҳсус маълумот. Касби бўйича 2 йиллик иш стажига эга бўлиши керак.

АСБОБСОЗ-ЧИЛАНГАР

ХАЛ ва ИКК бўйича тартиб рақами	6929
КМСК бўйича код	7222
Ходимлар тоифаси	Ишлаб чиқариш ходими

4-разрядли

Ишларнинг тавсифномаси. Ўртacha мураккабликка эга турли чизиқли ва жимжимадор асбобларни ва мосламаларни ясаш ва таъмиrlаш. Махсус асбоблар ва технологик қуролларни ҳамда андозаларни қўллаб мураккаб ва аниқ асбоблар ҳамда мосламаларни тайёрлаш. Турли хил конфигурациядаги деталларга чилангарлик ишлови бериш. Универсал қуролларни қўллаб 3-4 класс аниқлик бўйича белгилар қўйиб чиқиш. Чизмалар бўйича жимжимадор деталларни белгилаб ва чизиб чиқиш. Деталларга термик ишлов бериш билан бирга уларнинг қаттиқлигини текшириб кўриш асбобларни меъёрига етказиш ва тайёрланган деталларни тўғрилаш. Ўзидан юқорироқ малакага эга асбобсоз чилангар билан биргалиқда мураккаб асбобларни ва мосламаларни тайёрлаш.

Билиши лозим: оддий геометрик нисбатларни ва техниқавий чизиш асосларини; қўлланиладиган металлга ишлов берувчи, арралаб тилувчи ва меъёрига етказувчи станокларнинг тузилишини; меъёрига етказувчи материалларни (пасталарни) қўллаш қоидаларини, турли хил русумдаги асбобсозлик ва конструкцион пўлатларнинг хусусиятларини; назорат-ўлчов асбобларининг тузилишини ва қўллаш қоидаларини; турли хил русумдаги асбобсозлик ва конструкцион пўлатларга термик ишлов бериш усулларини; асбобларнинг ва назорат аппаратларининг тузилишини ва уларни қўллаш қоидаларини; деталлар ҳароратининг ўлчаш аниқлигига таъсирини; турли хил материаллардан ясалган деталларга термик ишлов бериш усулларини; қўйимлар ва ўтиришлар, аниқлик класси ва ишлов беришнинг соғлигини.

Малака талаблари. Ўрта маҳсус маълумот. Касби бўйича 2 йиллик иш стажига эга бўлиши керак.

АСБОБСОЗ-ЧИЛАНГАР

ХАЛ ва ИКК бўйича тартиб рақами	6629
КМСК бўйича код	7222
Ходимлар тоифаси	Ишлаб чиқариш ходими

5-разрядли

Ишларнинг тавсифномаси. Йирик, мураккаб ва масъулиятли аниқ асбобларни ва мосламаларни (махсус бўлувчи қопқоқларни, пайвандлаш ускуналарни, ўлчов мосламаларни ва бошқаларни), 1-2-синф аниқлик бўйича ишлов беришни талаб қиладиган, кўп миқдорда ўзаро бир-бири билан бояланган андозаларни тайёрлаш, ростлаш ва таъмирлаш. 1-синф аниқлик ва юзалари 0-13-синфдаги соғлиқка эга жимжимадор шаклли деталларни меъёрига етказиш, ишқалаб мослаш, силлиқлаш ва тайёрлаш. Мосламаларни ишлаб турган шароитларида текшириб кўриш.

Билиши лозим: мураккаб ва маҳсус нормаллаштирилган асбобларнинг ва чилангарлик мосламаларининг конструктив хусусиятларини; мураккаб асбоблар, деталлар ва узелларни тайёрлаш пайтида зарур бўладиган барча турдаги ҳисоблаш ишларини ва геометрик чизмаларни чизиши; аниқ назорат асбобларига ва ишлатиладиган материалларга термик ишлов бериш усусларини; ҳароратнинг ўлчаш кўрсаткичларига таъсирини; меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси ва ёнгинга қарши ҳимоя қоидалари ва меъёrlарини.

Малака талаблари. Ўрта маҳсус маълумот. Касби бўйича 2 йиллик иш стажига эга бўлиши керак.

АСБОБСОЗ-ЧИЛАНГАР

ХАЛ ва ИКК бўйича тартиб рақами	6629
КМСК бўйича код	7222
Ходимлар тоифаси	Ишлаб чиқариш ходими

6-разрядли

Ишларнинг тавсифномаси. Ўта аниқ муҳим ва мураккаб мосламаларни, асбобларни, иш қуролларини ва тажриба

аппаратларини йигиш, меъёрига етказиш ва пухта пардозлаш; ўта мураккаб, аниқ ва муҳим лекалоларнинг юзаларини турли проекцияларда жойлаштириш билан бирга ўлчамларини 1-синф аниқлиқ бўйича ҳамда 12-14-синфлар бўйича ишлов бериш соғлигида тайёрлаш; ҳар қандай мураккаб деталларни белгилаб чиқиш ва чизиб битириш; оптик асбобларни, мосламаларни ва ўртача мураккабликка эга назорат ўлчов асбобларини ростлаш.

Билиши лозим: мураккаб ва маҳсус нормаллаштирилган асбобларнинг ва чилангарлик мосламаларининг конструктив хусусиятларини; мураккаб асбоблар, деталлар ва узелларни тайёрлаш пайтида зарур бўладиган барча турдаги ҳисоблаш ишларини ва геометрик чизмаларни чизишни; аниқ назорат асбобларига ва ишлатиладиган материалларга термик ишлов бериш усусларини; ҳароратнинг ўлчаш кўрсаткичларига таъсирини; меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси ва ёнгинга қарши ҳимоя қоидалари ва меъёrlари.

Малака талаблари. Ўрта маҳсус маълумот. Касби бўйича З йиллик иш стажига эга бўлиши керак.

ТЕХНОЛОГИК УСКУНАЛАР ЧИЛАНГАРИ

ҲАЛ ва ИКК бўйича тартиб рақами	6613
КМСК бўйича код	7233
Ходимлар тоифаси	Хизмат кўрсатиш ходими

4-разрядли

Ишларнинг тавсифномаси. Мураккаб асбоб-ускуналарни, машина агрегатларини, кучланиш қурилмаларини капитал таъмиглаш, йигиш, созлаш, монтаж қилиш. Асбоб-ускуналарни ва уларнинг узелларини таъмиглаш бўйича мураккаб, муҳим ва аниқ чилангарлик ишларини бажариш ҳамда асбоб-ускуналарни таъмиглашдан сўнг топшириш. Асбоб-ускуналарни йигиш ва монтаж қилиш учун оддий мосламалар тайёрлаш. Таъмиглаш учун нуқсонлар рўйхатини тузиш.

Билиши лозим: таъмиранадиган асбоб-ускуналарнинг, машиналарнинг, кучланиш қурилмаларини ва бошқаларнинг

тузилишини; таъмиранадиган асбоб-ускуналарни синаб кўриш, ростлаш ва қабул қилиш учун техникавий шартларни; мураккаб назорат-ўлчов асбобларининг вазифасини ва ишлатиш қоидаларини; универсал ва маҳсус мосламаларниң конструкциясини; мураккаб бўлмаган турли хил деталларни белгилаб чиқиш ва уларга ишлов бериш усулларини; нуқсонларни аниқдаш ва бартараф этишни; қўйимлар ва ўтиришлар, аниқлик синфлари ва ишлов бериш соғлиги тизимини; асбоб-ускуналарни режа бўйича жорий таъмиранганинг асосий қоидаларини; меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси ва ёнгинга қарши ҳимоя қоидалари ва меъёrlарини.

Малака талаблари. Ўрта маҳсус маълумот. Касби бўйича 2 йиллик иш стажига эга бўлиши керак.

ТЕХНОЛОГИК УСКУНАЛАР ЧИЛАНГАРИ

ҲАЛ ва ИҚК бўйича тартиб рақами	6613
КМСК бўйича код	7233
Ходимлар тоифаси	Хизмат кўрсатиш ходими

5-разрядли

Ишларнинг тавсифномаси. Ўта мураккаб асбоб-ускуналарни, машиналарни ва агрегатларни капитал ва ўрта таъмираш ишлари. Деталларга ва узелларга 1-2-синф аниқлиги бўйича чилангарлик ишлови бериш. Таъмиранганинг асбоб-ускуналарни монтаж қилиш, синаб кўриш, ростлаш ва топшириш.

Билиши лозим: таъмиранадиган асбоб-ускуналарниң конструкцияси жиҳатидан тузилишини ва вазифасини; техникавий шартларга мувофиқ ҳолда асбоб-ускуналарниң аниқлигини, қувватини ва тўғри ўрнатилганини синаб кўриш қоидаларини, шунингдек машинани статик ва динамик ҳолатда мувозанат сақлашини; асбоб-ускуналарни таъмирашга оид техникавий шартларни; асбоб-ускуналарни таъмираш, йигиш ва монтаж қилиш технологик кетма-кетлигини;

мураккаб белги қўйиб чиқиш пайтида геометрик чизмалар тузишни; деталларниң муддатидан илгари ейилиб кетиши ва фалокатлар рўй бериши сабабларини аниқдаш усулларини; ейилиб кетган деталларни тиклаш ва мустаҳкам қилиш усулларини; меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги, ишлаб

чиқариш санитарияси ва ёнгинга қарши ҳимоя қоидалари ва меъёрларини.

Малака талаблари. Ўрта маҳсус маълумот. Касби бўйича З ийллик иш стажига зга бўлиши керак.

ТЕХНОЛОГИК УСКУНАЛАР ЧИЛАНГАРИ

ҲАЛ ва ИКК бўйича тартиб рақами	6613
КМСК бўйича код	7233
Ходимлар тоифаси	Хизмат кўрсатиш ходими

6-разрядли

Ишларниң тавсифномаси. Ўта мураккаб йирик габаритли ноёб асбоб-ускуналарни ва мураккаб агрегатларга зга барча турдаги ишлов бериш автоматик линияларини капитал таъмиrlаш ва ўрта таъмиrlашдан чиқариш. Ўта мураккаб ва муҳим узелларни, механизmlарни ва деталларни тиклаш ва алмаштириш. Асбоб-ускуналарни ишлатиш пайтида ва таъмиrlаш жараёнида текшириб чиқиш пайтида нуқсонларни аниқдаш ва бартараф этиш. Таъмиrlаб бўлинган асбоб-ускуналарниң ишлаш аниқлигини ва иш унумдорлигини текшириш, синааб кўриш ва топшириш.

Билиши лозим: таъмиrlанаётган ўта мураккаб асбоб-ускуналарниң конструктив хусусиятларини, тузилишини ва кинематик чизмаларини; таъмиrlанган асбоб-ускуналарниң таъмиrlаш, йигиш ва монтаж қилиш усулларини, аниқдигини текшириш ва синааб кўриш усулларини; ўта мураккаб ва муҳим деталлар ва узелларни қайта тиклаш усулларини; ишлаб турган деталларга: узелларга, асбоб-ускуналарниң механизmlарига тушадиган юкнинг йўл қўйиб бўладиган чегараларини ва бузилишларни, фалокатларниң олдини олиш профилактик чораларини; ўта мураккаб, йирик ўлчамли, ноёб ва презенцион асбоб-ускуналарни таъмиrlашга, синааб куришга ва топширишга оид техникавий шартларни; меҳнат муҳофазаси, техника ҳавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси ва ёнгинга қарши, ҳимоя қоидалари ва меъёрларини.

Малака талаблари. Ўрта маҳсус маълумот. Касби бўйича З ийллик иш стажига зга бўлиши керак.

ИССИҚЛИК ГЕНЕРАТОРЛАРИНИ ТАЪМИРЛОВЧИ ЧИЛАНГАР

ХАЛ ва ИКК бўйича тартиб рақами	6617
КМСК бўйича код	7233
Ходимлар тоифаси	Хизмат кўрсатиш ходими

3-разрядли

Ишларният тавсифномаси. Ўртача мураккабликка эга ёқилги ва вентиляция тизимларини майдада таъмирлаш ишлари ва ростлаш. Ёқилги аппаратлари тизимидағи бузилишларни аниқлаш ва бартараф этиш. Ёқилги тўлиқ ёниши учун ёнувчи аралашма концентрациясига эришиш мақсадида ёқилги ва ҳаво беришни ростлаб туриш. Назорат ўлчов асбобларининг ишлашини назорат қилиш, уларният профилактикасини амалга ошириш ва майдада таъмирлаш ишларини амалга ошириш.

Билиши лозим: ўтхона бўлимининг ёқилги-вентиляция тизими ишлashi принципининг асосларини; печларният ва вентиляция тизимларининг тузилишини; ёқилги ҳаво аралашмасининг концентрациясини; ҳаво оқимининг босимини; меҳнат муҳофазаси, техника ҳаффиизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси ва ёнгинга қарши ҳимоя қоидалари ва меъёрларини.

Мадака талаблари. Ўрта маҳсус маълумот. Иш стажи талаб этилмайди.

ИССИҚЛИК ГЕНЕРАТОРЛАРИНИ ТАЪМИРЛОВЧИ ЧИЛАНГАР

ХАЛ ва ИКК бўйича тартиб рақами	6617
КМСК бўйича код	7233
Ходимлар тоифаси	Хизмат кўрсатиш ходими

4-разрядли

Ишларният тавсифномаси. Ёқилги-вентиляция тизимларини қисмларга ажратиш, таъмирлаш, йигиш ва ростлаш. Ўтхона агрегатларини, ҳаво берувчи вентиляторларни ва ёқилги берувчи форсункалар бузилишининг оддини олиш чораларини

кўриш ва уларни таъмирлаш. Таъмирлангандан кейин синаб кўриш. Ёқилги аппаратларининг мураккаб нуқсонларини аниқлаш ва бартараф этиш.

Билиши лозим: Утхона агрегатларининг ва ҳаво вентиляцияси тизимининг тузилишини, таъмирлаш тизимини ва узеллар ҳамда деталларнинг ишлашини; ёниш жараёни асосларини; ҳаво ва сув беришни тарировкалаш технологиясини; меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси ва ёнгинга қарши ҳимоя қоидалари ва меъёрларини.

Малака талаблари. Ўрта маҳсус маълумот. Касби бўйича 2 йиллик иш стажига эга бўлиши керак.

ЭЛЕКТРИК-ЧИЛАНГАР

ХАЛ ва ИКК бўйича тартиб рақами	6660
КМСК бўйича код	7241
Ходимлар тоифаси	Хизмат кўрсатиш ходими

3-разрядли

Ишларнинг тавсифномаси. Ўртача мураккабликка эга узелларни ва аппаратларни, электр ёритиш аппаратларини қисмларга ажратиш, таъмирлаш ва йигиш. Электр машиналари, аппаратлари ва асбобларининг деталь ва узелларини чизмалар бўйича (уртача мураккабликка эга) бир-бирига улаш. Электр симлари ва кабелларини оқартириш, қалайлаш, изоляция қилиш, ётқизиш ва улаш.

Билиши лозим: хизмат кўрсатиладиган ўзгарувчан ток билан ишлайдиган электр машиналарининг тузилишини ва ишлаш принципини; электр монтаж чизмаларини ва ўртача мураккабликка эга ишга солиш-ростлаш аппаратларини; электр двигателларнинг чўткали механизмларини созлаш усулларини; ишлов берилаётган материалларнинг асосий хусусиятларини; универсал ва маҳсус мосламаларнинг, монтаж қилиш қуролларининг ва ўртача мураккабликка эга назорат-ўлчов асбобларининг тузилишини; меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси ва ёнгинга қарши ҳимоя қоидалари ва меъёрларини.

Малака талаблари. Ўрта маҳсус маълумот. Касби бўйича 2 йиллик иш стажига эга бўлиши керак.

ЭЛЕКТРИК-ЧИЛАНГАР

ХАЛ ва ИКК бўйича тартиб рақами	6660
КМСК бўйича код	7241
Ходимлар тоифаси	Хизмат кўрсатиш ходими

4-разрядли

Ишларнинг тавсифномаси. Электр машиналари, асбоблари ва аппаратларининг мураккаб деталларини тараанг ва сирганиувчан тушириш шароитларида қисмларга ажратиш, таъмирлаш ва йигиш. Мураккаб чизмалар бўйича электр машиналари, асбоблари ва аппаратларининг деталь ва узелларини улаш. Электр кучига эга қурилмаларни ерга туташтириш ва нул фазасига улаш. Таъмирланган электр машиналари, асбоблари ва аппаратларини синааб кўриш. Нуқсонлар рўйхатини тузиш.

Билиши лозим: мураккаб электр машиналари, асбоблари ва аппаратларининг тузилишини ва вазифасини; деталлар ва узелларни улашнинг мураккаб электр монтаж чизмаларини; таъмирланган электр машиналари, асбоблари ва аппаратларини синааб кўриш учун зарур техникавий шартларни; меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси ва ёнгинга қарши ҳимоя қоидалари ва меъёрларини.

Малака талаблари. Ўрта маҳсус маълумот. Касби бўйича 2 ийллик иш стажига эга бўлиши керак.

ЭЛЕКТРИК-ЧИЛАНГАР

ХАЛ ва ИКК бўйича тартиб рақами	6660
КМСК бўйича код	7241
Ходимлар тоифаси	Хизмат кўрсатиш ходими

5-разрядли

Ишларнинг тавсифномаси. Электр машиналари, асбоблари ва аппаратларининг ўта мураккаб деталларини ва узелларини барча ўчириш шароитларида қисмларга ажратиш, таъмирлаш ва йигиш. Ўта мураккаб монтаж схемаларини тайёрлап.

Электр машиналари, аппаратлари ва асбобларининг йигилган узелларини ростлаш ва синааб кўриш.

Билиши лозим: ўта мураккаб электр машиналари, аппаратлари ва асбобларининг узеллари ва гурухларининг вазифасини, тузилишини ҳамда бир-бири билан ўзаро ҳаракатланиб ишлашини; деталлар ва узеллар уланишининг ўта мураккаб электр монтаж чизмаларини; таъмирланган узелларни йигиш ва синааб кўриш учун зарур техникавий шартларни; меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси ва ёнгингта қарши ҳимоя қоидалари ва меъёрларини.

Малака талаблари. Ўрта маҳсус маълумот. Касби бўйича З ийлилк иш стажига эга бўлиши керак.

ТОКАР

ХАЛ ва ИКК бўйича тартиб раҳами	7152
КМСК бўйича код	7223
Ходимлар тоифаси	Ишлаб чиқариш ходими

2-разрядли

Ишларнинг тавсифномаси. Оддий чизмалар ва намуналар, IV ва V синф аниқлигидаги эскизлар бўйича токарлик ишларини бажаради; оддий кертикларни метчилкар, плаш-калар билан кесиш; йўриқнома карталари бўйича кесиш тартибини белгилайди; оддий конструкцияга эга кескичларни чархлади; оддий чизмаларни ўқииди; жуда оддий кертикларни очиш пайтида шестерняларни танлаб олиш учун жадвалдан фойдаланади.

Билиши лозим: токарлик дасттоҳи асосий механизмларининг бир-бири билан ўзаро ҳаракатланишини ўз дасттоҳини бошқариш ва унга хизмат кўрсатиш қоидаларини; оддий, универсал мосламаларнинг, кесувчи ва назорат-ўлчов асбобларининг вазифасини ва қўллаш усуllibарини; оддий ва кесувчи асбобларни чархлаш бурчагини; қаттиқ қотишмалардан тайёрланган кескичлар билан ишлашнинг ўзига хос хусусиятларини; дасттоҳнинг айланиш тезлигини ва сурилишини; ишлов бериладиган материалларнинг тоблашгача ва тоблашдан

кейинги асосий хусусиятларини; меңнат мұхофазаси, техника хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси ва ёнгинга қарши ҳимоя қоидалари ва меъёрларини.

Малака талаблари. Үрта мағсус маълумот. Иш стажи талаб этилмайди.

ТОКАР

ХАЛ ва ИКК бүйича тартиб рақами	7152
КМСК бүйича код	7223
Ходимлар тоифаси	Ишлаб чиқариш ходими

3-разрядли

Ишларнинг тавсифномаси. III синф аниқлик билан чизмалар, эскизлар ва намуналар бүйича сода деталларга ишлов беради; үртача мураккабликка зга чизмаларни үкиш; үртача мураккабликка зга деталларни кесиш пайтида бир үлчамга ўтиш тартибини мустақил белгилайди; оддий конфигурацияга зга кескичларни қайрайди; оддий кертикларни очади; үртача мураккабликка зга назорат-ўлчов асбоблари ва мосламаларидан фойдаланади.

Билиши әозим: муайян типдаги токарлик станокларининг тузилишини, уларни бошқариш ва уларни ишлатиш қоидаларини; күпроқ ишлатиладиган асбобларнинг ва мосламаларнинг вазифасини ҳамда құллаш усууларини, шунингдек улар билан муносабатда бўлиш қоидаларини; асбобларни қайрашнинг асосий бурчакларини; қаттиқ қотишмалардан ясалган кесиш асбобларини құллашнинг ўзига хос хусусиятларини; конусларга ишлов бериш усууларини; бажариладиган ишлардаги нуқсонларнинг сабабларини, унинг олдини олиш ва бартараф этиш чораларини; советувчи суюқликларни құллаш қоидаларини; меңнат мұхофазаси ва техника хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси ва ёнгинга қарши ҳимоя қоидалари ва меъёрларини.

Малака талаблари. Үрта мағсус маълумот. Касби бүйича 2 йиллик иш стажига зга бўлиши керак.

ТОКАР

ХАЛ ва ИКК бўйича тартиб рақами	7152
КМСК бўйича код	7223
Ходимлар тоифаси	Ишлаб чиқариш ходими

4-разрядли

Ишларнинг тавсифномаси. II ва III синф аниқлиги билан чизмалар, эскизлар ва намуналар бўйича ўртacha мураккабликка эгадеталларга ишлов беради; кертикларни очишучун шестерниялар танлаб олиш ва кертикларни очади (аниқ учбурчакли, бир айланиб киравчи, тўгри бурчакли ва трапецияга ўхшаш); конуссимон юзаларга ишлов бериш учун қияликларни ҳисоблаб чиқади; мустақил равишда ёки йўриқнома карталар бўйича ўтиш тартиби ва кесишнинг энг унумли тежамкор тартибини, ҳаракатланиш, кесиш чуқурлиги, айланиш миқдори ва кесиш тезлигини мустақил белгилайди; кесувчи асбобларни қайраш ва ўрнига солиш, штангенциркул, микрометр, бурчак ўлчагич, чекки нормал калибрлар ва бошқа мосламалар (турли-туман гардишлар, пасангилар, бортштангалар, расточка қиладиган каллаклар, қанотсимон суппортлар ва конуссимон чархлаш учун мосламалар)дан фойдаланади; ўртacha мураккабликка эга чизмаларни ўқиди; деталларни станокда тўгрилаб чиқади; тайёрланган детални чизмалар бўйича текшириб чиқади.

Билиши лозим: токарлик-винт кесиш, карусел станокларнинг тузилишини, уларни ишлатиш ва уларга хизмат кўрсатиш қоидаларини; асосий металларнинг технологик хусусиятларини ва кесиш тартибини танлашнинг оддий қоидаларини; кесиш назарияси асосларини ва кесувчи асбобларнинг геометриясини; қаттиқ қотишмалардан ясалган кескичлар билан ишлашнинг ўзига хос хусусиятларини; кесувчи асбобларнинг чархлаш бурчакларини; деталларни маҳкамлашнинг турли усулларини; меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси ва ёнгинга қарши ҳимоя қоидалари ва меъёrlарини.

Малака талаблари. Ўрта маҳсус маълумот. Касби бўйича 2 йиллик иш стажига эга бўлиши керак.

ТОКАР

ХАЛ ва ИКК бўйича тартиб рақами	7152
КМСК бўйича код	7223
Ходимлар тоифаси	Ишлаб чиқариш ходими

5-разрядли

Ишларнинг тавсифномаси. Бир неча юзаларда турли хил мосламалар ёрдамида ўринин алмаштиришни ва мураккаб мустаҳкамлашни ва аниқ солиштириб кўришни талаб этадиган мураккаб деталларга ва кўп сонли утиш жойларига эга деталларга II синф аниқлик бўйича токарлик ишлови беради. Шаклдор юзаларни ва ишлов бериш ҳамда үлчаш учун қийин жойларга эга эгри чизиқли цилиндрик юзалар билан туташган юзаларни зговлаб текислади. Узун валларга ва винтларга люнетларни қўллаб токарлик ишлови беради, турли-туман профилга ва қадамга эга кўп кириб-чиқиши резбаларни кесади. Чернякларнинг профилини 8-9 даражали аниқлик билан охирги бор кесади. Янги ва ишлаб едирилган мураккаб валларнинг бўйинларини силлиқлаш билан уларга токарлик ишловини беради.

Билиши лозим: турли-туман конструкциядаги токарлик станокларининг, универсал ва маҳсус мосламаларнинг конструктив жиҳатдан ўзига хослигини ва уларнинг аниқлигини текшириш қоидаларини; деталларни ўрнатиш ва солиштириб кўриш қоидаларини; турли хил кесиш асблоларининг геометриясини, термик ҳолда ишлов бериш, қайраш ва меъёрига етказиш қоидаларини; мураккаб профилларни калибрлашнинг асосий принципларини; мураккаб назорат-улчов асблолари ва иш қуролларини тўғрилаш ҳамда ростлаш қоидаларини; маълумотномалар ва станокнинг паспорти бўйича кесиш тартибини белгилаш қоидаларини; меҳнат муҳофазаси, техника ҳавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси ва ёнгинга қарши ҳимоя қоидалари ва меъёрларини.

Малака талаблари. Ўрта маҳсус маълумот. Касби бўйича 3 йиллик иш стажига эга бўлиши керак.

ФРЕЗЕРЧИ

ХАЛ ва ИКК бўйича тартиб рақами	7402
КМСК бўйича код	7223
Ходимлар тоифаси	Ишлаб чиқариш ходими

4-разрядли

Ишларнинг тавсифномаси. Нормал кесиш асбоблари ва мосламаларини қўллаб, горизонтал ва вертикал фрезерлик станокларида мураккаб деталларни ва асбобларни 3-синф аниқлик билан фрезерлаш. Мураккаб бўлмаган йириқ деталларга 3-синф аниқлиги билан ишлов бериб фрезерлаш. Турли конфигурациялар ва туташишларнинг, бир айланиб кирувчи вертикларнинг ва спиралларнинг ташқи ва ички сатҳларини ва юзаларини фрезерлаш. Шестернялар тишларини фрезерлаш учун ҳисобларни бажариш. Деталларни турли мосламаларда 2 текисликда аниқ тўғрилаш билан ўрнатиш.

Билиши лозим: универсал, горизонтал, вертикал, нусха кўчириш ва бўйлама-фрезерлик станокларининг тузилишини ва кинематик чизмаларини, уларнинг аниқлигини синаб кўриш қоидаларини; универсал ва маҳсус мосламаларнинг конструкция жиҳатидан ўзига хослигини ва уларни қўллаш қоидаларини; мураккаб назорат ўлчов асбобларининг ва иш қуролларининг тузилишини; фрезерларнинг геометриясини ва қайраш ҳамда ўрнатиш қоидаларини; қўйимлар ва ўтиришлар тизимини, аниқлик синфларини ва ишлов беришнинг нуқсонсизлигини; меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси ва ёнгинга қарши ҳимоя қоидалари ва меъёrlарини.

Малака талаблари. Ўрта маҳсус маълумот. Касби бўйича 2 йиллик иш стажига эга бўлиши керак.

ФРЕЗЕРЧИ

ХАЛ ва ИКК бўйича тартиб рақами	7402
КМСК бўйича код	7223
Ходимлар тоифаси	Ишлаб чиқариш ходими

5-разрядли

Ишларнинг тавсифномаси. Турли-туман конструкциядаги фрезерлик станокларида бир неча текисликларда турли хил усул билан мустаҳкамлаш ва аниқ солиштириб кўришини талаб этувчи мураккаб муҳим деталларни ва асбобларни 2-синф аниқлик билан фрезерлаш. Барча зарур ҳисоблаш ишларини бажарган ҳолда универсал тақсимлагич каллакларда турли-туман кертиклар ва спиралларни кесиш. Универсал асбоб-ускуналарда йирик габаритли деталларни фрезерлаш. Шестернялар тишларини ва тишили рейкаларни 8-даражали аниқлик билан фрезерлаш.

Билиши лозим: турли типдаги ва турли конструкцияга эга фрезерликстанокларининг, универсалвамахсусмосламаларнинг конструкция жиҳатидан ўзига хос хусусиятларини ва аниқлигини текшириш қоидаларини; деталларни ўрнатиш ва солиштириб кўриш усулларини; гидираклар тишларини, турли профилдаги шестерняларни, кўп айланиб киравчи фрезерларни, винтларни ва спиралларни фрезерлаш пайтида алмаштириладиган шестерняларни танлаш учун ҳисоблаш ишларини; фрезерларнинг геометриясини, термик ишлов бериш қоидаларини; қайрашни ва мөъёрита етказишни; металл кесиш назариясининг асосларини; мураккаб назорат-ўлчов асбоблари ва иш қуролларини созлаш ва ростлаш қоидаларини; маълумотномалар ва станокнинг паспорти бўйича кесиш тартибини белгилаш қоидаларини; меҳнат муҳофазаси, техника ҳавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси ва ёнтинга қарши ҳимоя қоидалари ва мөъёrlарини.

Малака талаблари. Ўрта маҳсус маълумот. Касби бўйича З йиллик иш стажига эга бўлиши керак.

ТРАКТОРЧИ

(Хомашё, тайёр маҳсулотлар ва бошқа юкларни ташиш бўйича)

ХАЛ ва ИКК бўйича тартиб рақами	7189
КМСК бўйича код	8331
Ходимлар тоифаси	Ишлаб чиқариш ходими

4-разрядли

Ишларнинг тавсифномаси. Суюқ ёқилги билан ишловчи тракторларни бошқаради; хомашёни ва турли юкларни тирков мосламалари (аравалари) ва қурилмаларидан фойдаланган ҳолда ташийди. Ташилаётган хомашё ва юкларни ортиш ҳамда туширишини кўздан кечириб туради. Тракторга ёқилги қўйиш ҳамда тракторни ва барча тирков мосламаларини мойлаш ишларини бажаради. Тракторнинг ишлашидаги носозликларни аниқлади ва бартараф этади. Хизмат кўрсатиладиган тракторни ва тирков мосламаларини жорий таъмирлаш ва барча бошқа хил таъмирлаш ишларида қатнашади.

Билиши лозим: хизмат кўрсатиладиган тракторнинг тузилишини ва ишлаш принципларини; йўл ҳаракати қоидаларини; хомашё ва бошқа юкларни ортиш, тахлаш ва тушириш қоидаларини; тирков қурилмалари ва мосламалари билан ишлаш қоидаларини; тракторнинг ишлашидаги нуқсонларни аниқдаш ва бартараф этиш усулларини; хизмат кўрсатиладиган двигателнинг қувватини ва тирков мосламаларига ортиладиган юк миқдорининг чегарасини; ташиладиган хомашё ва юклар учун қабул қилиш-топшириш ҳужжатларини расмийлаштириш тартибини; меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси ва ёнгинга қарши ҳимоя қоидалари ва меъёрларини.

Малака талаблари. Ўрта маҳсус маълумот. Касби бўйича 2 йиллик иш стажига эга бўлиши керак.

ЕРДАМЧИ ИШЧИ

ХАЛ ва ИКК бўйича тартиб рақами	5444
КМСК бўйича код	9141
Ходимлар тоифаси	Ишлаб чиқариш ходими

2-разрядли

Ишларнинг тавсифномаси. Эҳтиёткорликни талаб этадиган юкларни (шишалар, суюқлик солинган бутилкалар, ёнгиндан хавфли моддалар, заҳарловчи моддалар ва ш.к.) ҳамда чангсимон материаллар (қопланмаган цемент, майдаланганд оҳак, гипс ва ш.к.)ни қўл билан аравачаларга (вагонеткаларга) ортиш, тушириши

ва силжитиш ҳамда таҳлаш ишларини бажаради. Барча юкларни замбилғалтаклар ёрдамида, шунингдек араваларда ташыйди.

Билиши лозим: эҳтиёткорликни талаб этадиган юкларни ва чангсимон материалларни ортиш, тушириш, силжитиш ва жойлаш усуllibарни; қабул қилиш, топшириш ва илова қилинадиган ҳужжатларни расмийлаштириш тартибини; юкларни хилларга ажратиш тартибини; меҳнат муҳофазаси, техника ҳавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси ва ёнгинга қарши ҳимоя қоидалари ва меъёрларини.

Малака талаблари. Ўрта умумий маълумот. Иш стажи талаб этилмайди.

СУВОҚЧИ

ХАЛ ва ИКК бўйича тартиб рақами	7603
КМСК бўйича код	7133
Ходимлар тоифаси	Ишлаб чиқариш ҳодими

5-разрядли

Ишларнинг тавсифномаси. Юзаларни суваб чиқиша ва уларнинг тўкилган сувоқларини таъмирлашда мураккаб ишларни бажаради. Техникавий шартларга мувофиқ мутаносибликка риоя этган ҳолда, суваш ишларини бажариш учун турлитуман қоришмаларни тайёрлайди. Асбобларнинг ҳолати меъеридалигини назорат қилиб туради. Сувоқ беришининг тўғрилитетини текшириб туради.

Билиши лозим: юқори даражада сифатли сувоқ ишларини бажариш усуllibарини; турли хил суваш ишлари технологиясини ва қоришма тайёрлаш усуllibарини; юқори сифатли манзарали ва олд томонларнинг сувоқларини бажаришни; олд томоннинг ташқи ва ички юзаларини белгилаб чиқиш ва бўлакларга бўлиш намуналарини; бўртма раЖлар учун зарур андозаларни тайёрлашни ва уларнинг тузилишини. Махсусхизматни бажариш учун мўлжалланган сувоқлар (гидроизоляция, газоизоляция, товушларни ютувчи, иссиққа чидами ва бошқалар)ни бажариш усуllibарини; меҳнат муҳофазаси, техника ҳавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси ва ёнгинга қарши ҳимоя қоидалари ва меъёрларини.

Малака талаблари. Ўрта маҳсус маълумот. Касби бўйича 1 ийллик иш стажига эга бўлиши керак.

СУВОҚЧИ

ХАЛ ва ИКК бўйича тартиб рақами	7603
КМСК бўйича код	7133
Ходимлар тоифаси	Ишлаб чиқариш ходими

6-разрядли

Ишларнинг тавсифномаси. Юзаларни суваб чиқиш ва уларнинг тўкилиб тушган сувоқларини таъмирлаш пайтида ўта мураккаб ишларни бажаради.

Билиши лозим: ўта мураккаб юзаларни суваш учун белгилаш усулларини ва йўлларини; санъаткорона сувоқларни бажариш йўлларини ва усулларини; меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси ва ёнгинга қарши ҳимоя қоидалари ва меъёрларини.

Малака талаблари. Ўрта маҳсус маълумот. Касби бўйича 2 ийлилк иш стажига эга бўлиши керак.

ЭЛЕКТР ПАЙВАНДЧИ

ХАЛ ва ИКК бўйича тартиб рақами	7773
КМСК бўйича код	7212
Ходимлар тоифаси	Ишлаб чиқариш ходими

4-разрядли

Ишларнинг тавсифномаси. Пайвандлаш чокининг барча фазовий қопламаларда қўл билан электр ёйи ва газэлектр ёрдамида углеродли ва конструкцион пўлатлардан, рангли metallар ва қотишмалардан аппаратларни, узелларни, конструкцияларни ва трубопроводларни пайвандлаш. Чўяндан ясалган конструкцияларни пайвандлаш. Машиналар, механизм ва конструкциялар деталларининг нуқсонларини металл қўйиб тўлдириш. Деталлар, узеллар ва мураккаб асбобларни эритиб қўйиш. Пайвандланган мураккаб металл конструкцияларининг чизмаларини ўқиш.

Билиши лозим: турли хил электр пайвандаш аппаратларининг тузилишини; ўзгарувчан ва ўзгармас ток билан пайвандаш ҳамда электр ёйи билан кесишнинг ўзига хос хусусиятларини; бажариладиган иш доирасида электр техникасининг асосий қонунларини; пайвандланган чокларни синааб кўриш усуllibарини; пайвандланган чоклардаги нуқсонларнинг турларини ҳамда уларнинг олдини олиш ва бартараф этиш усуllibарини; асбоблар ёрдамида пайвандлаш тартибини танлаш принципларини; электродларнинг марка ва типларини; пайвандланадиган металларнинг механик хоссаларини; меҳнат муҳофазаси, техника ҳавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси ва ёнгинга қарши ҳимоя қоидалари ва меъёrlарини.

Малака талаблари. Ўрта маҳсус маълумот. Касби бўйича 2 йиллик иш стажига эга бўлиши керак.

ЭЛЕКТР ПАЙВАНДЧИ

ХАЛ ва ИКК бўйича тартиб рақами	7773
КМСК бўйича код	7212
Ходимлар тоифаси	Ишлаб чиқариш ходими

5-разрядли

Ишларнинг тасифномаси. Турихилпўлатлар, рангли металлар ва қотишмалардан ясалган муҳим аппаратларни, конструкциялар узелларини ва трубопроводларни электр ёйи ва газэлектр ёрдамида қўл билан пайвандлаш. Оғир шароитларда ишловчи муҳим мураккаб қурилиш ва технологик конструкцияларни электр ёйи ва газ электр ёрдамида қўл билан пайвандлаш. Блок усулида бажарилган муҳим конструкцияларнинг пайвандлаш чокларини барча фазовий ҳолатларда пайвандлаш. Машина, механизм ва конструкцияларнинг муҳим деталлари нуқсонларини металл қўйиб тўлдириш. Узелларнинг ўта мураккаб ва муҳим деталларини эритиб қўйиш.

Билиши лозим: турли типдаги пайвандлаш машиналарининг электрик схемаларини ва конструкцияларини; пайвандланаётган металларнинг, шу жумладан юқори легирланган пўлатнинг, металлнинг технологик хусусиятларини, уларни турли-туман маркадаги электродлар билан эритиб қўйишни; чокларни қоплаш ва пайвандлаш тартибларининг технологик кетма-кетлигини;

муҳим пайвандлаш чокларини назорат қилиш ва синааб кўриш усулларини; ўта мураккаб пайвандланадиган фазовий металл конструкцияларнинг чизмаларини ўқиши; меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси ва ёнгинга қарши ҳимоя қоидалари ва меъёrlарини.

Малака талаблари. Ўрта маҳсус маълумот. Касби бўйича 2 йиллик иш стажига эга бўлиши керак.

ЭЛЕКТР ПАЙВАНДЧИ

ХАЛ ва ИКК бўйича тартиб рақами	7773
КМСК бўйича код	7212
Ходимлар тоифаси	Ишлаб чиқариш ходими

6-разрядли

Ишларнинг тавсифномаси. Мураккаб ва муҳим аппаратлар, деталлар, узелларни, динамик ва вибрацион куч ва босим остида ишлаш учун мўлжалланган, турли пўлатлардан, чўяндан, рангли металл ва қотишмалардан тайёрланган конструкциялар ва қувурларни қўлда ёй, плазма ва газ билан пайвандлаш. Оғир шароитларда ишловчи муҳим мураккаб қурилиш ва технологик конструкцияларни ёй, плазма ва газ билан қўлда пайвандлаш. Ҳар хил пўлатлардан, рангли металлардан ва қотишмалардан ясалган ўта мураккаб деталларни тўғри чизиқли ва горизонтал ҳолда кислород ва плазма билан кесиш. Пайвандлашдан сўнг пайвандлаш чокларига газ горелкаси билан термик ишлов бериш. Ўта мураккаб пайвандланадиган фазовий металл конструкцияларнинг чизмаларини ўқиши.

Билиши лозим: турли хил пайвандлаш машиналарининг, автоматлар, ярим автоматлар ва ток билан таъминлаш манбаларининг электр схемаларини ва конструкцияларини, пайвандланадиган металларнинг технологик хусусиятларини; чок қўйиш ва пайванддаш тартибининг технологик кетма-кетлигини ташлашни, муҳим пайвандлаш чокларини назорат қилиш ва синааб кўриш усулларини; термик ишлов беришнинг пайвандлаш чоки хусусиятларига таъсирини; металларни сув остида кесиш қоидаларини; меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги, ёнгинга қарши ҳимоя қоидалари ва меъёrlарини.

Малака талаблари. Ўрта маҳсус маълумот. Касби бўйича 3 йиллик иш стажига эга бўлиши керак.

НУРЧИ (ЭЛЕКТРИК)

ХАЛ ва ИКК бўйича тартиб рақами	7724
КМСК бўйича код	3114
Ходимлар тоифаси	Техник

2-разрядли

Ишларнинг тавсифномаси. Оддий схемада уланадиган куч ва ёритиш электр қурилмаларига хизмат кўрсатиш. Ўзидан юқорироқ малакага эга электр монтёр бошчилигида идора подстанцияларида, трансформатор электр станцияларида уларни кучланишдан бутунлай узиб қўйилган ҳолда оддий ишларни бажариш. Хизмат кўрсатиладиган объектдаги ёки участкадаги электр асбоб-ускуналарини улаш, электр токи йўналишини ўзгартириш ва узиб қўйиш. Куч ва ёритиш тармоқларидағи, ишга солиш-ростлаб туриш аппаратураларидағи ва электр двигателларидағи бузилишларнинг сабабларини аниқлаш ва оддий шикастланишларни бартараф этиш; 1000 В гача кучланишли симларни бўлиш, бир-бирига улаш, изоляция қилиш ва қалайлаш. Оддий ёритиш аппаратлари (нормал ҳолдаги ва чўгланма лампали чангдан ҳимояланган)ни, улагичларни, штепселли розеткаларни, деворга ўрнатиладиган патронларни ва саноат пројекторларини зарядлаш ва ўрнатиш. Мегометр ёрдамида тақсимлаш тармоқлари ва электр двигателлари статорлари ҳамда роторлари обмоткалари изоляциясининг қаршилигини текшириш. Электр сигнализацияси асбобларини ўрнатиш ва ростлаш.

Билиши лозим: электр техника асосларини; ўзгармас ва ўзгарувчан ток электр двигателари ва генераторларнинг, трансформаторларнинг, тақсимлаш қурилмалари ва электр асбобларининг ишлаш принципларини; электр техника материалларининг асосий турларини, уларнинг хоссалари ва вазифаларини; паст кучланишга эга симларни улаш ва қалайлаш йўллари ва усулларини; электр двигателларни ишга солиш ҳамда ўчириш тартиби ва қоидаларини; электр токи билан шикастланганда биринчи ёрдам кўрсатиш қоидаларини; хизмат кўрсатиладиган участкадаги электр асбоб-ускуналарининг ток билан таъминланиш ва жойлашиш схемасини; реле ҳимояси

тұғрисидаги умумий маълумотларни ва релеларнинг турларини; ёритиш арматураси (нормал ва чүгланиш лампали чангдан ҳимояланган)ни, шунингдек электр құнгироқлари ва бошқа сигнализация асбобларини зарядлаш ва үрнатиш қоидаларини; зәңг күп тарқалған универсал ва махсус мосламаларнинг, оддий ва үртаса мұраккаб назорат-ұлчов асбобларининг вазифасини ва құлланиш шароитларини; меңнат мұхофазаси, техника хавфсизлиги, ишлаб чиқарыш санитарияси ва ёнғинга қарши ҳимоя қоидалари ва меъёrlарни.

Малака талаблари. Үрта махсус маълумот. Касби бүйича 2 ийлilik иш стажига зәга бўлиши керак.

НУРЧИ (ЭЛЕКТРИК)

ХАЛ ва ИКК бүйича тартиб рақами	7724
КМСК бүйича код	3114
Ходимлар тоифаси	Техник

3-разрядли

Ишларнинг тавсифномаси. Кучланиш 10 кв гача бўлган электр машиналари ва аппаратларини қисмларга ажратиш, ўртамиёна таъмираш, йигиши, үрнатиш ва уларнинг марказларини тұгрилаш. Электр аппаратлари ва асбоблари таглаты учун катта гурухий шитларни ва мұраккаб металл конструкцияларни тайёрлаш, монтаж қилиш ва үрнатиш. Люминицент ёритишининг оддий схемаларини монтаж қилиш ва таъмираш. 10 кв гача кучланишга зәга кабелларничуватиш, ажратиш, фазаларга бўлиш ва етказиш. Тебранма ва сирпанма подшипникларни алмаштириш. Сирпанувчи подшипникларга баббит қўйиш. Портлашдан хавфсиз арматураларни таъмираш, зарядлаш ва үрнатиш. Чизмалар бўйича куч ва ёритиш электр симларини режалаб чиқиш. Цехнинг тақсимлаши пунктлари ва бошқариш панелларидаги асбоб-ускуналарни таъмираш ва монтаж қилиш. Мұраккаб таянчларни алмаштириш ва үрнатиш, уларни арматура билан жиҳозлаш, электр симларини таранг қилиб тортиш. Изоляция класси 10 кв гача бўлган печка, пайвандаш, мойли ва ұлчов трансформаторларини тұлық таъмираш. Изоляция класси 35 кв гача бўлган икки обмоткали

күч трансформаторларининг айрим деталлари ва узелларини алмаштириш билан бирга, нуқсонлари ва носозликларини бартараф этган ҳолда таъмираш. Электр асбобларини, электромагнит, магнитли-электрик ва электродинамик тизимларни қисмларга ажратиш, таъмираш, йигиш ва созлаш ишларини бажариш. Динамик тизимларни ўрнатиш ва тармоққа улаш. Электр ҳисоблагичларини ва лампалари сони бештадан ортиқ бўлган ёритгичларни ўрнатиш ва тармоқда улаш. Ўзидан юқорироқ малакага эга электр монтёр бошчилигида мураккаб слесарлик йигиш ишларини ва юқори кучланиши электр машиналарини таъмираш ишларини бажариш.

Кучланиши 2500 В дан юқори бўлган трансформаторлар обмоткаларининг, кабелларининг кирган ва чиқсан жойлари изоляциясининг қаршилигини мегометр билан текшириб ва ўлчаб кўриш. Баландлиги 9 м дан ортиқ бўлган таянчларни алмаштириш ва ўрнатиш, уларни крюклар ва изоляторлар билан жиҳозлаш.

Билиши лозим: электр техника асосларини, бир типдаги электр машиналарининг, ўзгармас ва ўзгарувчан ток билан ишлайдиган электр двигателларининг, трансформаторларининг, электр аппаратлари ва асбобларининг тузилишини; ҳар хил электр материалларининг турларини, уларнинг хоссаларини ва вазифаларини; ишга солиш ва ростлаб туриш қурилмаларининг, сақлагичларининг, контактларнинг ва контроллёрларнинг конструкциясини ва вазифасини; изоляцияни мегометр билан синааб кўриш қоидалари ва меъёrlарини; юқори ва паст кучланишга эга симларни алмаштириш, улаш ва қалайлаш ўллари, усулларини; кабелларни бинолардан, ер остидан ва осма трасслардан ўtkазиш қоидаларини; электр магнит, магнитоэлектрик тизимлар асбоблари схемасини; электр машиналари, аппаратлари ва асбобларини таъмираш ва монтаж қилиш қоидалари ва усулларини; универсал ва маҳсус мосламаларнинг, оддий ва ўртача мураккабликка эга назорат-ўлчов асбобларининг тузилишини; меҳнат муҳофазаси, техника ҳавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси ва ёнгинга қарши ҳимоя қоидалари ва меъёrlарини.

Малака талаблари. Ўрта маҳсус маълумот. Касби бўйича З ийллик иш стажига эга бўлиши керак.

ЁНГИНДАН САҚЛАШ ПРОФЕССИОНАЛ ХИЗМАТИ

КОРХОНА ЁНГИНДАН САҚЛАШ ПРОФЕССИОНАЛ ОТРЯДИНИНГ БОШЛИГИ

ХАЛ ва ИКК бўйича тартиб рақами	4348
КМСК бўйича код	1229
Ходимлар тоифаси	Бошқарув ходими

Лавозим вазифалари. Корхона ва унга қўшимча қилиб берилган тайёрлов масканларининг ёнгиндан сақлаш профессионал отрядининг ишига бошчилик қиласди. Корхона (объект)нинг ёнгинга қарши ҳимоя ишларини пухта ташкил этишни таъминлайди. Техника воситаларидан тўтри фойдаланишни, уларнинг тўгри сақланишини, ўт ўчириш техникаси асбоб-ускуналарининг ва ўт ўчириш воситаларининг доим шай ҳолатда турганлигини, ёнгинга қарши қоидаларга риоя этилаётганини назорат қиласди. Портлаш-ёнгин чиқиши хавфсизлиги хизмати ишини ташкил этиш бўйича ҳар чоракка иш режалаштиради ва унинг бажарилишини назорат қиласди. Умумий ёнгинга қарши ҳимояни кучайтириш бўйича ички ишлар органлари ва давлат ёнгин назорати органлари билан қўшма машқлар ўтказишни ташкил этади. Белгиланган дастур бўйича (бир йилда 40 соат) шахсий таркиб билан, шунингдек кўнгилли ўт ўчириш дружинаси аъзолари билан мунтазам равишда хизмат машқлари ўтказади. Ҳар куни портлаш, ёнгин чиқиши хавфсизлиги ҳолатини текшириб чиқади, аниқланган камчиликларни бартараф этиш чораларини кўради. Объектнинг умумий ёнгинга қарши ҳолатини яхшилаш бўйича, техника воситаларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади ва уни корхона раҳбарига тақдим этади. Белгиланган муддатларда моддий мулклар ва ҳозирги замон ўт ўчириш конструкциялари бўйича ишланган техник воситаларни сотиб олиш учун талабномалар топширади. Шахсий таркиб аъзолари навбатчиликка тушишидан олдин уларга йўриқнома беради. Ёнгинга қарши техникани, асбоб-ускуналарни ва анжомларни жанговар ҳолатда сақлашни таъминлайди. Ўт ўчириш техникавий комиссияси ишида қатнашади. Ёнгиндан

хавфли камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш ва Давлат үт үчириш назорати органларининг ёзма кўрсатмаларини ўз вақтида бажариш учун, шунингдек отряднинг шахсий таркиби хизматини бажараётган пайтда техника хавфсизлиги қоидаларига риоя этишлари учун жавоб беради.

Билиши лозим: отряд томонидан (шу жумладан отряднинг барча аъзолари томонидан) бажариладиган вазифаларни, йўриқномаларни, хизмат бурчларини; қўриқланаётган объектнинг ҳудудини, унинг энг қалтис участкаларини, цех ва участкаларнинг аҳамиятта згалигини, ишлаб чиқариш технологик жараёнининг хусусиятларини, унинг ёнгин-портлаш хавфлиларни; постларнинг дислокациясини ва маршрутларини, улардаги қўриқлаш техника воситаларининг ҳолатини, хабардор қилиш, алоқа, сигнализация усулларини; постларга бўйсунувчиларнинг ҳар бирининг ишchanлик сифатини ҳисобга олган ҳолда жой-жойига қўйиш қоидаларини; мавжуд камчиликларни бартараф этиш тўгрисида ёзма кўрсатма тузиш ва бериш қоидаларини; меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси ва ёнгинга қарши хавфсизлик қоидалари ва меъёлларини.

Малака талаблари: Олий муҳандис-техник маълумот ва ёнгинга қарши мудофаа органларида З йилдан кам бўлмаган иш стажи.

ТАЙЁРЛОВ МАСКАНИ ЁНГИНДАН САҚЛАШ ПРОФЕССИОНАЛ БЎЛИМИНИНГ БОШЛИГИ

ХАЛ ва ИКК бўйича тартиб рақами	4348
КМСК бўйича код	1229
Ходимлар тоифаси	Бошқарув ходими

Лавозим вазифалари. Корхонанинг ёнгинга қарши ҳимоя профессионал бўлимига бошчилик қиласи. Қуритиш цехларида, омборхоналарда ва тайёрлаш масканларида ёнгиндан сақлаш қоидаларига риоя этилаётганини назорат қиласи. Ёнгинга қарши шароитларни яхшилаш бўйича тадбирлар ишлаб чиқади. Иш жойларида шароитларни урганиб чиқади, ҳозирги замон конструкциясидаги ёнгинга қарши техника воситаларини

жорий этишда қатнашади. Мәҳнат мұхофазаси ва техника хавфсизлиги қоидалари бүйича янги ишга қабул қилинган шахсларға дастлабки йүриқномалар ва ишлаб турғанларға даврий йүриқномалар беради. Тузилма бұлинмалари раҳбарлари томонидан бериладиган йүриқномалар сифатини назорат қиласы. Ишчиларға хавфсиз ишлаш усуllари бүйича қоидалар, үқитиши дастурлари ишлаб чиқышда қатнашади. Ёнгинга қарши қоидаларни тарғибот қиласы. Шахсий таркиб бұлинмаларининг ва техниканинг үт үчиришга доимий жанговар тайёргарлигини таъминлады. Үт үчириш техникавий комиссияси ишида қатнашади. Күнгилли үт үчириш дружинасининг ишига бошчилек қиласы. Хизмат қилиш пайтида шахсий таркиб томонидан техника хавфсизлиги қоидаларига риоя этилиши учун жавоб беради. Корхона раҳбарыга ва корхона ёнгинга қарши ҳимоя отряды бошлигига бүйсунади.

Билиши лозим: ёнгинга қарши хавфсизлик бүйича қоидаларни ва йүриқномаларни; хизмат күрсатыладиган корхонанинг ҳудудини; барча мавжуд техника ва бошқа үт үчириш воситаларини ва улар билан муносабатда булиш қоидаларини; пакта ва пакта маҳсулотлари, шунингдек бинолар, иншоотлар ва асбоб-ускуналар бирдан ёниб кетгенде үчириш усуllари ва йұлларини; ёниб кетиш сабабларини анықлаш усуllарини, текшириш натижалари бүйича ҳисобот тузишни; ёнгинни үчириш воситаларини танлаш қоидаларини; ҳисоботлар тузиш усуllарини; мәҳнат мұхофазаси, техника хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси ва ёнгинга қарши хавфсизлик қоидалари ва меъерларини.

Малака талаблари: Олий мұхандис-техник маңлумот ва ёнгинга қарши мудофаа ташқилотларидаги иш стажи 2 йилдан кам бұлмаслығи лозим.

ҮТ ҮЧИРИШ МАШИНАСИННИГ ҲАЙДОВЧИСИ, ҮТ ҮЧИРИШ МОТОПОМПАСИННИГ МОТОРИСТИ

ХАЛ ва ИКК бүйича тартиб рақами	873
КМСК бүйича код	8324
Ходимлар тоифаси	Ишлаб чиқариш ходими

2-разрядли

Лавозим вазифалари. Автомашина (мотопомпа) ва насосларнинг ишчи ҳолати ва доимий техникавий тайёрлиги учун жавоб беради. Автомашинага ва унинг барча узелларига (мотопомпа) ҳамда насосларга техникавий хизмат кўрсатади ва уларни майда таъмиглаш ишларини бажаради. Навбатчиликка киришиш пайтида ўт ўчириш техникасининг ишчи ҳолатини ва жанговар тайёргарлигини текшириб чиқади. Ўт ўчириш депосидан ёнгин чиқдан барча бино ва иншоотларгача бўлган энг қисқа ва хавфсиз йўналишларни аниқлади ва улардан фойдаланади. Навбатчилик бошланишида ўт ўчириш автомашинаси (мотопомпаси)ни қабул қилиб олади ва навбатчилик тутагандан сўнг қабул қилиш (топшириш) тўгрисида бошлиққа хабар беради. Смена кам сонли бўлган ҳолларда ўт ўчириш машинасининг ҳайдовчиси катта ҳайдовчининг вазифаларини бажаради ва унинг ҳуқуқларидан фойдаланади. Ўт ўчириш пайтида ўт ўчириш машинасининг барча узеллар ва агрегатларини бошқаради.

Билиши лозим: автомашина (мотопомпа)нинг, унинг барча узел ва агрегатларининг тузилишини; барча механизмларнинг ишлаш принципларини; ўт ўчириш машинасидаги ва унинг механизмларидаги нуқсонларни тезда аниқлаш ва бартараф этишни; ўт ўчириш депосидан барча бинолар ва иншоотларгача бўлган энг қисқа хавфсиз йўлдан боришни; ўт ўчириш гидрантларининг, табиий ва сунъий ҳовузларнинг жойлашган жойларини; сувни ўт ўчириш шлангларига бериш ва улардаги босимни тўғрилаб туриш йўллари ва усусларини; техникани жанговар ҳолатда ёйиш ва уни ўт ўчиришга тайёр ҳолатга келтириш қоидларини; меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси ва ёнгинга қарши ҳимоя қоидлари ва меъёrlарини.

Малака талаблари: Ўрта маҳсус маълумот, тегишли категориядаги автомобилларни бошқариш учун гувоҳнома ва ҳайдовчи лавозимида З йилдан кам бўлмаган иш стажи.

ЎТ ЎЧИРУВЧИ

ХАЛ ва ИКК бўйича тартиб рақами	6758
КМСК бўйича код	1229
Ходимлар тоифаси	Ишлаб чиқариш ходими

Лавозим вазифалари. Анжомларнинг ишчи ҳолатини ва сақланишини таъминлайди. Ўт ўчириш техника воситаларини доимий жанговар тайёргарлик ҳолатида сақлайди. Навбатчиликка киришиш пайтида аслаҳа-анжомларни ва штат бўйича тегишли ўт ўчириш — техника қуролларини қабул қилиб олади ва қабул қилиб олгани тўгрисида бевосита бошлиғига хабар беради. Кўриқланадиган объектни ва ёнгин жиҳатидан энг хавфли жойларни пухта текшириб чиқади. Ёнгинга қарши тартиб ва ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя этилишини, шунингдек ўт ўчириш воситалари ва ёнгин сигнализациясининг мавжудлигини ва ишчи ҳолатда эканини назорат қиласди. Ёнгин чиққан ҳолларда дарҳол уни ўчиришга киришади ва ёнгин тўгрисида объект раҳбарини ва ўз бошлиғини хабардор қиласди. Бошлиқга объектнинг ёнгинга қарши ҳолати ва ўт ўчириш воситалари тўгрисида маълумот беради. Ўз вазифаларини жанговар расчедта ўт ўчириш машинаси (мотопомпаси)да бажаради.

Билиши лозим: объектда мавжуд барча ўт ўчириш воситаларини; ҳар бир аниқ ҳолда қайси ўт ўчириш воситаларини қўллашни; ўт ўчириш воситаларини жанговар тайёргарлик ҳолатига келтириш усулларини; бирдан ўт олган жойга техника воситаларини энг қисқа ва хавфсиз етказиш йўлини; техникининг тузилишини ва уни ишлатиш қоидаларини; меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси ва ёнгинга қарши хавфсизлик қоидалари ва меъёрларини.

Малака талаблари: ўрта маҳсус маълумот, ўт ўчирувчиларни тайёрлаш маҳсус курси, иш стажига талаблар қўймай тасдиқданган дастур бўйича ҳар йилги қайта тайёргарлиқдан ўтказиш.

ХИЗМАТ КҮРСАТУВЧИ ХОДИМЛАРНИНГ ИШЧИ КАСБЛАРИ

ХУДУДНИ ТОЗАЛОВЧИ

ХАЛ ва ИКК бўйича тартиб рақами	1335
КМСК бўйича код	9162
Ходимлар тоифаси	Хизмат кўрсатиш ходими

1-разрядли

Ишларнинг тавсифномаси. Худудни йигиштириш (супуриш, майсазорларни тозалаш) ишларини бажаради. Чиқиндиларни йигади ва уларни маҳсус ажратилган жойга ташийди.

Билиши лозим: супуриб-сидириш вақтини, усулларини ва йўлларини (қуруқ ёки ҳўл ҳолда); қўлланиладиган асбоб-анжомларнинг хилларини; ахлатни омборхоналарга жойлаш жойларини; меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги ва ёнгинга қарши ҳимоя қоидалари ва меъёларини.

Малака талаблари. Маълумот ва иш стажи талаб қилинмайди.

ДАМ ОЛИШ ҲУДУДИНИ ОБОДОНЛАШТИРУВЧИ

ХАЛ ва ИКК бўйича тартиб рақами	4659
КМСК бўйича код	6142
Ходимлар тоифаси	Ишлаб чиқариш ходими

3-разрядли

Ишларнинг тавсифномаси. Пиёдалар юрадиган йўлкаларнинг, йўлка четларининг, майсазорларнинг ҳолатини кўздан кечириб туради, таъмирлайди, тўгрилайди; дараҳтлар ва буталарни қирқиб шакл беради, ўтларни ўради; дараҳт кўчатлари ўтказади; гуллар ва сабзавот-полиз экинларини экади.

Билиши лозим: кўчатларни, буталарни, сабзавот экинларини кўчириб ўтқазиш принципларини; ўғитлаш ва сугориш даврларини; турли хил ўсимликлар учун ишлатиладиган ўғитларнинг хилларини; буталарни манзарали-санъаткорона қирқиш

усулларини; меңнат мұхофазаси, техника хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси ва ёнгинга қарши ҳимоя қоидалари ва меъёрларини.

Малака талаблари. Үрта маҳсус маълумот. Иш стажи талаб қилинмайды.

САНУЗЕЛ ИШЧИСИ

ХАЛ ва ИКК бўйича тартиб рақами	6647
КМСК бўйича код	7136
Ходимлар тоифаси	Ишлаб чиқариш ходими

3-разрядли

Ишларниң тавсифномаси. Санузелларни ва санузеллар эгаллаб турган майдонни йигиштиради. Умумий йўлакларда, кутиш хоналарида ва ўтиш жойларида ўрнатилган тупдонларни тозалайди ва ювади.

Билиши лозим: ванналарни, унитазларни, тупдонларни, шунингдек санузеллардаги панелларни ва полларни қатрон қилиш ва ювиш пайтида қўлланиладиган моддаларнинг турларини ҳамда воситаларни; меңнат мұхофазаси, техника хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси ва ёнгинга қарши ҳимоя қоидалари ва меъёрларини.

Малака талаблари. Үрта маҳсус маълумот. Иш стажи талаб қилинмайды.

БОГБОН

ХАЛ ва ИКК бўйича тартиб рақами	6341
КМСК бўйича код	6112
Ходимлар тоифаси	Ишлаб чиқариш ходими

2-разрядли

Ишларниң тавсифномаси. Манзарали ўсимликларнинг шунингдек мевали кўчатларни етиштиради. Турли хил дарахтлар, гулларни кўчириб ўtkазish чизмасини ишлаб чиқади. Етиштирилган кўчатларни кўчириб ўtkазади; тупроққа ишлов

беради ва уни ўгитлайди. Дараҳтларнинг ва гулларнинг шоҳшаббаларига шакл беради. Ўз вақтида сугоришни таъминлайди, пайванд қилиш, ўсимликларни зааркунандалардан ва касалликлардан ҳимоя қилиш ишларини бажаради. Эски дараҳтларни янгилиари билан алмаштириш, ҳосилини йигишни ва сақлашни ташкил этади.

Билиши лозим: боғдорчилик ва мевали дараҳтларининг тузилишини, ўсиш ва мева ҳосили беришининг биологик хусусиятларини; боғдорчилик-мевали ўсимликларини ўстириш бўйича агротехник тадбирларни; зааркунандалардан ҳимоя қилиш чораларини; меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги, ёнгинга қарши ҳимоя қоидалари ва меъёрларини.

Малака талаблари. Ўрта маҳсус маълумот. Иш стажи талаб қилинмайди.

ҚОРОВУЛ

ХАЛ ва ИКК бўйича тартиб рақами	6868
КМСК бўйича код	9152
Ходимлар тоифаси	Ишлаб чиқариш ҳодими

1-разрядли

Ишларнинг тавсифномаси. Корхона ва унда мавжуд мулкни, ҳудудни ва мулкларни мунтазам равишда (маълум интервал билан) айланиб ва кўздан кечириб чиқади. Юк билан ва юксиз пиёда ва транспорт воситалари билан кириб чиқиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларни текширади.

Билиши лозим: корхона ҳудудини қўриқлаш йўриқномаларини; огоҳлантириш сигналини бериш усулларини, шунингдек шубҳали шахсларни ушлаш йўлларини; агар лозим бўлиб қолса қурол билан муомалада бўлиш қоидаларини ва уни қўллаш вазиятларини; пиёда кириш, транспорт билан кириш ва юк олиб чиқиб кетиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларнинг асосий турларини ва шаклларини; меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги ва ёнгинга қарши ҳимоя қоидалари ва меъёрларини.

Малака талаблари. Маълумот ва иш стажи талаб қилинмайди.

ХИЗМАТ ХОНАЛАРИНИ ЙИГИШТИРУВЧИ ФАРРОШ

ХАЛ ва ИКК бўйича тартиб рақами	7226
КМСК бўйича код	9132
Ходимлар тоифаси	Хизмат кўрсатиш ходими

1-разрядли

Ишларнинг тавсифномаси. Хизмат жойларини йигишириш билан боғлиқ бўлган барча ишларни бажаради. Тозаликни назорат қилиб туради ва ахлатларни йўқ этиш чораларини кўради.

Билиши лозим: йигишириш вақтини; ўзи учун бириткириб қўйилган биноларни; ишлаб чиқариш чиқиндилари (ахлатлар) ва озиқ-овқат қолдиқларини омборларга жойлаш жойларини; ўз иш жойини ва асбоб-анжомларни сақлаш жойини; сув билан таъминлашнинг асосий ва қўшимча манбаларини; меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси ва ёнгинга қарши ҳимоя қоидалари ва меъёрларини.

Малака талаблари. Маълумот ва иш стажи талаб қилинмайди.

УМУМИЙ ҲОЖАТХОНАЛАРНИ ТОЗАЛОВЧИ ФАРРОШ

ХАЛ ва ИКК бўйича тартиб рақами	7228
КМСК бўйича код	9132
Ходимлар тоифаси	Хизмат кўрсатиш ходими

1-разрядли

Ишларнинг тавсифномаси. Корхона ҳудудидаги умумий ҳожатхоналарни тозалайди. Ахлат қутиларни ишлатилган қоғоздан бўшатади ва уларни маҳсус жойда йигади. Барча ифлосликларни юваб ташлайди, дезинфекция қиласи.

Билиши лозим: йигишириш вақтини; дезинфекция қилиш учун қўлланиладиган воситаларни; чиқиндиларни жойлаш омборхоналарини; асбоб-анжомларни сақлаш жойини; меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги ва ёнгинга қарши ҳимоя қоидалари ва меъёрларини.

Малака талаблари. Маълумот ва иш стажи талаб қилинмайди.

бекоц.

ПАХТА ТОЗАЛАШ КОРХОНАЛАРИ ВА ТАЙЁРЛОВ МАСКАНАРИНИНГ ИШЧИ КАСБЛАРИ, РАҲБАРЛАР, МУТАХАССИСЛАР ВА ХИЗМАТЧИЛАР ЛАВОЗИМЛАРИНИ КЛАССИФИКАЦИЯЛАШ БЎЙИЧА МЕЪБЕРИЙ МАТЕРИАЛЛАР ТҮПЛАМИ

Бош мұҳаррир Гулчехра Мұхаммаджон
Мұҳаррир Ҳосият Ражабова
Мусаҳдиқ Дилором Ҳотамова
Саҳифаловчи-дизайнер Азиза Ойназарова

Нашриёт лицензия рақами AI-№ 213
2013 йил 18 январда нашриётга топширилди.
2013 йил 11 февралда босишга ружсат этилди.
Бичими 60x90 1/16 «Baltica APP» гарнитураси.
Шартли босма табоги 8,37.
Нашриёт ҳисоб табоги 6,34. Адади 1000 нусха.
671-сонли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.

Оригинал макет "DAVR PRESS" нашриёт-матбаа
үйида тайёрланди.

"DAVR PRESS" NMU МЧЖнинг матбаа бўлимида
оффсет усулида чоп этилди.

Манзил: Ўзбекистон Республикаси, 100156, Тошкент шаҳри,
Чилонзор тумани, 20^а-даҳа, 42-уй.

Тел: 8(371) 216-9014, 120-1299;

Маркетинг бўлими: 8(371) 120-1233

Web: www.davrpress.uz, www.kitoblar.com;

E-mail: davr-press@mail.ru